

ИСТИҚЛОЛГА ИЖОД ЯРАШАДИ



Жиззах, аслида вилоят сифатида навқирон саналса-да, унинг тарихи замонлар қаърига бориб тақалади. Бу юртга эрамиздан бурун Искандар Зулқарнайн қадам босган ва из қолдирган, бобомиз Амир Темур бир талай кўрган ва қишлоқларимизга ном берган, жанубга йўл олган йўловчи соҳибқирон бобомизнинг дарвозасидан бош эгиб ўтади, шу жойдаги горга салом беради, зеро мазкур гор ҳам Темур бобо номи билан аталадики, бир замонлар у киши шаҳри Самарқандга қароқчилик қилган қорахитойликни тоғдан ошириб қувганида шу горда шотиру аскарлари билан тунаган, ҳордиқ чиқарган эди. Чор босқини даврида ҳам Жиззах не жабру жафоларни бошидан ўтказди. 1916 йилги қонли Жиззах кўзғолонини бир ёдга олинг. Тарихий манбаларга кўз югуртишнинг ўзи бир аянчли. Боши тошдан-да қаттиқ бу халқ бери замонларда чўлни ўзлаштирди. Сахро бағрида чўлдан гулистону бўстонлар яратди. Зотан бугунги эл ўша узоқ тарих нафасини симириб келган халқнинг авлоди, унинг томирида чидам, сабр, куч ва шижоат бор. Руҳи ҳам осмон қадар баланд.

Мухтарам Президентимиз бу юртга келганларида доимо меҳр билан сўзлаганлар, заҳматкаш чўлқуварларга самимий ташаккурини билдирганлар. Ўз навбатида жиззахликлар ҳам истиқлолнинг ўн биринчи байрамини муносиб кутиб олишга шай туришибди. Зотан бу вилоят одамларига ҳам куйлаш, ижод этиш, фахр-ифтихор, жўшқинлик ярашади. Жиззахда яшаб ижод этган кўп қалам соҳиблари бор. Биргина Ҳамид Олимжонни эслашнинг ўзи кифоя. Ўзбекистон юртини биров у кишидан ошириб куйламагандир, эҳтимол.

Бу одамларга меҳру вафо, тўй, меҳнат, мардлик, матонат, бир сўзлилик отамерос. Уларга муносиб фазилатлар булар. Биз каби масъуллар, кези келганда қўлига қалам тутганлар ана шу фазилатлардан илҳом олишимиз, шу қадок қўлли одамларнинг эзгу ишлари ва мақсадларига таяниб иш юритишимиз сир эмас. Ҳолбуки шоир ҳам, раҳбар ҳам халқникидир. Агар у ёмон бўлса халқнинг ёмони, яхши бўлса ҳам шу халқнинг яхшиси, шу элнинг обрўси.

Бешинчи йилдирки, вилоятимиз ҳокимлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, устозимиз Абдулла

Ориповнинг саъй-ҳаракатлари асосида Республика ёш ижодкорларининг Зомин кўрик-семинари анъана тусини олди. Айтиш жоизки, Ватанимизнинг турли нуқталаридан келган ўнлаб истеъдод соҳиблари кашф этиляпти бу ерда. Уларнинг номлари бевосита Зомин номи билан боғланиб фахр туйгуларини уйғотади кишида. Вилоятимиз ҳокими Убайдулло Ёмонқуловнинг ташаббуси билан ҳар йили семинар ўтказилаётган Зоминдаги Ўрик-лисой пансионати яқин кунларда таъмирдан чиқарилиб, ижодкорларнинг галдаги ташрифи учун тахт қилиб қўйилади. Бу ҳам адабиёт, ижод, қолаверса, маънавиятимиз, мафкурамиз келажагига вилоятдаги айрича бир эътиборни кўрсатса керак. Зеро истиқлол йилларида ёш истеъдодлар, жумладан, ёш ижодкорларга мамлакат миқёсида эътибор ва ғамхўрлик кучайди.

Вилоятимизда шу бугун ўзбек адабиёти майдонида тер тўкиб, обрў-эътибор қозониб юрган ижодкорларимиз кўп. Уларни номма-ном санаб ўтирмайлик. Шундоқ ҳам адабиёт ихлосмандлари уларни яхши билишади, яхши кўришади.

Кези келганда ёш шоиру ёзувчилар номини мамлакатимиз миқёсида ҳормай-толмай тарғиб этаётган “Ёшлик” журнали навқирон 20 ёшга тўлганини эсга олиш жоиз. Бундан роппа-роса 20 йил бурун, яъни журналнинг илки сонидан ўша вақтдаги Республика раҳбари, аввало таниқли ижодкор Шароф Рашидовнинг табрик сўзи босилгани, ижодкору ўқувчиларга оқ йўл тилагани ва айнан орадан йигирма йил ўтиб, Жиззах вилоят ҳокимлиги мана шу журналнинг бу йил биринчи сонига ҳомийлик кўрсатишида қандайдир муштараклик, рамзийлик бўлса керак...

Зукко журналхонлар вилоят раҳбариятининг мазкур эътиборига бир назар солиб қўйсалар бўлгани. Ва ўйлаёмизки, яшаш ва меҳнат қилиш осон кечмайдиган чўл туманларимизда ижод этаётган шоиру ёзувчиларимиз асарларидан бу сафар кўпроқ баҳраманд бўладилар.

Барчаларингизни Истиқлолнинг нурафшон йўлида ижод шавқи ҳеч қачон тарк этмасин!

Сайёра ТҲҲИЕВА,
Жиззах вилоят ҳокимининг
ўринбосари.

Саъдулла ҲАКИМ

ОНА ЮРТИМ, ЖИЗЗАХИМ



* * *

Баланд тоғлар кўкка учар,
Жайрон чопиб ўйнаб юрар.
Юртим, сени соғинганда
Тушларимга жайрон кирар.
Ҳа, ялло-ялло,
Таралла-ялло.

Сангзор дарё уриб чаппор,
Сен томонга оқар чаппа.
Боғларнинг боғ косалари
Жимирлайди чиппа-чиппа.
Ҳа, ялло-ялло,
Таралла-ялло.

Қизлари майиздаккина,
Жувонлари қиздаккина.
Мингига олисдан ошиқ
Девона йўқ биздаккина.
Ҳа, ялло-ялло,
Таралла-ялло.

Амир Темур дарвозаси,
Элга аён овозаси.
Тарихнинг тоғ каби юксак,
Янграр гурур, шонлар саси.
Ҳа, ялло-ялло,
Таралла-ялло.

Қорға ювиб кўкрагини
Қумда пойи пишган замин.
Ғаллаорол, Фориш ўзинг,
Бахмал ўзинг, ўзинг Зомин.
Ҳа, ялло-ялло,
Таралла-ялло.

Икки ёнингда қўш қанот
Туркистон Нурога тор.
Тошкан йўли — қўш куйруги,
Бамисоли Хумо сийёк.
Ҳа, ялло-ялло,
Таралла-ялло.

Ўзбекистон сийнасига
Мангу босиб қайноқ тўшин.
Неча аср, замон оша
Ерлаб учар тилло қушим.
Ҳа, ялло-ялло,
Таралла-ялло.

ОҚСАРОЙ

Қасида

1.

Тошкентнинг қоқ ўртасида Оқсарой,
Кундуз қуёш қўниб ўтар, тунда ой.

Чуқур дарё кўрингандек сирдан тинч,
Теграсида улғувор бир сокинлик.

Ичкарида мамлакатнинг юраги
Элим, юртим дея ёниб уради.

Миллат дарди, юрт қайғуси, эл тинчи
Шудир шараф унвонига элгувчи.

Тасодифан озор чекса эл агар,
Оқсаройни ўртаб ўтар энг аввал.

Кувонч қуши учса қай бир гушадан,
Оқсаройга келиб қўнар ўша дам.

У Озодлик авлодига бошпана,
Дуниёга йўл Оқсаройдан бошланар.

Остонасин йўқлаб келар, ҳар бобда
Жаҳон ичра донг таратган арбоблар —

Президентлар, қироллару пошшолар,
Ўзбекдай мард дўст қилдирган пешволар.

2.

Оқ уйи ё Оқсаройи тожи сар,
Огоҳ этар элу юрт ривожидан.

Замон бўлди Соҳибқирон замони,
Кешда бино этди ажиб бинони.

Осмонга бўй чўзди улкан қўш равоқ,
Кенг ҳовлиси тоштахтали, оқ, равон.

Деворлари зар, ложувард кошиндан,
На мағрибда, на бор Чину Мочинда.

Қачонки юрт ўз эркини берди бой,
Атиргулдек сўлди гўзал Оқсарой.

Кошинлари кўз ёшидай тўкилди,
Расо қадди ёй мисоли букилди.

Яна ҳурлик кирди оро жонига,
Малҳам қўйди заха-яра танига.

Аммо руҳи учди Тошкент томонга,
Зап киройи кўрк берай деб замонга.


3.

Пойтахтнинг қоқ ўртасда тикди қад,
“Қуббатул-истиқлол” эрур то абад.

Меъмори Юртбоши, тенгсиз маҳорат,
Ҳар нақшида ўзбекона тароват.

Лойи меҳр суви билан қорилмиш,
Саратон — танурда пишган ҳар бир гишт.

Оқиш мрамар, яшил тошдан устун,
Юрт осмони безаб турар устини.



Рухинг қушдай енгил тортар, босмас юк,
Бир зал мовий, бири зангор, бири кўк.

Шифтларидан шаффоф зиё сочилар,
Ул бирида нилий осмон очилар.

Қибла томон қараб турар пештоқи,
Саҳни чаман: яшил, қизил, пистоқи.

Қўш қаноти бир-бирига вобаста,
Парвозга шай лочин дейсиз ҳавасда.

Тож зийнати ёқут каби ярқираб,
Манглайида Ватан герби барқ урар.

Амир Темур дубулғаси мисоли,
Оқ куббаси шонли ўтмиш тимсоли.

Хур-хур еллар эсиб ўтар осуда,
Юрт байроғи ҳилпирайди бошида.

Этагида қадим Анҳор жўш уриб,
Куйлаб оқар абадиёт кўшигини.

4.

Ватан шаънини улуглар эл-улуси,
Кимлар учун юрт рамзидир Елисей.

Кимлар Оқ уй деса тикар жонини,
Авло кўрар гурурини, шонини.

Даунинг сирини борми билмаган,
Инглиз сўз айтар унинг номидан.

Император саройидан кетса гап,
Япон боқар сакурадай гул яшнаб.

Не бахт, мен ҳам аён этиб ҳалдимни,
Сўз айтаман мағрур тутиб қалдимни.

Замонга боп иморатдир Оқсарой,
Эркимизга ишоратдир Оқсарой.

У ўзбегим дўпписидай беқийёс,
Она халқим тийнатига ҳосе мос.

Унда озод миллат руҳи мужассам,
Ҳам шавкати, ҳам шуқуҳи мужассам.

Дунё йўли макон тутган қароргоҳ,
Ватанимда Қазбам менинг шу даргоҳ.

...Тошкентнинг қоқ ўртасида Оқсарой,
Кундуз кўёш кўниб ўтар, тунда ой!

ШУ ГЎЗАЛ БОҒ ИЧИНДА

Бамисли жавҳару зар тоғ ичинда,
Моҳият нарсанинг шундоқ ичинда.

Тафаккур дур каби ноёблигидан
Мудом тутмиш макон чаноқ ичинда.

Ясаб тош тахтадан мўъжаз иморат
Мағиз қадри баланд ёнғоқ ичинда.

Очар япроқ ичинда лола рухсор,
Муҳаббат лаззати ардоқ ичинда.

Сенинг асли тилинг, ай ёр, шириндир,
Салафдан қўрғони дудоқ ичинда.

Қабоқ устида қолмиш қош, сабабким
Қароғ-кўз гавҳари қабоқ ичинда.

Азал ҳукмин, аё, ҳар лаҳза ёд эт,
Азиздир жон қазо-сиртмоқ ичинда.

Униш бордир, яшаш бор, яшариш бор,
Сўлиш бордир гўзал шул боғ ичинда.

Мурод шу, қолдириб бир майса яшноқ,
Моҳият касб айламоқ тупроқ ичинда.

ЮРТ ИШКИДА

Сен ҳақда ўйласам фикрим очилар,
Борини яшириб айта олмайман.
Шоирларинг кўпдир — машҳур очунда,
Улардан ошириб айта олмайман.
Ошиқман, ошиқлик сўзим шулки чин:
Юртим, сени қандай севмаслик мумкин.

Ойбек наъматакка битди мадҳия,
Олимжон назмида гул очди ўрик.
Ям-яшил майсалар наволарида
Хайриддин Салоҳнинг баёти тирик.
Ошиқман, ошиқлик сўзим шулки чин:
Юртим, сени қандай севмаслик мумкин.

Бир фаслинг — кун қисқа, тунларинг узун, —
Ой тезроқ балқай деб Кунни шоширар.
Бир фаслинг — тун қисқа, кунларинг узун, —
Қуёш боғларингда ёлду шоширар.
Ошиқман, ошиқлик сўзим шулки чин:
Юртим, сени қандай севмаслик мумкин.

Икки бош узумни бағрига босиб,
Аёл чиқиб келса узумзорингдан,
Шамоллар осилиб этақларига,
Бергил, дер, бир донга ўша дорингдан.
Ошиқман, ошиқлик сўзим шулки чин:
Юртим, сени қандай севмаслик мумкин.

Истиклол зангидан уйғонди замон,
Замон шиддатда асрлар шашти.
Сўз айтсанг, сўзингни тингласа жаҳон
Нақадар улугдир рўшмолик гашти.
Ошиқман, ошиқлик сўзим шулки чин:
Юртим, сени қандай севмаслик мумкин.

Дўст кўли кўш доим, душман кўли — уч,
Биттаси ҳамиша енг ичида берк.
Энди Эрк ўглингни асра, маҳкам куч,
Йигит ори-номус, миллат ори-Эрк.
Ошиқман, ошиқлик сўзим шулки чин:
Юртим, сени қандай севмаслик мумкин.

Сенга садоқатда бетимсол элим, —
Қозини кўчириб кезмас ҳеч маҳал.
Беш маҳал ҳар кун тиловат қилиб,
Бош кўйиб тупроғинг ўпар беш маҳал.
Ошиқман, ошиқлик сўзим шулки чин:
Юртим, сени қандай севмаслик мумкин.

Тақдирда бўлсайди қайта яралмоқ
Мен яна мунаввар ул ўша онда,
Эгамдан ёлвориб сўрардим, ё раб,
Ўзбек қилиб ярат Ўзбекистонда.
Ошиқман, ошиқлик сўзим шулки чин:
Юртим, сени қандай севмаслик мумкин?!

СЕН ЎЗИНГ

Шеър ёзмадим номингни атаб,
Қошки, исминг ягона бўлса?
Истайманки, бор мақтовларим
Бошқаларга бетона бўлса!

Сурайёдек номинг эъозлаб
Таърифингда очар бўлсам сўз,

Боқий савр қақшанидан
Хумор боқар бир тўда юлдуз.

Юрагимга исминг аслида
Худди нишон каби қадалган.
Аталмаган шеърларим бари
Фақат ёлғиз сенга аталган.

ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ

Устоз Абдулла Ориповнинг 60 ёшига

“Юраги ботирдир, ҳар сўзи ёқут,
Абдулла акангнинг этагидан тут.

Устоди кабир лутф-иноятдан
Темирни хамирдек юмшатди Довуд.

Устоз ўғитидай ўткир қилич йўқ,
Йўқ устоз пандидек мустаҳкам совут”.

Раҳматли отамнинг даъватларидан
Ҳамон юрагимда гуруллайтиди ўт.

Устозим Наврўзда туғилмиш, ўзим
Ўн йил ўтгандан сўнг, кундан яна тўрт.

Ўсди болалигим узумга тўйиб,
Онамдек бол бериб улгайтирди тут.

Ниҳоят Неқўзда кўчган наърадан
Уйғонди Гараша, кўз очди Накрут.

Йўллар етаклади Тошкент бағрига,
Қуйилди кўксимга навою суруд.

Не бир замон кечди шундан буёғи
Макру нағмалари бўлган йўқ унут.

Не бахт, ўзбекнинг ҳам келди ҳамали,
Ортда қолди буткул аямажиз, хут.

Аммо “Митти юлдуз” юксакда ҳамон,
Ҳамон юракларга таратади қут.

Ўзбекнинг томири ер юрагида,
Хаёли етти қат осмонда масъуд.

Бол келса элинга тухфалар айла,
Ғам келса қолдирма, сўнгигача ют.

Устоз кирибдилар олтмишга бу ҳол,
Мен ўн йил берида турибман бойкут.

Юлдуз-ку абадий порлаб қолажак,
Нур тушган кўнгил ҳам бўлмагай унут!

ИЗЛАР

Икки чети ораста,
Ёлғизоёқ чамбил йўл.
Кетиб бораман аста,
Ҳар ёнда гиёҳлар мўл.

Қуриб қорайган янтоқ,
Чўкир шувоқ. Кўк барра.
Узоқда қорайган тоғ,
Осмонга тортар арра.

Шу биргина сўқмоқда
От изи, қулон изи.
Эшак изи, ит изи,
Қуш изи, илон изи.

Шу биргина сўқмоқда
Дон изи, бугдой изи.
Юзиб ўтар оҳишта
Куёш изи, ой изи.

Балки бунда бир чоқлар
Озод қўйиб чавқарин,
Елиб ўтган қуюндай
Амир Темур навқари.

Балки... Машраб сўзона
Наволар қилиб ўтган.
Йўл тушганча узала
Оёқларини ўпган.

Шу йўлда бобом изи,
Отам излари пойдор.
Қор ўтган, ёмғир ўтган,
Шамол ўтган неча бор.

Шу сўқмоқда менинг ҳам
Изим қолар экилиб.
Бугдой донаси каби
Сўзим қолар тўкилиб.

...Қай бир замон, бегона
Йўловчи қўйса қадам,
Маънос бир соғинч ила
Эслармикан мени ҳам?

БАТАН ШАЪНИ

Эр кишининг ҳар иши
ўз давру давронига мос,
Найзасин душманга тутқазмоқ
фақат Ҳотамга хос.
Хур диёрим қасдида
то бир баложўй бор экан,
Ҳар сўзим ханжар кабидур,
ҳар мўйим наштар қиёс!

ГУЛҲАН

Баҳмал кўрпасини ёлди ёз оқшом,
Олмазор боғ ичи қандай латиф, боқ.
Кел, юрагинг — коса, ишқингни қил шам,
Тилингни гулхандек гуриллатиб ёқ!

УМР ФАҒЛИ

Ёшлиқ бошқа экан, йигитлик бошқа,
Энди тор кўринар, аввал кенг йўлак.
Яшардим ўз кайфим зайлида, энди
Дардим кўп ўзимнинг дардимдан бўлак.

ЭЛ ҲИҚМАТИ

Эл кезиб топганим бу, элимга хос,
Бир ипга маржон каби тизилди, холос:
Отлиқ билан чопишар от кўрмаган,
Ёвуқ билан ёвлашар ёт кўрмаган.

МЎЪЖИЗА

Магар эчки одам бўлибди десанг,
Эшитган оғзинга уради: “Пуч гап!”.
Лекин, таассуфки, ҳаётда баъзан
Одамнинг эчкиси туради учраб!

МАРД АЪМОЛИ

Хавф келса, майдонни мард
Ҳаммадан сўнг этар тарк.
Ки, энг кейин тўкилар
Чинор учидаги барг!



ИСТЕЪДОДЛАРГА МЎЛ ЮРТ БУ



Жиззах воҳаси ҳам аслида адибу шуаролар юрти ҳисобланади.

Ўтмишда қалам тебратган Аламқаш, Муаззамхон, Эргаш Жуманбулбул ўғли (Жиззахни ота юртим деб атаган) ворислари Ҳамид Олимжон, Назир Сафаров, Шароф Рашидов, Оқилжон Хусанов, Саъдулла Ҳаким, Назиржон Баракаевлар ижод қилишди бу юртда. Улар изидан Оға Бургутли, Сайёра Тўйчиева, Шаҳло Аҳророва каби истеъдодли шоир адибларимиз пайдо бўлишди.

Бугунги кунда қатор ижодкор ёшларимиз ҳам Жиззах адабий муҳитига ўз овозлари билан кириб келмоқдаларки, уларни тингламоқ, олқишламоқ жоиздир. Шундай ёшлардан бахмаллик Феруза Зокирова қатор кўрик-танловлар совриндори, “Ижодкор ўқитувчилар”, Республика ёш ижодкорлари Зомин анъанавий кўрик-семинари голибидир.

Зухра Мамадалиева ҳассос шоира, шеърлари ўқтам. Ёшлар орасида ўз овозига эга қизларимиздан. Унинг “Ўрик-лисой кўшиқлари” тўплами яқинда “Ёзувчи” нашриётида чоп этилди. Латофат Неъматнинг “Истеъдод” рукни остида “Тонгги шабнам” шеърый тўплами ҳам “Ёзувчи” нашриётида босмадан чиқди.

Лола Эсонова, Маҳфуза Бозорова, Шоҳида Мўминова каби ёш қизларимиз ҳали мактаб партасиданоқ ўз мухлисларини топишга улгуришди.

Маълумки, беш йилдан буён вилоятимизнинг гўзал Зомин гўшасида республика ёш ижодкорларининг семинар-танлови бўлиб ўтади. Бу танлов янги-янги овозларни кашф этишди катта воқеликка айланмоқда. Сайёра Эргашева, Зебунисо Лапасова, Аъзамжон Эргашев, Башорат Сулаймонова каби ижодкорларимиз илк оқ фотиҳани Зоминда, устозлардан олишга муваффақ бўлдилар.

Жиззах адабий муҳити бир дам тўхтаган эмас. У кундан кун ўсиб, янги-янги овозлар билан бойиб бормоқда.

Шарофат БОТИРОВА,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Жиззах вилоят бўлими масъул котиби

БАХТ

Одамзод шул азал-азалдан
Бор нарсанинг қадрига етмас.
Доим унга нимадир керак,
Доим унга нимадир етмас.

Юксакларга чиққани сайин
Яна олис юлдуз кўзлайди.
Бахти бекам бўлса-да, яна
Олислардан бахтни излайди.

Ота-онанг бўлса соғ-омон,
Бошинг узра тинч турса осмон.
Дастурхонда бўлса ризқинг-нон,
Сен бахтлисан, эй азиз инсон!

Фарзандларнинг камолин кўрсанг,
Умр йўлдош ҳалолин кўрсанг,
Болаларинг боласин суйсанг,
Бундан ортиқ бахт бўлмас, ишон!

Башорат СУЛАЙМОНОВА,
Ғаллаорол

ЖИЗЗАХ ИСТЕЪДОДЛАРИ

ҚАЁЛОТ

Қавасим келади жажжи қушларга —
Осмонга бемалол парвоз қилади.
Ўхшагим келади жуда уларга,
Улардай дунёни кўргим келади.

Қанийди, қанотим бўлсайди менинг,
Узоқ-узоқларга парвоз қилардим.
Бу ёруғ оламнинг, гўзал дунёнинг
Қувонч-у, гамига шеърлар ёзайин.

Ахир миттигина ожиз қушча ҳам
Қўшади дунёнинг ҳуснига ҳусн.
Халқимни эъозлаб қуйлайин мен ҳам,
Шеърларим гуллардай безавол унсин.

Олим БОЙҚОБИЛОВ,
талаба

Абулқосим Мамарасулов



МУҲАББАТНИНГ ҚИРМИЗИ ОЛМАСИ

Ҳикоялар

ОЙСУЛУВНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

— Уйинг куйсин уруш! Отинг ўчсин уруш! Қанотимни қайирдинг-ку! Султонимдан айирдинг-ку! Вой бола-а-м! Бола-а-м! Сен ўлганча мен ўлсам бўлмасми-ди, болам!

Мухтор икки кўча ошса ҳамки, бу нидоли, қайғули, нафратли овоз ҳалигача қулоғи остида эшитилипти. Гўё ўқдай, юрагига санчиляпти. Менинг ўғлим ўлиб кетди, қишлоқнинг ҳамма катта-кичиги урушда, сен бу ерда нима қилиб юрибсан, деяётгандай. Гўё ҳамма ўзига тикилаётгандай. Бир-бирига нуқтаб, Мухторни кўрсатаётгандай. Балки ўзига шундай туюлгандир. Балки бошқа сабаб...

Мухтор Маматқул билан бирга кўнгиллилар сафида жўнамоқчи эди. Бирга тайёрланишганди, кейин... Мухтор қолди. Маматқул, мана, ҳалок бўлибди. Ҳар кимнинг кўзидан, овозидан ваҳимага тушиб, қишлоқда бош кўтариб юргунча, ўзи ҳам ўша ёқларда ўққа учиб ўлгани яхши эди.

Мухтор хаёлан ўзини сўкарди-ю, аммо ҳозир ўз ўйларига ҳисоб бермасди. Бутун вужудини аламзадалиқ, уни маҳкам ушлаб турадиган доимий ваҳима чулғаб олганди. Мухтор урушга бормади. Маматқул билан йўлга чиқмоқчи бўлганда ҳам бор-йўғи тенгдошларидан айрилиб қолмаслик учун ариза берганди. Кейин орадан кўп гаплар ўтди. Нима бўлганди ўзи? Эҳ-ҳа, тарихи узоқ. Бунинг ўзи катта бир ҳикоя.

* * *

Мухтор Ойсулувни яхши кўрарди. Бир-икки марта Ойсулувнинг ўзига дил розини очмоқчи бўлди, аммо яқин борди дегунча, тили тутилади. Қалтирайверади. Тезроқ қочиб кетгиси келади. Четроққа ўтса яна ўзини ўзи қийиши. Энди қайтиб борса, албатта гапиришни кўнглига тугади. Ойсулув билан бир бригадада ишлашади. Бирга ишга чиқиб, бирга қайтишади. Йўлда Ойсулув бир қараб қўйса, бўлди, кун бўйи ширин ўйлар оғушида тўлиб-тошиб юради. — Ойсулув! — Сулув бўлганда ҳам унча-мунча сулувлардан эмас. Гўё ойдек нур сочади. Ота-онаси зап исм топиб қўйишган. Қани энди, орзулари амалга ошса-ю... Мухторга бошқа ҳеч нарса керак эмас... Қайси кунни туш кўрибди. Туй бўлаётганмиш. Келин ҳовилаларига кираётган жойдаги икки алангани айланяпти. Мухторнинг отасига, онасига, ҳамма қариндош-уруғларига салом бераётганмиш. Яхшилаб қараса, келин — Ойсулув! Мухторнинг ўзи четроқда, куёвнавкарлар орасида савлат тўкиб турибди. Бошда дўппи, устида беқасам тўн,

Абулқосим Мамарасулов номини наср ихлосмандлари яхши билишади. Унинг 15 йил бурун чоп этилган “Суюнчи” ҳикоялар тўплами ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотган эди. Шундан сўнг А. Мамарасуловнинг “Барлос қишлоғининг зумрад тонглари” туркум ҳикоялари “Ёшлик” журналида чоп этилди. Бу ҳикоялар ёзувчи ижодидаги бир поғона юксалишни кўрсатиб берди. Жиззахнинг Бўстон кўрғонида яшаб ижод этаётган ижодкорнинг кўплаб асарлари Республикамининг деярли барча бадиий нашрларида эълон қилинган.

У Зарбдор туманида фермерлик иши билан бирга айни пайтда “Инсон ва қонун” газетасининг вилоят мухбирлиги вазифасини ҳам бажаряпти. Биз бу сафар Абулқосим Мамарасуловнинг ҳали матбуот юзини кўрмаган икки ҳикоясини эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

лабида табассум. Катталар, Мухтор билан Ойсулув узук-ка кўз қўйгандай бир-бирига мос, умрлари узок бўлсин, қўша қаришсин, деб дуо қилишяпти. Дўстлари Мухторни табриклашяпти. Шу пайт қаёқдандир пайдо бўлиб қолган Маматқул Мухторнинг елкасига осилганча, “мен бахтли бўлолмадим, сен бахтли бўл, дўстим! Мен етолмаган Ойсулувга сен етдинг!..”, деб йиғлаб-энграб, бош уряпти. Кейин келин — Ойсулув бошини кўтариб, ёпинчигини олиб ташлади-да, уларга ўгирилди. Ойсулувнинг доим чақнаб турадиган кўзларини ғам босган. Ғам ҳам эмас, қандайдир нафратми-ей. Бу нафрат кимга аталган?.. Кўзлари бир тўқнаш келдию, одатдагидай, Мухторнинг бутун вужуди, оёқларигача қалтираб, кўзларини олиб қочди. Ойсулув улар томон келаверди. Кейин.. Мухтор уйғониб кетди. Ўшандан бери ҳаловати йўқ. Ойсулув ҳовлисига келин бўлиб тушганидан қувонса, кўзларини эслаб...

Маматқул билан Мухтор бирга ўсишган. Баъзан йигитлар йиғилиб қолганда қизлар ҳақида гап кетади. Ҳамма Маматқул билан Ойсулувнинг қалинлигини билади. “Қиз”инг билан қандайсан?” деб сўрашади. Мухторнинг дами ичига тушиб, индамай ўтираверади. Қани энди, қандайдир куч пайдо бўлса-ю, Ойсулув Маматқулдан юз ўгириб, Мухтор билан... Баъзан Мухтор ўз ожизлигидан нафратланиб кетади. Бораману, ҳамма дардимни тўкиб соламан, деб қасд қилади.

Маматқул эса Ойсулув жуда яхши қизлигини, минг шўх, минг ўйинқароқ бўлмасин, биронта йигитни ўзига яқинлаштирмаслигини, ҳатто Маматқул ҳам ёнида бир оз чўчиб, ҳисларини жиловлаб туришини айтади. Худди сеҳргар қизга ўхшайди, дейди бахтиёр кулимсираб. Айнан шу гаплари Мухторнинг дилига ҳам мос тушади. “Ойсулув сеҳргар қиз!”

Тўғри, Мухтор Ойсулувни Маматқулдан тортиб олиб қўймаслик кераклигини билади. Ахир уларнинг муносабатлари ҳаммага аён. Ойсулувни тортиб олиш — йигитликка хиёнат. Мухтор бу тўғрида ўйларди, лекин бошқача ўйлари ҳам бор эди-да. Ахир Мухтор қачонлардан бери шу қизни деб ёнади. Қачонлардан бери дарди ичида. У пайтлари Маматқул таралла-белод қилиб юрарди. Буларнинг яқинлашуви бор-йўғи шу баҳордан бошланди. Бу томондан қараганда Мухторнинг бахт қушини — Ойсулувни Маматқул тортиб олган бўлмайdimи?

Ёз келди. Уруш бошланди! Биринчи кунларданоқ Барлоснинг бир қанча йигитлари қатори Маматқул билан Мухтор ҳам кўнгиллилардан бўлиб, ариза беришди.

Эртага жўнаймиз, деган оқшом уйдан кузатувчилар аримади. Ярим кечага яқин одамлардан қўли бўшаб, чарчаб, энди ухлайман, деганда юрагини аллақандай норозилик кемираётганини пайқаб қолди. Аввал келди-кетди билан овора бўлиб, унча эътибор бермаган экан. Норозилик аломатини Мухторнинг ўзи яхши биларди. Ойсулувни кўргиси келаётган эди. Эл қатори урушга кетяпти. Энди боради. Энди Ойсулувга бор дардини, бир йилдан бери унинг ишқида куйиб юрганини, бир йилдан бери Ойсулув деб яшаётганини, неча марта лаб дил рози ичида қолиб кетганини, кеча-кундуз уни ўйлашини тўкиб солади. Энди урушга кетаётганини ўлиб кетса, майли, агар эсон-омон қайтса, албатта Ойсулувга уйланишини, жангга ҳам Ойсулув деб киришин айтади. Айтмай кетиши мумкин эмас. Мабодо жанг майдонида қурбон бўлса, ўзи учун ўлганини билиб, йиғласин.

Мухтор бир дақиқа ўзига аза тутиб, кўз ёш тўкаёт-

ган Ойсулувни тасаввур қилди. Сочлари ёйилган, бетлари юлинган. Олдида Мухторнинг ўлиги ётибди. Кўкраги қип-қизил қон. Ўқ кўкрагига теккан экан. Ойсулув ҳолсизланиб, юзини Мухторнинг жароҳатига қўйди. Кимдир келиб, Ойсулувни турғизди. Кўз ёшларидан Мухторнинг кўкрагидаги қон ивиб, Ойсулувнинг бетига чапаланган, сочларигача қип-қизил қон. Кейин кўзларидан ҳам ёш ўрнига қон оқа бошлади...

Қирқ йил қиргин бўлса, ажали етган ўлади. Урушга эл қатори боради. Ўзи ариза бермаганда ҳам бари бир сал ўтмай, чақириб кетишарди. Бундан ташқари, ҳамма тенгдошлари “борамиз”, деб турганда Мухтор четга чиқолмасди. Ё ўлар, ё қолар, ким билсин, ҳали қаҳрамон бўлиб қайтадимиз? Кўкраги тўла орден-медаллар бўлса. Барлосликман деганнинг бари кўчага чиқиб, уни кутиб олса. Душманни енгган мана шу йигит деб олқишласа. Мухтор хурсанд, ҳаммага қўл силкиб, кўча бўйлаб, шаҳам одимлаб кетаверса... Кейин Ойсулув ховлиларидан югуриб чиқса. “Мухтор ака!”, — деб ўзини унинг бағрига отса. Қувончидан юм-юм йиғласа. Мухтор ҳам қизни қаттиқ кучиб, елкаларини, сочларини силаса. Ойсулув йиғлаб бўлгандан сўнг “мен сизни жуда интизорлик билан кутдим”, деса. Ҳазиллашиб, эркалаб, юзига аста шапатиласа. Кейин ўз қилигидан уялиб, юзини унинг кўкрагига яширса. Энди Мухтор уялмайди, қалтирмайди. Кўзларини олиб қочмайди. Севган қизига соғинч билан тикилиб тураверади. “Ўҳ-хў, орденларингиз бунча кўп”, деса Ойсулув. “Ҳаммасини сен учун олганман. Доим сени деб урушга кирдим. Сени деб гермоннинг бўйинини синдирдим. Сени деб эсон-омон қайтиб келяпман, Ойсулув! Энди бир умрга бахтли бўламиз. Ҳечам ажрамаймиз, хўпми?”, — деса Мухтор.

Ойсулув қувончдан чарақлаган кўзларини юмиб, бош ирғайди. Иккисининг бир-бирига бўлган меҳру-муҳаббатини кўриб, Барлос аҳли кўзига ёш олади. “Қишлоғимиздан чиққан қаҳрамонга шон-шарафлар бўлсин!” деб қўлларига кўтариб, осмонга отишади. Шу ернинг ўзида Ойсулувга келинлик либосини кийгизишади. Келин-куёв ўртада Мухторларнинг уйига йўл олишади. Қизлар ёр-ёр айтишади...

... Мухтор ўз ўйларидан ширин энтикиб, Ойсулувларнинг уйи орқасида тўхтади. Бояги шашти бўйича, тўғри ичкарига кириб бормоқчи, агар ота-онаси билан ўтирган бўлса, “эртага мен урушга кетяпман, илтимос, бизни холи қолдириб, қизингизга икки оғиз гапим бор, айтаману кетаман”, демоқчи эди. Аммо уй тўғрисида келганда... яна қалтирай бошлади. Қайтиб кетмоқчи бўлдию, бу фикридан гижинди. Нимани ўйлаяпти ўзи? Ё ҳозир гаплашади, ё ҳеч қачон! Ахир эртага жўнаяпти... Шуларни ўйларди-ю, ҳовлига тўғри кириб боролмаслигини ҳам жуда яхши англари. Лекин қайтиб ҳам кетолмасди. Қандайдир натижа бўлиши керак.

Мухтор айланма йўллар билан томорқа тарафга ўтди. Ойсулувларнинг катта боғи бор. Ҳеч бўлмаса ўша томондан келиб, ҳовлига бери назар ташлашни истарди. Ким билсин, балки ўзи чиқиб қолар...

Боққа тушмоқчи бўлаётган Мухторнинг қулоғига аллақадердан йиғи овози эшитилди. Аввалига бутун фикри-зикри ҳовлида бўлиб, эътибор бермади, кейин овозни таниди-ю, донг қоғиб қолди. Ойсулув йиғлаётганди! Уни кимдир овуларди. Улар боғнинг нариги бурчагида. Мухтор овулаётган йигит Маматқул эканлигини билдию, ўтириб қолди. Аъзойи-бадани иложсизликдан титраб кет-

ди. Хўрлиги келиб, кўзларига ёш қалқиди.

Шу экан-да... Мухтор нималарни ўйлаб юрипти. Шунча ширин хаёлларни суриб келди. Дардини айтмоқчи бўлибди-я! Мухторнинг дардсиз ўзиники ўзига етиб ортаркан. Ана, Маматқулнинг пинжига кириб олган. Тўйиб-тўйиб қарайверсин. Яна нима истайди? Яна Мухторга нима керак? Ажаб бўлди, хўб бўлди. Урушда битта ўққа дуч келса, баридан қутулади-қўяди.

Мухтор орқаси билан тисарилганча, кўча бўйлаб анча юрди. Маматқул билан Ойсулудан кўзларини узолмасди. Улар ўзлари билан ўзлари овора, Мухторнинг келганини ҳам, кетганини ҳам сезишмади. Мухтор эса узоқлашгандан кейин ўнгланиб, уйига югурди. Нимага бундай қиляпти, ўзи англамас, аммо вужуди уни шунга ундар, юрагидан нимадир тўлиб-тошиб келар, югурмаса, отилиб чиқиб кетадигандай эди. Хонасига кириб, ўзини ёстиққа ташлади ҳамки, у нарса отилиб чиқди. Бу — йиғи эди. Аламли йиғи эди. Қадрланмаган, топталган, хўрланган севги йиғиси эди. Йиғи вужудининг ички қатламларидан тўлиб келар, уларни тўхтатиш асло мумкин эмас эди. Тўхтатишга ҳаракат ҳам қилмас, ўксиб-ўксиб йиғларди. Чунки энг сўнгги умиди чил-парчин бўлган эди. Ариза бергандан бери бугун деб, эрта деб, ниҳоят охириг кундан умид қилганди. Жўнаш олдиан бор дардимни айтиб, урушга кетавераман, деб ўзини овутаётганди. Энди ҳеч қандай овутадиган нарса қолмади. Энди йиғламоқдан ўзга чора йўқ.

Йиғини эшитиб, ота-онаси кириб келишди. Онаси дарров қўшилиб йиғлашга тушди. Йиғи аралаш Мухтор: “Эҳ! Ойсулув, Ойсулув!”, деб юборди. Бунга ўзи эътибор бермади, чунки эрта-индин ўлиб кетадиган одам. Онаси эътибор бермади, чунки ўз дарди ўзига етиб ортарди. Аммо отаси Мухтор нимага йиғлаётганини билиб қолди. Отаси Мухторга разм солиб юрар, одамови бўлиб қолганини, қандайдир қизнинг дардида ўртанаётганини сезарди.

Эрталаб йигитлар тўрваларини кўтариб, жанггоҳга жўнаш учун станцияга боришди. Жўнатилаётганлар сафида Мухторнинг номи чиқмади. Ҳайрон бўлиб, командирдан нега қолдиришаётганини сўраганда, “бор, бор, ишингни қил. Қишлоғингда кутиб туравер, навбатинг келса, ўзимиз чақирамиз”, дейишди. Бу ерда қандайдир сир яширингандай. Қандай сир бўлиши мумкин? Ё отасининг ишимикан? Отасининг қўлидан келади. Танишлари, пули ҳам кўп. Наҳотки қолиб кетишида отасининг қўли бор? Шошма! Оқшом, худди бир сирни биладигандай, ғалати кулимсираётган эди. Ўшанда, менинг устимдан куляпти, деб эътибор бермаган экан. Эрталаб ҳам фақат уйдан хайрлашиб, “менинг ишим бор”, деб кетиб қолди. Бошқа ҳамма ота-оналар станцияга чиқишди. Нега бунақа қилади? Нега тенгдошларидан ажратиб қолдиради? Ойсулувни кўриб, ҳар кунни бир ўлгандан, урушда биратўла ўлиб кетгани маъқул эмасми? Ҳамма дўстлари кетди. Маматқул ҳам... Маматқул ҳам кетди... Ойсулув қолди... Мухтор қолди... Йўқ, йўқ, бундай ўйлашнинг ўзи разиллик. Ойсулув ҳеч қачон Мухторни демайди. Бунга ишончи комил. Бунинг устига, Маматқуллар у ёққа бориб, қон кечиб юрса-ю, Мухтор бу ерда кўча кезадими? Ҳар ерда ўз тенгинг билан бўлганин маъқул экан. Бир ўзи ажралиб, ўнғайсизланиб қолди. Худди тенгдошлари олдида айбдордай. Мухторни қолдиришганда улар ҳам ҳайратланиб, ғалати-ғалати қарашди. Ҳа-а, ҳаммаси отасининг иши. Боласининг раҳминд еган. Жанггоҳга

борса ўлиб кетади, ундан кўра олиб қолай, юра турсин, деган. Отаси жуда ичидан пишган одам. Мухторнинг қолишини ҳатто онасига ҳам айтмаган. Майли, бирга бориб, бошқа ота-оналар қатори йиғлаб тураверсин, эл-юрт шубҳа қилмайди, деган... Шу қилганига отасига бир кўрсатиб қўйсин. Олиб қолганларига пушаймон есин.

Уйга келса, отаси йўқ... Отаси салобатли, умуман, ёнидаги кишилар ҳайиқибро-оқ туришади. Шу туфайлими ё отаси бўлгани учун ҳамми, Мухтор отасидан чўчиб турарди. Балки бугун ҳам учрашганда салобати босиб, айтмоқчи бўлаётган гапини айтолмас. Ҳозир бу тўғрида ўйламасди. Юз берган ноҳақликка чидолмай, ҳақни талаб қилмоқ истаги билан ёнарди. Ишхонасига бориш учун кўчага чиқди. Туш бўлиб қолган, одамлар ишдан қайтаётганди. Йўлда шошиб кетаркан, даладан келаётган Ойсулувни кўрди. Бир зум довдираб, тўхтади. Узоқданоқ сездики, қизнинг кўзлари сўник... Ҳақиқатни юзага чиқариш керак. Ойсулувнинг кўз ёшлари ҳаққи!.. Отасини тезроқ топиш керак. — Мухтор шашт билан олдга йўналди. Ойсулувга салом тарзида бошини бир енгил силкиб ўтиб кетди. Ойсулув ўйланиб келаётган экан, уни кўрди-ю, ҳайрон бўлганча тўхтаб қолди. “Нима гап? Нима бўлди? Маматқул ҳам қолдими?” — Қизнинг йиғидан қизарган кўзларида ана шундай саволлар бор эди. Мухтор баттар азобланди. Энди ҳамма унга шундай кўз билан қарайверади. Энди Мухтор кўчага чиқолмайди.

Отаси ишхонасида ҳам йўқ экан. Яхшиям йўқ экан. Энди анча шаштидан тушиб қолди. Ҳатто отасининг йўқлигига хурсанд бўлди.

Бари бир чидолмади. Поездга чиқиб кетган тенгдошлари, Ойсулув кўз ўнгида тураверди. Кечкурун отаси келганда, аразлаб, ўз хонасига кириб кетди. Овқатга чақирилганда ҳам хўмрайиб, ерга қараб ўтирди. Онасининг кўзлари аланг-жалаң, югуриб-елиб хизмат қиляпти. Кутилмаган бахтдан — ўғли ёнида қолганидан хурсанд бўлишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмайди. Бу ерда бир сир борлигини сезиб, тагига етолмай ҳайрон.

— Ҳа, йигит!? — деди отаси киноя билан, — Бунча? Қовоғингдан қор ёғди?

Мухторнинг жон-пони чиқиб кетди. Ҳозир бор тўплаб юрганларини айтса бўлади, лекин қаршисида отаси ўтирарди, салобати босарди. Шунинг учун “ўзим” деди-ю, бошини эгиб ўтираверди.

— Нима бўлди? — отаси яна кулимсираб сўради. Бу кулимсирашида: “сен гўдак, нимани ҳам биласан? Ниманинг фарқига борасан?”, деб ёш боланинг устидан кулгандай бир оҳанг бор эди. Ана шу оҳанг Мухторнинг гашига тегди. Бунинг устига, кундузги шашти ҳам қўшилди-ю, порглади:

— Нимага мени олиб қолдингиз? — деди отасига тик қараб, кўзлари нафратга тўла эди.

Отаси ўзини яна аввалгидай тутмоқчи бўлди, аммо ўғлининг кўзларидаги нафратдан нигоҳини олиб қочишга мажбур эди. Хонага жимлик чўқди.

— Ким айтди сенга, мени олиб қолди деб? — ниҳоят отаси аллақандай таҳдид аралаш сўради.

— Ўзим билдим.

— Ўзинг билдинг? — отасининг овозига яна киноя аралашди. — Унда ҳақиқатан йигит бўлиб қолибсан. — Отасининг бўлиб-бўлиб, салмоқлаб айтган гапи Мухторнинг шусиз ҳам тўлиб турган сабр косасини тошириб юборди.

— Йигит бўлганманми, йўқми, нима ишингиз бор?

Ҳамма тенгдошларим кетди. Энди мен бу ерда қандай бош кўтариб юраман? — деди Мухтор паст овозда, аммо ўз навбатида отасига таҳдид билан. Бу гапи билан, сиз қайтарсангиз ҳам, бари бир, ўзим кетавераман, демокчилигини яққол пайқаган отаси ўйланиб қолди.

— Ҳай, ўғлим, нима деяпсан? Отангга шунақа гапирасанми? — дея онаси ўртага тушди.

Мухторнинг юраги эзилиб кетди. Агар ҳозир яна бирикки оғиз гапирса, онаси йиғлаб юборади. Онасининг кўнгли бўш. Жангтоҳга кетишини эшитиб, бир неча кундаёқ адойи-тамом бўлган.

— Ор қияптиларми? Майли, унда кетаверинг. Марҳамат! — деди отаси анча жимликдан сўнг, кейин бирдан бақариб берди. — Ким ушлаб турибди сени бу ерда, аҳмоқ?! Ўша тенгдошларингга қўшилиб кетаверсанг бўлмасми? Нимага қайтиб келдинг? Шунақаям орчил йигит экансан? Кет! Бор, ҳозир кет! Бир дақиқа ҳам ушлаб турмайман.

Мухторга алам қилди. Кетолмаслигини биллади-да, шунинг учун аччиқ қилиб, гапираверади.

— Ҳеч бўлмаганда онангни ўйласанг бўларди, — деди отаси, яна бир оз жимликдан сўнг мурасасоз, Мухторнинг ерга қараганини бўйсунганликка йўйиб. — Урушга кетармиш, деган гап чиққандан бери қоқсуяк бўлиб қолди-ку, бечора.

Рост, ҳеч эсига келмапти. Нуқул ўзини ўйлапти. Ойсулунни ўйлапти, Маматқулни ўйлапти...

— Урушни ўйинчоқ деб ўйлаяпсан, шекилли. — Отаси давом этди. — Сен билсанг экан, у ерда нималар бўлишини. Бош кўтариш мумкин эмас. Ўқлар физ-физ учади. Бу, мен финлар урушида бўлгандаги гап. Ҳозиргисини у билан солиштириб ҳам бўлмайди. Немислар ҳамма томондан бостириб келяпти. Ота-онангни давлатида юрганнинг жонингга тегибдида, а, нонкўр! Худди оромгоҳдан қолиб кетгандай ваҳима қиласан! Ўша тенгдошларинг ҳам эрта-индин ариза берганига минг пушаймон ейди. Йиғлайди ҳали. Худо биллади, биринчи жангга киргандан омон чиқадими, йўқми?.. Ҳозирча мен эсон-омонманми, қўлимдан келибдими, олиб қолдим. Шунисига шукр. Шошмай тур. Ҳали сенга ҳам навбат келади. Ўшанда мен қайтаролмай қоламан. Бу уруш ҳазилакам уруш бўлаётгани йўқ. Ҳозирча менинг ўқ еб келганим иккимизга етади. Билдингми?! Ма, кўриб қўй, ўқ ейиш қанақа бўларкан! — Отаси гапининг охирида ўзини тутолмай бақариб берди ва қўйлагини ёқасидан тортиб, белигача йиртиб юборди. Отасининг елкасида катта жароҳат изи бор эди. Мухтор кўзларини олиб қочди. — Кучинг ичингга сиғмай бораётган бўлса, мана, онанг бор, биргалашиб, уйлантириб қўямиз, — деди отаси бир оздан кейин тинчланиб, дўстона кулимсираркан. — Ҳў, ана, қўшнимизнинг қизи бор-ку, онаси, яхшигина бўлиб етилибдими?

— Қайси? Қайси? — онасининг юзига ранг кириб, олдинга сурилди.

— Бор-ку, анови, — отаси Мухторга қаради, сирдош жўралардай, ишшайиб, кўз қисди. — Ўзиям, ўғлинг ўшани деб қачонлардан бери ичини еб юрибди.

Мухторнинг бутун вужудига роҳатбахш ҳарорат югурди. Тўғриси, уялиб кетди. Отаси билармикан?

— Ойсулунми-ей, исми?.. — отаси давом этди.

Мухторнинг юзи оқарди, кейин қизарди. Кўзларини қаерга яширишни, қўлларини қаерга қўйишни билмай қолди. Ойсулунни тасаввур қилди. Ана, иккиси ёнма-ён

кетишяпти. У келинлик либосида. Қизлар ёр-ёр айтишяпти.

— Бўладими, ўшани олиб берсак? — отаси онасига қараб олди. — Ишқилиб, ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Қишлоқда обрўйимиз ёмон эмас. Кимнинг эшигидан борсак — қайтармайди. Балки икковларинг бир-бирларингни яхши кўрарсизлар, а?

Мухтор хижолатга ботди. Отаси ҳаммасини биллади. Мухтор яхши кўради-я, аммо у-чи? Ойсулун-чи? У Маматқулни хушлайди. Лекин отасининг қўлидан кўп иш келади. Олиб бераман деса, олиб бераверади ҳам.

— Ойсулунни олиб берамиз, юравер кейин, билганингни қилиб, — дея отаси бирдан жиддийлашди. — Аммо олдин бир ишни битириш шарт. Уруш жуда қаттиқ бўляпти. Ҳали менинг қўлимдан ҳам ҳеч нарса келмай қолиши мумкин. Шунинг учун ҳозирдан чорасини кўриб қўйишимиз керак. Мен бугун, сўраган одамларга, “ўғлимиз касал экан, шунинг учун қайтариб юборишибди”, дедим. Энди ким сўраса, шундай деяверинглар. Эртадан бошлаб, сен Мухтор ҳеч ёққа чиқмай ётавер. Тушундингми? — Отасининг овозида яна таҳдид янгради. Мухтор эса ҳамон ширин хаёллар оғушидан чиқолмай, отасининг гапларига ҳайрон бўлиб турарди. — Мен бу ёғини гаплашганман. Бир таниш врач бор. Тўғри-лаш мумкин деган. Биз у билан келишдик. Энди сен бир ҳафта уйда ётасан. Бир сонингни боғлаб ташлаймиз. Биров сезмасин, ким сўраса, шишиб кетган, тушундингми? Қорасон бўлибди, деймизми, ишқилиб, бир касалнинг номини айтамыз-да. Ҳозир замон ёмон! — Отаси охириги гапларини ваҳшат билан айтса-да, дарҳол юмшади. — Ана, у ёғи тўғри бўлса, бу ёғини келиштирамиз. Касалхонадан сенга “ярамайди”, деган хужжат беришди, биз эса онанг билан Ойсулунни кига дастурхонга кўтариб борамиз.

Отаси эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангга гапирди. Мухторга бу сўзларнинг асл маъноси аста-аста бориб етди. Демак, урушдан қолади. Ҳаммаси қонуний бўлади. Кейин Ойсулунни олиб беришади.

... Бир йилда Мухтор “ярамайди” деган қоғоз олди. “Инвалид” бўлиб, уйига қайтди. Отаси айтган врачнинг ўзи “даволади”, кейин “операция” қилди. Сонининг бир тарафини олдин тиззасигача кесиб, гўштининг бир бўлагини олиб ташлади, кейин қайтадан тикди. Ҳамма сирдан фақат ўзи, отаси ва врач воқиф бўлди.

Мухтор бу ишлар битгунча неча бор ўлиб-тирилди. Йўқ, операциянинг ўзи унча қийнамади. Гўё у қилаётган ишларни бошқалар кўриб тургандай. Кўз олдидан Маматқул кетмасди. Қўли билан Мухторни тенгдошларига кўрсатиб, нуқул: “Мухтор кўрқоқ!”, — дейётгандай. Бир оқшом ҳам уйқусида ҳаловат бўлмади-ёв. Кўзлари уйқуга кетди дегунча Маматқулнинг нафратли нигоҳи еб қўйгудай қадалаверади: “Ҳа-а, сенмисан Ойсулунни оладиган? Ойсулун сента тегармиди?” — дейди-ю, даҳшатли қаҳ-қаҳа уради. Кейин бирдан олаяди. “Кўрқоқ!”, дейдию, панжаларини бургутникидай ёзиб, чанг солмоқчи бўлаверади. Бошида айланаверади. Бир вақт қараса, Маматқул эмас, ҳақиқатан ҳам бургут човут солишга тайёрланыпти. Мухтор кўрқиб, қочишга ҳаракат қилди. Доллайди. Уйғонса, туш... Бунақанги беором кечаларни озмунча ўтказдими? Нега ўша кун отасига руйхуш берди? Нега “кет” деганда тура солиб жўнамади? Ана, Маматқул орден олибди. Сурати газетага чиқди. Мухторнинг ўзи ҳам кўрди. Отаси “Ойсулун” деганда мойдай эриб, бошини кўтаролмай қолди. Соғ оёғини кесиб,

бошқатдан тикишди. Бир-икки марта қочиб ҳам кетмоқчи эди, лекин кўрқди, журъатсизлик қилди.

Кейин Ойсулуга совчилар боришди. Ойсулув совчиларни ҳайдаб солибди. Кейин Ойсулув далада Мухторнинг ёнига келди. Нафрат билан қараб турди-турди-да, бор кучи билан бир тарсаки туширди. “Аблаҳ!” деди-ю, ўкраб йиғлаганча, югуриб кетиб қолди. Мухтор оғзига талқон солгандай, лол бўлиб тураверди. Кейин... Маматқулдан қора хат келди!

Мухтор ўзидан ўтганини ўзи билади. Касалхонада ётгандаёқ шунча яширишларига қарамай, қишлоқда ҳар хил миш-мишлар тарқалган экан. Албатта, бу гаплар Ойсулунинг ҳам қулоғига бориб етган...

Бунда-ай, ўзига келиб қараса, қишлоқнинг четига чиқиб қолибди. Бутун вужудида норозилик: ўзидан ҳам, ота-онасидан ҳам, Маматқул, Ойсулудан ҳам, ҳамма-ҳаммасидан норози. Энди нима қилади? Энди қаёққа боради? Маматқул йўқ, Ойсулув ўзига қолди. Хурсанд

бўлаверсин. Нега хурсанд бўлмапти?

Йўқ, Мухтор хурсанд бўлолмасди. Маматқулнинг қаршисида айбдор эканини, унга хиёнат қилганини сезиб турарди. Балки четдан қараган одам Мухторга ҳеч қандай айб қўймас, аммо Мухторнинг ўзи ўзидан нафратланарди. Бу айбни қандай ювиш мумкин? Қон биланми? Шунча қочиб юриб, энди урушга жўнасинми? Қишлоқда қолиб, нима қилади? Мухтор яна нима истайди? Нима?... Бир қарорга келиш керак. Ноаниқлик, шубҳа, доимий кўрқув, ваҳима Мухторни еб қўйди.

Мухтор орқасига қайтди. Йўлда унга томон бир қиз келарди. — Ойсулув!

Ойсулув бошини кўтарди. Мухторни кўриб, бир зум қадами секинлашди, хў ўша, даладагидек, яна қаҳр билан тикилди-ю, йўлида давом этди. Кўзлари тўла ёш. Мухтор яна ўшандагидек қотиб қолди. “Уни сен ўлдирдинг! Сен.. сен...”, — дерди Ойсулунинг кўзлари.

ҚАРИБ-ҚУЮЛМАГАН МУҲАББАТ

Қишлоқда замонавий тўй. Столга чол-кампирларни ҳам таклиф этишди. Кампирларнинг энг четига Ойхол ўтирди, қаторни чоллар давом эттиришди. Тасодифми (ё тасодиф эмасми?), Ойхолнинг ёнгинасига Қулбой ўтириб қолди. Бир пас бир-бирлари билан иши бўлмаган кишидай, жим ўтиришди. Тўй қизиб, биров билан бировнинг иши бўлмай қолгандан сўнг Қулбой зимдан Ойхолни кузатди. Олтмишга бориб қўйсаям ҳали балодай. Бетлари кип-қизил. Чап ёноғидаги холи ҳалиям... Шу холини, шу юзни, шу қоматни деб Қулбой бир вақтлар... Эҳҳ! Бир даврлар бўлиб ўтган-да!

У даврларда “Қулбой чол” эмас, кимсан Қулбой полвон эди. Барлоснинг раиси эди. Қишлоқни бир ўзи ётқизи-турғизарди. Бир яшаб қўйган-да, Қулбой полвон!

Ойхол Ойхол кампир эмас, силкиллаган, диркиллаган келинчак эди. Ҳар қарашлари ҳар йигитларни ҳар қўйларга солардики, у ёғи-бу ёғи йўқ. Энди десангиз кўчаларда бир юриб кўярди, бирам юриб кўярдики, байбай-бай! Қараган ҳам қараган, қарамаган ҳам қараган. Эрини — Эшимчани назарга илмас эмиш, деган гаплар юрарди қишлоқда. Ким билади, бўлса бордир. Ҳар қалай бошқа келинлар чилласи чиқиб, бир-икки болали бўлганча кўпам остона ҳатлаб кўчага чиқавермайдиган замонда Ойхол ўн кун ўтмай ўша замонларнинг замонавий келинчаги бўлиб, Эшимчани етаклаганча Самарқандга томошага бориб келди. Куппа-кундуз куни иккови кетиб боряпти. Эшимча ерга қараган. Ойхолнинг кўзлари эса олма-кесак теради. Қулбой полвон идорадан чиқиб, қишлоқда ўзидан бошқа ҳеч ким ҳатто таъмини тотиб кўришни орзу қилолмайдиغان сигаретани тутатиб турарди. Қандайдир таъқибни ҳис қилиб, Қулбой полвон ўгирилди. Эри билан кетиб бораётган Ойхолнинг нигоҳи унда эди. Бир дам раисларга хос салобат билан ўкрайиб турди. Ойхол дам урмади. Кўзлари шўх чақнаб келаверди. Анаман-манаман деганларнинг ҳам унча-мунчаси Қулбой полвоннинг қаршисида гапини йўқотиб кўярди. Бу... Қулбой полвоннинг қони қизиди. “Яхши нарса экан!” Кўзла-

рини сузиб, сал жилмайган киши бўлганди, Ойхол ўзини тутолмади. Уялган киши бўлиб, юзини ўтирди. Ўтиб кетишгандан кейин ҳам Ойхол икки-уч марта қайрилиб қараб, Қулбой полвоннинг кўнглидаги гулгулани кучайтирди: Ана қалди-қомат, ана олов кўзлар! Лопиллаб ўт оламан, дейди-я, тавба! Увол-а! Увол кетипти шундай хурилиқо! Ойхолнинг қаршисида Эшимча қора гўрдай бўлиб, пилдираб-пилдираб борарди.

Балки ўшанда илк бор шайтон Қулбой полвоннинг ниятини бузгандир. Эшимчанинг ота-онаси бечора одамлар. Бундай дуру-гавҳар қичимани қаердан топтийкин? Кейин билса, аллақандай қариндошлари бўларкан. Ойхол ўз қишлоғида бир йигит билан унча-мунча гап-сўз бўлган, шу орада Эшимчадан совчи бориб қолгану, Ойхолни зудлик билан бериб юборишган. Демак...

Шахсан колхоз раисининг буйруғи билан Ойхолни чилласи чиқар-чиқмас, фаол меҳнатта жалб қилишди. Ойхол фаол меҳнат кучоғида жавлон ура бошлаган кезларда эса Қулбой полвон ҳам ўйноқи саманининг жоловини тортиб, дала айланадиган бўлди. От минишни Қулбой полвондан ўрганиш керак. Бир юрарди, бирам юриб кўярдики, мўйлови шопдай, кўзлари ўқдай. Биргадирман-сиргадирман, деганлар саманнинг чангини кўргандан то саманнинг чанги кўздан йўқолгунча итдай-битдай биқиниб кетарди.

Кейин... бригадир қамалди. Нимага қамалганини ҳеч ким билмай ҳам қолди. Ўрнига комсомол-ёшлар бригадаси тузилди. Оловқалб, шижоаткор, ишбилармон Ойхол янги бригадир бўлди. Ёш келинчак тез-тез мажлисларга қатнашадиган, уйига кеч қайтадиган бўлди. Бунга Эшимча тихирлик қилди. “Давлатингни ишини осиб қўйдим. Уйга вақтли қайт”, деди. Шунга ҳеч ким билмаган экан, бу Эшимча деганлари халқ душмани чиқди: комсомол-ёшларни ҳақоратлапти, хотин-қизларга феодалларча муносабатда бўлипти, Совет давлатига тил теккизипти. Катта бир халқ отахон Сталин раҳбарлигида ўлиб-тирилиб социализмни мустаҳкамлаётган бир дам-

да Эшимчаларни ҳеч ким аямади: кетди, қулоғини ушлаб, номи номаълум томонларга. Ана энди десангиз бу ёғи...

— Нега менга бундай тикиласиз?

Қулбой чолнинг тани яйраб кетди. О, роҳатижон! Ҳали-ҳали ўша нозли қарашлари, ҳали-ҳали ўша нозли сўрашлари...

— Сени соғиниб қолипман!

— Ҳе ўлинг! Қариб куюлмаган сассиқ чол!

Қулбой чолнинг юраги жунбушга келди. Биринчи марта бирга бўлишганда ҳам худди шундай, қарғаб эркалаганди: “Ҳе, ўлинг ёмон экансиз! Энди сиз билан гаплашмайман!” Гаплашмайман, дейдию, кўзлари кулиб турипти. Гаплашмайман дейдию, ўзи Қулбой полвоннинг кўйнида, кўллари бўйнида. Гаплашмайман дейдию... Аҳ! Энди-и, у даврлар Қулбой полвоннинг қирчиллама даври эди. Ойхолни белидан бир сиқди, бирам сиқдики, ўзиям йиғлаб юборай деди-ёв. Полвонга ёпишди-қолди. Шу ёпишгандан Эшимча қайтиб келганча ажрамади. Қилтириқ Эшимчанинг қўлида эркак қанақалигини билмай, хор бўлиб юрган экан-да. “Ёмонсиз! Шайтонсиз! Эшимча келсин, ҳаммасини айтиб бераман”, дерди эркаланиб. Эрини “хўжайин”, демасди, эр демасди, ҳатто Эшим ака ҳам демасди. Қулбой полвонга — жонажон севгилисига тақидан Эшимча дерди. Бир қилиқлар қиларди, бирам қилиқлар қилардики, Қулбой полвон жўшгандан жўшиб кетаверарди. Ҳай-ҳай-ҳай! Энди би-ир...

Қулбой чол столнинг пастидан киши билмас Ойхол кампирни астагина туртди. Ойхол кампир “тек ўтиринг”, дегандай, унинг қўлига шапатилади. Қулбой чол қизиқди. Қўлини Ойхол кампирнинг оёғига узатганди, Ойхол кампир уни ўшатиб жазолади: чимчилади. Шундай чимчиладик, агар ҳозир икковлари тўйда эмас, ёлғиз уйда ўтирганларида битта одамга айланиб қолишарди.

— Соқолингиздан судраб, бир шарманда қиларман! — шивирлади Ойхол кампир.

— Ўзинг узун сочларингни унутдингми?

Ойхолнинг қоп-қора, қалин, тақимига тушадиган икки ўрим сочи бўларди. Бу сочларни Қулбой полвон арқондай қўлига ўраб, тортиб, Ойхолга “азоб” беришни ёқтирарди. Шундай азобки, ҳар дақиқасини Ойхол мингта тотли дамба алиштирмасди.

Қулбой чол Ойхолнинг сочларига қаради: икки ўрим сочга унча-мунча оқ-кўк оралаган бўлса-да, ҳамон қалин, ҳамон... Ол! Сочлар, бу хушбўй сочлар...

— Ке, сочингдан битта тортай.

— Анавини қаранглар! Қаерда ўтирибсиз, ё... Ё товба! Бунинг кўзларини... Ҳалиям... Кампирингиз ўлиб, жинни-пинни бўлиб қолганингиз йўқми, бо худо?

— Мен аввал-охир Ойхол деб жинни бўлиб келаман.

— Вой мен ўлақолай! Кирди-чиқди бўлиб қолиптику бу сассиқ чол! Вой шарманда! Ҳали мана бу келин-куёвларга ўхшаб ўтираемиз, дерсиз?

— Нима қипти? Эшимчанг ўлиб кетган бўлса, худо раҳмати. Мен ҳам эсон-омон кампиримни Эшимчанинг орқасидан жўнатдим. Улар у ёқда бирга бўладию, биз қараб ўтираемизми? Сен бева, мен бева!

— Ҳо, қирилиб кетинг илоийм!

— Бутун оқшом сени олиб қочаман!

— Ўлар-ов! Бир гап бўлдимиз? Иштонингиз торлик қилиб қолдимиз? Ўтиб кетди у даврларингиз. Ўлингиз уриб ўлдирад сизниям, мениям.

Демак, Ойхол кампирнинг ўзи ҳатто қочишга ҳам рози. Фақат “ўлингиз” деб... Ойхол билан Эшимчанинг тўнғичи ўғил. Эшимча қамоқдан қайтгандан сўнг Ойхол олти ойда ойда ўғил туғиб берган. Бир бежағим бўлди, бирам бежағим бўлди-ей бу ўғил, унақаси Эшимчанинг уругида сира йўқ эди. Биланлар оғзини юмди, билмаганлар елка қисди. Каттариб, ҳалиги ўғилнинг юзи-кўзи нақ иккинчи Қулбой полвонинг ўзи бўлди-қўйди-да! Эшимчанинг дами ичида. Бахтига Сталин ўлиб, омон-омон замонлар бўлдию, бир йилда уйига қайтди. Шу қайтгандан қайтиб хотинига “у қилдинг-бу қилдинг”, деб оғиз очмади. Ўлганча. Қанча дарди бўлса ичида, ўзи билан олиб кетди Эшимча деганлари. Ойхолнинг кейинги фарзандларида ҳам Қулбой полвонинг унча-мунча ҳиссаси бор. Буни энди Ойхолнинг ўзи ажрим қилмаса... Қулбой полвоннинг хотини ҳам Эшимчага ўхшаш бечора эди, эрининг ишларини унча-мунча сезиб юрган бўлса-да, “ҳап” деб оғиз жуфтлаган эмас. Тўрт-беш йил даври-даврон суришди ўзиям. Кейин... кейин Ойхол болачақага ўралашди. Одамларнинг унча-мунча қорни тўйиб, бош кўтарадиган, ор-номус деган нарсаларни эслайдиган бўлдию, Қулбой полвоннинг омади кетди. Аввал бригадирликка туширишди, сўнгра айбларини, еганларини бўйига қўйиб, Эшимча кўриб келган томонларни “томоша” қилгани жўнатишди. Биланлар “Эшимчанинг уруг-аймоғи орият қилиб, Қулбой полвоннинг тагига сув қуйди”, дейишди. Билмаганлар ҳар балони алжираб-валжираб кунини ўтказаверди.

Эшимча бир йил “ётган” бўлса, Қулбой полвон бунақа йилларнинг тўрттасини ўтказиб, шашти қайтиб, “полвон” номидан ажраб қайтди.

Кимдир келиб, Қулбой чолнинг елкасидан тутди. Ўз ўй-хаёлари билан банд бўлиб ўтирган Қулбой чол шошиб қўлини Ойхол кампирнинг тиззасидан тортиди-да, ўгирилди. Қошида тўй раиси — Даврон муаллим ишшайганча микрофон тутиб турарди.

— Барлос колхозининг асосчиларидан бири, ветеран, колхозга бир неча йил раислик қилиб, унинг равнақига равнақ қўшган ҳурматли отахонимиз Қулбой бободан ёшларимизга икки оғиз ширин тилаклар билдиришини илтимос қиламиз. Қарсақлар бўлсин, ўртоқлар!

Ўтирганлар қарсақ чалишди. Қулбой чол бир пас хижолат бўлиб, ўрнидан урди. “Қўлим Ойхолнинг тиззасида эканлигини билдим-йўқми?” — Унинг хаёлида шу савол айланарди. Даврон муаллим микрофонни Қулбой чолнинг қўлига тутди. Қулбой чол фикрини жамлаш учун бир-икки йўталди, “гапиртираман деган дардинг бор экан, сал олдинроқ айтиб қўймайсанми?”, деб Даврон муаллимни уришди. Ҳамма кулиб юборди.

Ҳар қалай Қулбой чол ўз вақтида ҳар-хил минбардан гапириб ўрганган эмасми, келин-куёвни бинойидай табриклади, келиннинг ҳам, куёвнинг ҳам ота-онасини “яхши одамлар” деб мақтади. Мақтов эса худога ёқибди. Қарсақлар бўлди. Унга сари Даврон муаллим “яна қарсақлар бўлсин, ўртоқлар!” деб талаб қилди.

— Қалай, гапни ўлдириб қўйдимми? — керилди Қулбой чол.

— А-ай, менга гап беришганда сиздан ҳам яхши гапирардим.

Ойхол кампир ҳали ҳам ўша-ўшанақа гаплар билан Қулбой полвонни жўшгандан жўштирарди.

— Кенжатоингни қачон уйлантирасан?

— Менда ихтиёр борми? Ана, Чилматингиздан сўранг.
— Ойхол кампирнинг ранги бирдан ўчди.

Ойхол кампирнинг икки ўғли бор. Орадаги ҳаммаси қиз. Шунинг учун Қулбой полвон “Эшимчангни мазаси йўқ. Мен билан бўл, ўғил туғасан”, дегучи эди. Ҳар қалай ниҳоят Эшимчадан ҳам ўғил кўрди. Аммо шунақа бир ланж, лапашанг, бўшки, баъзан Ойхол ўғил туққанига хафа бўлиб кетади. Чилмат эса отасига тортган. Шу Қулбойгина бирон марта Ойхолга қаттиқ гапирган эмас. Чилмат эса ўғил бўла туриб, икки гапнинг бирида онасини силкийди. Бугун ҳам Ойхол кампир келини билан озгина фикшлашган эди. Кечқурун у эрига чақибди. Эри — яъни Чилмат онасига ўқталди. Туртмадию — туртгандан баттар қилди, “ўл” демадию — уриб ўлдиргандан баттар қилди. Заҳар, бирам заҳар-эй! Балонинг барини биледи. Отаси Эшимча эмас, Қулбой полвонлигини болалигидаёқ тушуниб етган. Тушуниб етгандан бошлаб Эшимча билан қалинлашиб, онасининг ашаддий душманига айланган. Чилмат уйда бўлса, Ойхол кампир юрагини ҳовучлаб, қадамини ҳисоблаб босади.

— Нима гап? — сўради Қулбой чол Ойхол кампирни ўзига яқин олиб. — Чилмат, дейман, сени хафа қиляптими?

— Хафа қилиш ҳам гапми? Мен ўлмадим — Чилматингиз қутулмади.

— Ий-е, шунчаликми?

— Ҳе, ордона қолсин бари! Эртадан кечгача ўлибтирилиб Чилматнинг болаларига қарайман, шуларнинг хизматини қиламан. Тагин эру-хотин бир бўлиб, мени сиздирмайди. Жонимдан тўйдим. Кетаман!

— Қаёққа?

— Қаёққа бўлса ўша ёққа! Бир кунимни кўрарман. Кўролмасам, бўрилар еб кетсин мени. Бир иснодга қолсин Чилматингиз. — Ойхол кампир кўзига ёш олди.

— Кўй-кўй, унақа қилма. — Қулбой чол ҳазил-чин аралаш Ойхол кампирни юпатган бўлди. — Мен ўзим Чилмат билан гаплашман.

— Гаплашасиз-а, гаплашасиз. Сизга ўхшаган гаплашадиганни тополмай юрипти ўзи. Бир оғиз гапиринг — сўяди.

— Ўз отасиния-?!

— Сиз Чилматга отамисиз? Эшимча боқсин, кийинтирсин, уйлантирсин, энди сиз эгалик қиламан дейсизми? Ў-ў, сиз Чилматни билмайсиз, — деди Ойхол кампир гурур билан, бир зумда аразларини унутиб.

— Менинг пушти-камаримдан бўлган бўлса — эгалик қиламан. Янаям сен биласан... Мен Чилмат билан яхши гаплашаман. Онангни менга бер дейман.

— Бериб бўпти.

— Сиздирмаётган бўлса, беради-да. Чилматга керак бўлмасанг — мана, менга кераксан. Ишлатмайман, не-варачевара қараттирмайман. Мастон кампир бўлиб, етти қават кўрпачада — ёнгинамда ёнбошлаб ўтирасан.

— Ҳа-ҳ, ёқмай ҳар бало бўлинг, илойим!

— Нима? Ёмонми? Шунча йил бир-биримизни яхши кўрдик...

— Астароқ! — Ойхол кампир Қулбой чолнинг билегидан қисди. — Одамлар эшитиб қолади.

Қулбой чол атрофига қаради: Ойхолнинг нарёғидаги кампир янаям нарироқдаги кампирлар билан суҳбатлашяпти. Ўзининг ёнидаги чолларнинг ҳам хангомаси куюқ. Иккови билан ҳеч кимсанинг иши йўқ.

— Керак бўлса, ҳозир Даврон муаллимни чақирман-да, микрофондан эълон қиламан. — Қулбой чол дадил тортди. — Мен Ойхолни севаман, дейман.

— Вой ўла-ай, тентак бўлганингиз йўқми?!

— Ҳеч бўлмаса қариганда орзумиз ушалсин, ахир! Сен бева — мен бева! Бола-чақаларимиз уйли-жойли бўлса. Битта кенжатоингни ўзим уйлаб қўяман, ғам ема, давлатим етади.

— Чилмат кўнмайди-да, — деди Ойхол кампир хиёл кулимсираб, хиёл ташвишланиб.

— Чилматдан сўраб ўтирасанми? Ҳозир тўғри Эшон бовога борамизда, никоҳ ўқиттирамиз. Вассалом! Ана ундан кейин Чилмат сени пишириб есин. Сенинг сизинди бўлиб ўтиришингга мен тоқат қилолмайман. Мен...

— Бўлди, бўлди, бўлди! — Ойхол кампир Қулбой чолни билагидан тутиб тинчлантирди.

Бахтни қарангки, шу пайт Қулбой чолнинг тўққизинчида ўқийдиган невараси столларнинг орасидан косатовоқ ташиб келиб қолди.

— Бу ёққа кел.

Невара столнинг нарёғидан келди.

— Айланиб кел.

Невара айланиб келди.

— Уйга чопқиллаб бор-да, онангдан калитни олиб, “Жигули”ни ҳайдаб кел.

— Онам бермаса-чи?

— Катта отам айтяпти, де. Чарчаб қолипти, бориб опкелармишман, де, беради.

— Бўпти. — Невара қувониб кетди. Жўнамоқчи эди, Қулбой чол тўхтатди.

— Ўзингни машиналарнинг орасига урма. Тагин ба-лога қолиб юрмайлик. Сал четроқда, Маматнинг томи га яқин тургин, ўша ерга борамиз.

— Шеригингиз ҳам борми, катта ота?

— Қанақа шерик?

— “Борамиз”, деяпсиз-ку!

— Бор, бор, каллани чалгитмай, айтганни қил.

Невара чопқиллаб кетди. “Жигули”ни олиб келади. Аниқ, Қулбой чолнинг гапини болалари икки қилган эмас. Унча-мунча яқин жойларга бориб келадиган бўлса, шу неварасини машинага ўтирғизади. Мелисалар тўхтатса ҳам Қулбой чолни танигандан кейин қўйиб юборади.

— Мана, иш пишди. Худо хоҳласа эртага худди шундай ўтиришни биз қиламиз. Тўрда ўтирамиз. Сени оппоқ қўйлақларга ўраб ташлайман.

— Буришган-тиришган юзимни кўрсатмаслик учунми?

— Нега буришиб-тиришаркансан? Мен учун сен ярқираган ойсан, нур сочаётган қуёшсан! Асалсан, шакарсан, Ойхол!

Ойхол кампир эриди. Бир вақтлар Қулбой полвон шундай эркалар эди.

— Қўйинг шу гапларингизни, полвон, қариганда шарманда бўлиб ўтирмайлик. — Ойхол Қулбой полвонни жуда яхши кўриб кетган дамларда “полвон” дерди. — Билиб қолса, Чилмат нақ сўяди.

— Ўзинг менга тегишга розимисан ахир?!

— Мен-ку, майли-я, аммо...

— Ундай бўлса чиқ! Аста Маматнинг уйи томон ўт. Мен ҳам орқангдан бораман.

Ойхолнинг қаршисада ҳозир Қулбой чол эмас, Қулбой полвон ўтирарди. Қулбой полвоннинг гапини Ой-

хол икки қилиб ўрганмаганди. Эшон бово кўзларини уқалаб чиқиб келди:

— Ҳа, Қулбой ака, ярим кечада нима қилиб юриб-сиз? Тинчликми?

— Бир савоб иш чиқиб қолганди, шуни битириб берасизми, деб олдингизга келгандик.

— Хўш, хўш?! Тинчликми?

— Тинчлик, худога шукр, тинчлик! Бизларни ниқоҳлаб қўйсангиз...

— Кимни?! — Эшон бово қулоқларига ишонмай, бир Қулбой чолга, бир “Жигули”да ўтирган Ойхол кампирга назар ташлади. Лекин ажабланганини билдирмади.

— Қишлоқда бизни қирқ йилдан бери ғийбат қилишади, — деди Қулбой чол бир оз ранжиган оҳангда. — Шунга биз... Ойхол билан маслаҳатлашиб, шаръий никоҳ ўқитсак, қолган умримизни бир ёстиққа бош қўйиб ўтқишимизни халққа маълум қилсак, гап-сўзлар ўз-ўзидан тўхтайдими, деган яхши ниятда сизни безовта қилишга қарор қилдик.

— Машинада ўтирган Ойхол холами? — Эшон бово мийғида кулимсираётганини билдирмаслик учун бетини қашиган киши бўлди.

— Хола деманг, сиздан беш-олти ёш кичик. Ҳали олтишгаям боргани йўқ. Ҳар қалай эски қадрдонимиз, эшон бово, вақтида бир майизни қирқ бўлиб еганмиз. Раислик давримда қўлимдан келганча сизларга қарашганман.

— Кўп қарашгансиз, Қулбой ака. Отамни, қари чолни “дин тарғиботчиси”, деб қаматгансиз. Мени акангизнинг ўрнига урушга жўнатгансиз, — деди Эшон бова табассум билан, рангини ҳеч ўзгартирмай.

— Оббо Эшон бово-ей! Оббо Эшон бовоси тушмагур-эй! Таслимман Эшон бово, таслимман... Ўзингиз аста айтинг, шариат бизга никоҳ буюрадими?

— Калима қайтаришни биласизми?

— Худога шукр, ло илоҳо илло облоҳу...

— Эсингиздами, уйдан қочиб чиққан қизни ниқоҳлагани учун отамни...

— Бўлди Эшон бово, бўлди! Таслимман дедим-ку энди... — Қулбой чол йигитларга хос ҳаракат билан Эшон бовони қўлтигидан олиб, четга тортди. — Ёш бўлганмиз, қизиққон бўлганмиз. У даврлар бошқача эди. Мана, Сталин айбдор экан, газитларда ёзишяпти. Биз фақат буйруқни бажарганмиз.

— Мен эмас, ўзингиз-ку, раислигимда қарашганман, деган.

— Ҳа энди... нималар бўлмайди дейсиз. Қизиқ даврлар эди-да! Ўзингиздан қолар гап йўқ, Эшон бово, ҳузурингизга бош эгиб келганмиз, нима десангиз сизники ўрол. Шу... би-ир.. бизни никоҳлаб жўнатинг, Эшон бово!

— Гувоҳларингиз йўқ-ку!

— Бор. Ана, неварам ўтирибди.

— Ўн олти ёшга тўлмаган бўлса, буюрмайди.

— Хотин олса туғдирадиган бўлиб қолган, кўраве-ринг.

— Иккинчи гувоҳ-чи?

— Энди Эшон бово, ўзингиздан қолар гап йўқ, биз-

нинг ўғилча Чилмат...

— Чилмат сизнинг ўғлингизми?

— Оббо Эшон бово, бово Эшон бово-ей! Ҳар бир гапга илмоқ топиб турасиз-а! Қўйинг энди... Шу десангиз Чилмат қарши... То у хабар топгунча — сиздан яшириб нима қилдик — никоҳ ўқитиб олсак. Мен бева, Ойхол бева.

— Шу ишни эртага қилсак бўлмайдими?

— Ҳаммасига ақлингиз етяпти-я, Эшон бово!

— Бўпти. — Эшон бово юбормаслик учун у ёқ-бу ёққа ўтирилган киши бўлди. — Загс қоғозингиз билан ўн сўм чиқаринг, ҳозир никоҳ ўқиб юбораман.

— Ўн сўм эмас, юз сўм десангиз ҳам берай, аммо загс қоғозим йўқ-ку!

— Загсдан ўтмаганмисизлар ҳали?

— Загсга бало борми, Эшон бово! Қўйинг, бизларни калака қилманг! Ими-жимиди ишқилиб, ишимизни битириб беринг.

— Загс қоғози бўлмаса мен никоҳ ўқимайман. Аввало тераклидаги ўғлингизнинг ўзи мени қаматтиради.

— Сизни қаматадиган ўғлингиз онасини учқўрғондан кўрсатаман, Эшон бово! Сиз гапга қулоқ солинг.

— Загс қоғози бўлмаса мен билан гаплашиш бефойда! — Эшон бово жўяли баҳона топилганидан хурсанд бўлиб, оёғини тираб туриб олди.

— Ҳай, ўша загсидан ўтармиз эртага! Мунча энди...

— Қулбой чол асабийлашди.

— Аввал ўтиб келинг.

— Ўтмасак, никоҳ қиймайсизми? — Қулбой чол ҳеч иш чиқара олмаслигини англагандан сўнг таҳдидга ўтди.

— Иложим йўқ, Қулбой ака.

— Майли Эшон бово, ўзингиз биласиз. Шунча йилдан бери сизсиз ҳам кунимиз ўтиб, ишимиз битиб келган. Яна бир иложини қилармиз. Сиздан бошқаям мулла топилар...

— Кубой ака, келин безовта бўляпти, — деди Эшон бово.

Қулбой чол ўтирилди. Ойхол машинадан тушиб турарди.

— Ҳе онангни сани... Ўтирмайсанми жойингда.

Ойхол кампир жимгина машинага қайтиб ўтирди. Орқасидан Қулбой чолнинг ўзи ҳам кирдию, неварасига буюрди: “Ҳайда уйга!”

Невара катта отасининг дўқидан, умуман бу машамшалардан ҳайрон бўлганча, келинга, куёвга қарай-қарай, “Жигули”ни ҳайдаб келиб, дарвозанинг олдида тўхтатди.

— Туш! — буюрди Қулбой чол бир қадар келишимли оҳангда. Ойхол тушди. Энди буни уйга нима деб олиб кирарканман, деб турган эди, ичкаридан болта тутган Чилмат, орқасидан Қулбой чолнинг бола-чақалари чиқиб келди. Уларни кўриб, Чилмат “ҳа-ҳа-а”, дея айқирганча болтасини кўтариб, пешовга югурди. Орқасидан келаётганлар етолмади. Чилмат югурган қўйи “келин-куёв”нинг бошида болгани ҳаволатди...

Энди-и... бу ёғи нима бўлса бўлди. Мен айтмасликка сўз берганман. Жуда билишни истаганлар қишлоққа келсин, мендан бошқа ҳам айтиб берадиган кўп.



МУШОҶРА ЭТГАҶИ ЭЖВОҶ...

ЎЗИМ БИЛМАЙ...

Кўзларимда қолдинг, болалик,
Дилдан чунон соғиндим, аммо
Тополмадим саҳролардан ҳам
Изинг тушган бир тош, бир гиёҳ...
Ё яхшироқ изламадимми?

Мен йўқотдим бутун умрга
Бор қувончим жам бўлган жомни,
Охир олдим бешафқат деган
Мангуликка дахлсиз номни...
Юракдан чин бўзламадимми?

Энди сени излаб юрибман
Сарсонликда Мажнундек, Лайлим.
Умр деган хасталик мени
Йиқди охир эгиб юрагим.
Ё мен чин сўз сўзламадимми?

Ўзим билмай сенга не дейин?..



ТУРОНИМ

Баҳор чечагидай қайта унарсан,
Жонланиб мозийдан қайтиб келурсан,
Миллат омон бўлса мангу қолурсан,
Қайта тирилганим — дилда иймоним,
Асрларга тенгдош кўҳна Туроним!

Сени шоирларини битик қилганлар,
Сен деб Темурларинг жангга кирганлар,
Сени жондек азиз Ватан билганлар,
Умид узолмайин берган қурбоним,
Йўқотиб топганим азиз Туроним!

Хайрулло СИДДИҚОВ

БОЛАЛИКНИ ҚЎМСАШ

Кулгулари шарқираган шалолодай,
Ифорлари гулу-райҳон, тоғ лоладай,
Эрка тили бунча ширин бир ҳолвадай,
Болаликка қайтгим келди бир зумгина.

Бирни бузиб, мингни қурар гоҳ бунёдкор,
Қадамини “той-той” босган эҳтиёткор,
Бир қарасанг шоҳу, баъзан итоаткор,
Болаликка қайтгим келди, болаликка.

Капалакдек қувнаб, боғу тоғда чопар,
Дунёда бор янгиликни ўйлаб топар,
Тол баргақлар тақиб, лойдан кулча ёпар,
Болаликка қайтгим келди бир зумгина.

Қора кўзи юлдуздайин порлагувчи,
Катталарни яшаш учун чорлагувчи,
Бир қўшиқ бор юрагимда зорлангувчи
Болаликка қайтгим келди, болаликка.

Фақат ўйнар, ўзга билан иши бўлмас,
Бир хилқатки, гийбат нима, хуши бўлмас
Катталардек бир-бирига “мушти” бўлмас,
Болаликка қайтгим келди бир зумгина.

Турли юмуш ё “миш-мишлар” ҳоритганда,
Юрагимни бир ғаламис оғритганда
Йиғламоқни кўнгил ўзга ор этганда
БОЛАЛИККА ҚАЙТГИМ КЕЛДИ, БОЛАЛИККА!

Гулчеҳра ШАҶОБИДДИН ҚИЗИ

УМР ЎРТАСИДАГИ СЎРОВАР

(насрий назм)

Тоғлар бунча яқин, қўл узатсам етгудай...

Қирлар шунча паст эдимми?

Олмазор! Қайси қишга ўтин бўлиб кетдинг, Оқ гулзор!?

Юрагимдан сизиб ўтган Ҳижрон,
Пешонамдан чизиб ўтган Ҳижрон,
Қай лаҳзадан исминг бўлди Армон?

Жарлик, бизлар кўркув, ваҳимада юрак ҳовучлаб
қарайдиган жарлик, қай фурсатдин бундай ариқдайгина бўлиб қолдинг?

Куйларимни, юрагимни ўйган ўйларимни айтсам, бир зумга тўхтаб тинглармикинсан, Дарё?..

Энам! Ў... энажоним-а!.. Кимни кута-кута бунчалар чўкиб, кичрайиб кетдинг?

Қачон маккорлар мағлубу ҳақлар ғолиб келади, Донишлар?

Нега аввал яхшиларни териб-териб олиб, яшириб қўйяпсан, Қабристон?..



Саъдина БОБОМУРОДОВА

МУҲАББАТ ВА НАФРАТ



Ҳикоя

Январнинг охирларида бирдан ҳаво айниб, кун совиб кетди. Бу йил қиш бўлмайдиган, деб бемалол юрган одамлар шошиб қолишди. Икки кун гупиллатиб қор ёғди. Қуни билан ҳовлини тўлдириб, қий-чув қилиб ўйнайдиган болалар ҳам уй-уйларига кириб кетишди. Катталар иш юзасидангина кўчага отланишган, совуқдан ҳамманинг туси ўзгарган, юз-кўзларида ҳорғин ифода акс этиб турарди. Шаҳар одамлари шунақа, совуққа чидамсиз бўлишади; иш бўлмаса, бўйнимга олган мажбурият бўлмаганида эди, иссиққина уйда, юмшоқ диванга ястанганча қаҳва ичиб ўтирардим, деб ўйлашади улар. Дарвоқе, уйга нима етсин. Каталакдек бўлсаям ўз уйинг бўлса, ғам-андухга не ҳожат...

Беш қаватли уйнинг бешинчи қаватидаги хонадонларнинг бирида муздай дераза ойнасига бошини тираб хомуш ўтирган қиз шуларни хаёлидан ўтказди. Бундан ўн йил муқаддам у “ўқийман” деб шаҳарга келиб қолганди. Тақдир кулиб боқиб, институтга қабул қилинган, тиришиб-тирмашиб беш йилни бир амаллаб ўтказган қиз қишлоққа қайтиб боришдан бош тортган, ақлини танигандан буён у шаҳарда яшашни орзу қиларди. Шу боис кетгиси келмади. “Бу ерда яшаш осон, — деб ўйлаганди у ўшанда. — Бир амаллаб уй олсам, гап меники. Эр топиш қийинмас”.

Йўлланма бўйича ишга жойлашиб олиб, “прописка” деган балодан ўтиб олганида ўзининг омадли эканига яна бир карра ишонди. Жон-жаҳди билан ишлашга, пул топишга ҳаракат қилди. Бироқ олган маоши у ойдан бу ойгача озиқ-овқатига базўр етарди. Кийим-кечакка йўл бўлсин. Яхшиям ота-онаси ҳар замонда бўлсаям пул бериб туради. Ҳар доим улардан ёрдам

сўрашга қизнинг юзи чидамайди. Ахир ундан ташқари яна саккизта жон ота-онанинг қарамоғида. Ёнгарчилик кунлари лой бўлиб кетган туфлисини иссиқ сувда ювмайди, елими кўчиб кетиши мумкин. Шунчалик авайласа ҳам бир марта ишдан шошиб келаётганда бир пой туфлисининг пошнаси тушиб кетиб, ўтган-кетгандан жуда уялиб қолганди...

Ҳамон ойнага тиралиб турган пешонасидан совуқ ўтган қиз бирдан ўзини тортди. Пешонасини ушлаганча дераза олдидан узоқлашди. Ошхонага ўтар-ўтмас эшик кўнғироғи устма-уст қаттиқ жиринглаб, чўчитиб юборди. Эҳтиёт юзасидан “глазок”дан қаради. Эшик ортида пешонасини пушти шарфи билан танғиб олган аёлни кўриб юраги шув этди. Уй эгаси! Ижара ҳақини сўраб келган. Эшикни очмасликка қарор қилиб, нафас чиқармай тураверди. Ташқаридан аёлнинг шангиллаган овози эшитилди:

— Эшикни очинг, Дилдора! Очинг деяпман. Биламан, уйдасиз. Ҳалигина балконда турганингизни кўргандим.

“Оббо, куйдирги-ей, — деб ўйлади қиз. — Каламушга ўхшаб, ҳамма ёқдан ҳид олиб юради-я”.

Ноилож эшикни очди.

— Вой, Мавжуда опа, сизмидингиз? Китоб ўқиб ётиб кўзим илинибди.

— Ижара пулини сўраб келди, деб атайин очмадингиз-ку. Нима қиласиз яшириб? — деди Мавжуда опа шартакилик қилиб. Овозидан унинг ҳазиллашаётганини ҳам, жаҳли чиққанини ҳам билиб бўлмасди.

— Чиндан ухлаб...

Дилдоранинг гапи чала қолди. Мавжуда опа унинг

таклифини ҳам кутмасдан остона ҳатлаб, ичкарига кирди. Кира солиб уй ичини бирма-бир кўздан кечира бошлади. Энгашиб кўрсатгич бармоғи билан плинтуснинг чангини артиб кўрди.

— Бир пайтлар мен бу уйни тилим билан ялардим, — дея ҳар доим айтавериб ёд бўлиб кетган гапларини такрорлади у. — Уйимни озода тутишингизга ишониб, сизни ижарага қўйганман.

Мавжуда опанинг қизиқ одати бор эди. Гапираётганда ёнидаги кишини юзига қарамас, ундан гапига яраша жавоб ҳам кутмас, шанғиллаганча хаёлига келган нарсалар ҳақида тинмай сўзлар, фақат навбат ижара ҳақида келганидагина кўзларини лўқ қилганча тикилиб тураверарди.

— Эртага берсам майлими? Илтимос, яна бир кунгина...

— Инсоф сайин барака деганлар, Дилдора. Ахир уч ойдан бери тўламаяпсиз-ку.

— Биладан, ҳисоблаб юрибман, — деди Дилдора, ўқитувчиси олдида имтиҳон топшираётган талабадек юрак ҳовучлаб. — Пулим тугаб қолди. Бугун, мана ишга ҳам беролмадим. Этигимнинг пошнаси тушиб қолиб... — Дилдора шоша-пиша эшик ортида турган этигининг бир пойини кўрсатди. — Кечга яқин бир танишимдан сўраб кўрмоқчиман.

— Ҳа, сўранг танишингиздан. Сўппайиб, қуруқ қўл билан келиб-кетиб юраверадими?

Дилдоранинг юзидан иссиғи чиқиб кетди. “Вой, каламуш-ей, ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди-я?”

Мавжуда опа ошхонага ўтиб, дераза тагидаги стулга ўтираркан, газ устида турган қозонга ишора қилиб деди:

— Ёнингизда бир мири йўғ-у, нима қилардингиз унинг учун овқат қилиб.

— Ҳа, энди... — дея чайналди Дилдора. — Йўқдан кўра...

— Ошми?

— Ҳа, сабзи ўрнига карам, гўшт ўрнига бир дона тухум солиб қилдим.

Мавжуда опа илкис-илкис гоҳ ундан, гоҳ бундан савол бериб, қизни гапга тутаркан, зимдан унга синовчан тикиларди. Кўзларида тушкунсиз бир маъно бор эди: — ҳайратми, ҳайронликми?

— Ҳа, майли, шунчаси ўтган яна бир кун ўтар, — деди у охирида ўрнидан тураркан. — Билиб қўйинг, бир кундан ортиқ кутолмайман.

Эшик салгина зарда билан тарақлаб ёпилди. Дилдора эркин нафас олди. Бир неча сония йўлак деворига сунганча хаёлга толиб турди-да, сўнг ўзидан икки қадам нарида турган телефон олдига борди. Гўшакни ушлаганга, бир пас иккиланди, кейин таниш номерни тера бошлади.

— Абдуллани чақирворинг, — деди у гўшакни олган кишига. Анчадан кейин у томондан “Абдулла йўқ?” деган жавобни олиб, тепа сочи тикка бўлди. “Аблаҳ. Яна эски ҳунарини бошлади”. У ошиғич тарзда эшик ортида турган эски туфлисини қўлига олиб, у ёқ-бу ёғини кўздан кечирди. “Кийса бўлади. — деган қарорга келди. — Қорлар эрий бошлагандир”. Йўлак деворига осилган узунчоқ кўзгу олдида туриб нақ ярим соат пардоз-андоз қилди. Гоҳ узоқдан, гоҳ яқиндан кўзгу олдига келиб, ўзига тикиларкан, шу туришида ҳар қандай эр-

какни лол қилиб қўйишига ўзида ишонч ҳосил қилди.

* * *

“Қочиб, қаерга бораркан, — деди қиз ичида кимнидир яниб. — Ерни тагидан бўлсаям сугуриб оламан”. У эшик олдида бир нафас тўхтаб, плаши чўнтагидаги чақаларни ҳисоблаб кўрди. Трамвайда бориб келишига бемалол етади. Қиз зиналардан эҳтиёткорлик билан тушди. Биринчи қаватда Мавжуда опа яшайди. Унинг кўзига кўринишдан, саволларига жавоб беришдан юраги безиллайди. Уч ойдан буён ижара пулини тўламагани учун еб юборгудек бўлиб юрибди. Уззу-кун Дилдорани кузатади. Худди у бир кечада кўч-кўронини ортиб, кўчиб кетадигандек ортидан пойлагани-пойлаган. Уч йилдан буён уйимда турибди. Нега унга ишонмайман, деб ўйлаш хаёлига ҳам келмаса керак. Ҳозир ҳам аллақайси тирқ-ишдан мўралаб, уни кўриб тургандир.

Дилдора бир амаллаб зиналардан тушиб, ҳовлига чиқиб олди-ю, елкасидан тоғ қулагандек енгил тортди. Аммо Мавжуда опанинг чигиртканикидек бир бурда юзи ҳеч кўз олдидан нари кетмасди. “Бойлик, бахт ҳусн танламас экан, — дея ўйлади у трамвайда кетаётиб. — Омади бор аёлнинг бошига қўнавераркан”. У навбатдаги бекаглардан бирида тушиб, югурганча йўлнинг нариги бетида ўтиб олди. Иккала тарафдан гизиллаб келаётган машиналарнинг “бобиллаб” берган сигналларига парво ҳам қилмади. Шундоққина йўл ёқасидаги тепасига “Сартарошхона” деб ёзилган ойнаванд бионинг эшигини очиб, ичкарига қадам босиши билан анвойи ҳидлар қўшилмасидан ҳосил бўлган бўғиқ ҳаво димоғига урилиб, нафасини қайтарди. У ҳеч иккиланмай эркаклар бўлмаси томон юрди. Ичкарида калта оқ халат кийиб олган икки йигит икки кишининг сочини тўғрилашаётганди. Учунчи кресло бўш. Демак у йўқ.

— Абдулла ака бугун ишга келмади, дедим-ку сизга, — деди йигитлардан бири унга қараб.

— Нега келмайди? Ахир бугун иш куни-ю...

— Қизчаси касал экан. Дўхтирга олиб бораман деганди.

Дилдоранинг энсаси қотди. Йигитнинг гапига ишонмаганлигини билдириш учун қошларини чимирди.

— Ҳа, майли, кеч бўлсаям келиб қолар. Кутиб турман, — деди у ва йўлакка чиқиб, шу ерга қўйилган ўриндиклардан бирига ўтирди.

— У бугун умуман келмаса керак, — деди ҳалиги йигит овозини сал баландлатиб. Қизиқсиниб Дилдора томон қараётган мижозни бошини тўғирлаб, рўпарасидаги кўзгуга қаратиб қўйди.

Дилдора унинг сўзларини эшитмагандек, бепарво ўтган-кетганни кузатиб ўтирди. “Ҳаммасининг тили бир, — дея ўйлади қиз. — Ҳали трамвайдан тушган заҳотим у ойнадан кўрган-у, жуфтакни ростлаган”. У йўлакдаги ўриндикда уч соатдан кўпроқ ўтирди. Бироқ Абдулладан ҳамон дарак йўқ. Биринчи смена тугаб, иккинчи смена бошланди. Ҳалиги сартарош йигит ҳам халатини ечиб, кийимларини алмаштира бошлади. Дилдора унинг кетиш тарадудини кўраётганини сезиб, ўрнидан турди.

— Илтимос, унга айтиб қўйинг. Бугун кечқурун уйимга ўтсин. Агар яна қочиб юрадиган бўлса уйига бориб шармандасини чиқараман, — деди у қатъий қилиб.

Йигит индамади. На “хўп” деди, на “йўқ”. “Хўп”

деса Абдулла билан тили бирлигини сездириб қўяди. “Йўқ” дейишга Дилдорадан ҳайиқди. Икки йилдан буён Абдулла билан жиқиллашиб юрганидан хабардор. Бир неча марта Дилдоранинг шаллақилик қилиб, Абдуллани юлма талаганини ҳам қўриб қолганди. Шу боис миқ этмади.

Дилдора ташқарига чиқиб, трамвай бекати томон йўл олди. Унинг ранг-қути ўчган, ич-ичидан ғалати бир титроқ турганди. “Аблаҳ, — деди у ҳар галгидек бутун ғазабию нафратини шу сўзга жамлаб. — Энди бунақасини ўйлаб топибди-да. Агар озгинагина, жуда кам бўлсаям маблағим бўлганида ҳеч қачон унинг ортидан қидириб юрмасдим”. Бешинчи курсда ўқиб юрганида сочини кестириш учун шу сартарошхонага келиб, аёллар бўлмаси томондаги йўлакда навбат кутиб турганида Абдулла билан танишиб қолганди. Ўшанда у қизни навбатсиз ичкарига олиб кириб, таниш сартарош аёлдан қизнинг сочини чиройли қилиб, энг сўнгги модалада кесиб қўйишини илтимос қилганди. Кейинги сафар, орадан икки ой ўтиб, у яна шу сартарошхонага келганида тагин шу йигитга йўлиқди. Кейинги учрашув институтда юз берди. Бу гал Абдулла уни йўқлаб борганди. Кейин эса ... улар жуда қалинлашиб кетди. Абдулла чиройли йигит эди. Қадди-қомати келишган, қош-кўзлари қоп-қора, юзи худди тарашланган тошдек силлиқ, Дилдора бу кўркем йигитга қандай қилиб ихтиёрини бериб қўйганини сезмай қолди. У икки йил ҳеч нарсани ўйламай Абдулла билан учрашиб юраверди. Биринчи бўлиб Абдулла “ўйин”ни бузмаганида ҳаёти ҳалига довури илгаридек давом этаверган бўлармиди. Афсуски, Абдулла бирдан ўзгариб қолди. Уни-буни баҳона қилиб учрашувлардан бош торта бошлади. Ҳар замонда бир кўришган вақтларида ҳам ўй суришдан нарига ўтмасди. Кейинчалик умуман йўқламай қўйди. У йигитнинг хотини, биттами-иккитами (анигини билмасди) боласи борлигини биларди. Азбаройи уни яхши кўргани учун бу масала қизни кўп ҳам қийнамасди. Тўғри, Абдулла уйига кетган вақтлари рашк ўти юрагини куйдирган онлар ҳам бўлганди. Бироқ у кўнглини кенг қилишга ҳаракат қилар, мени деб болаларидан воз кечишини истамайман, дея ўзини ўзи ишонтирмоқчи бўларди. Бунга эришарди ҳам. Эр-хотинлик муносабатлари янги бошланган пайтларда Абдулла: “Уй олиб бераман, никоҳимга оламан” деб кўп ваъдалар берганди. Муносабатлари қалинлашиб боргани сайин у йигитнинг чўнтагида ортиқча ҳемириси йўқлигини билиб олганди. Аммо негадир фаши келмаганди. Аксинча, беш-ўн сўм орттирган вақтлари билдирмай Абдулланинг чўнтагига солиб қўярди. Нарх-наво кўтарилиб, унинг аҳволи танг бўлавергани сайин, Абдулла ҳам ўлганни устига тепган қилиб, алоқасини узишга ҳаракат қилиб қолди. Устма-уст телефон қилавериш, безорини чиқазган чоғлардагина истар-истамай қизни кига келар, юз-кўзидан, гап-сўзларидан уни кўришга зор эмаслиги мундоққина сезилиб турарди. Ана шундан кейингина Дилдоранинг бурнига сув кирди.

— Ие, бу қанақаси бўлди? — дея қичқирди у кутилмаганда. — Ҳаётимни барбод қилиб, қочиб қолмоқчимисиз? Уй олиб бераман, дегандингиз? Никоҳимга оламан, дегандингиз? Қани, ўша ваъдалар? Қани?

Унинг жазаваси тутган, кўзларидан ўт чақнар, бу-

тун вужуди иситма тутгандек титрарди. Абдулла миқ этмасди. Ерга қараган кўйи, оғир-оғир хўрсиниб ўтираверарди. Кейинчалик, муносабатлари сал илиқлашган пайтлари у гап орасида болалари кўпайганини, хотини пул топмаяпсан деб жанжал қилаётганини қистириб ўтарди. Дилдоранинг унга раҳми келди. Ўзича Абдулланинг ғарибгина уйини, юпунгина кийинган хотини-ю, болаларини кўз олдига келтириб кўнгли бўшади, йиғлагиси келарди.

Ҳаммасига чидайман, — дея у пичирлаганди ўшанда Абдуллани кучоқлаб. — Ҳаммасига чидайман. Фақат мени ташлаб кетмасликка сўз беринг.

Абдулла овоз чиқариб бир нарса демади. Кўзларини юмган кўйи, бош ирғади холос. Ҳақиқатан ҳам Дилдорага ҳеч нарса керак эмасди. Абдулла ёнида бўлса бас! Аммо йигит шунга ҳам эпламади. Борган сайин узоқлашиб кетаверди. Охирида қочиб қолиш пайига тушди. Дилдора уч ойдан буён уни тутолмай гаранг.

Трамвай келиб қолиб, қизнинг хаёли бўлинди. У туртиниб-суртиниб, трамвайга чиқиб олди. Бўш ўриндиқлардан бирига ўтирди. Унинг рўпарасидаги ўриндиқда қорачадан келган йигит ўтирарди. Дилдорага кўзи тушгани ҳамон эски танишлардек бош ирғаб салом берди. Дилдора юзини ўгириб, ойна томонга қараб олди. Кетакетгунча йигит ундан кўз узмади. Дилдора трамвайдан тушганида йигит ҳам тушиб, изма-из келаверди. Қиз уни ўғри гумон қилиб, юрагини ваҳм босди. Қадамини тезлатди. Таниш уй олдига келиб, ортига ўгирилганда беш-олти қадам нарида турган йигитни кўриб дод деворишига сал қолди. Сумкасини бағрига босганча, югуриб зиналардан тепага кўтарилди. Қўрққанидан аъзойибадани қалтирарди. Титроқ кўллари билан эшикни очаркан, пастдан эркак кишининг оғир-оғир қадам товушини эшитиб, багтар юраги ёрилди. Уйга кириб, титроғи босилгач секин “глазок”дан қаради. Ҳеч ким йўқ. “Ўғри изимга тушди, уйимни кўриб олди. Энди мени тинч қўймайди”, — деган хаёл миясини пармалай бошлади. У ошхонага ўтиб стол устидаги чойнақдан чой куйиб ичди. Юраги ҳамон кузги япроқдай титраб турарди. “Шуниси етмай турувди, — дея ўйлай бошлади у. — Ҳали уй эгасига нима дейман?” Ҳалиги кўркув устига ижара пули ваҳимаси қўшилиб қизнинг юрагини эзди. У ўзининг ночор аҳволда қолганидан хўрлиги келиб, йиғлаб юборди. Ўксиб-ўксиб узоқ йиғлади. “Энди мен керак бўлмай қолдимми. Жанжал қилавериб, сени уйдан бездирган ёмон хотининг энди яхши бўлиб қолди-ми? — Дилдора қаршисида Абдулла тургандай йиғи аралаш кўнглидагини тўкиб сола бошлади. — Энди нима қиламан? Қандай яшайман? Ота-онамга нима дейман? Мавжуда опани қандай қилиб тинчитаман?”

* * *

Шу оқшом у юрак ҳовучлаб тонг оттирди. Мавжуда опа кечкурун негадир чиқмади. Уйига меҳмон келиб қолганми? Эри аллақайси идоранинг бошлиғи деб эшитганди. Тез-тез уйларига меҳмон келиб туради. Дилдора уч йил бадалида Мавжуда опанинг эрини уч ёки тўрт марта кўрди-ёв. Қачон қарамасин ишда бўлади. Аммо-лекин хотинини, болаларини таъминлаб қўйган. Қўша-қўша уйлари, машиналари бор. У курсдош дугонаси орқали шу уйни ижарага олганди. Дугонаси Мавжуда опанинг жияни бўлади. У аллақачон эрга тегиб,

бола-чақали бўлиб кетди. Ижара ҳаққини тўлаш ва муддати ўтиб кетган вақтларда Мавжуда опа йўлини пойлайвериб, безор қилар, бўлар-бўлмас, заҳар-заққум гапларни гапириб таъбини тирриқ қилар, аммо бирон марта уйдан чиқиб кет деб дўқ урмасди. Балки ўша жиянининг юзини қилар, балки шу йўсин одамгарчилик қилаяпман деб ўйлар, бу ёғи Дилдорага номаълум.

Эрталаб музлатгични (унинг бирдан-бир бойлиги) очиб кўриб, нонуштага арзигулик ҳеч вақо йўқлигини кўриб, таъби хира бўлди. Бир муддат музлатгичга тикилиб хаёли суриб турди. Сўнг бир қарорга келди шекилли, апил-тапил кийина бошлади. “Бугун дам олиш кунини, — деб ўйлади қиз. — Уйига бостириб бораман...” У ҳам меҳмонхона, ҳам ётоқхона вазифасини ўтовчи (бир хонали уй бўлса!) каттагина хонага кириб, қаровати тагидан оғиргина чемоданини тортиб чиқарди. Кийилавериб анча униққан кийимлари орасидан салафанга ўралган бир жуфт сочиқни олди. Ўтган йили онаси берган эди. Ишлатишга кўзи қиймай, чамадонига солиб қўйганди. Ўша сочиқларни Мавжудга опага кўрсатиш учун қўлтиғига қисиб, уйдан чиқди.

— Мана буларни сотмоқчи эдим. Балки оларсиз... — деди у минг истиҳола билан.

Мавжуда опа салафанни очиб, сочиқларни ёйиб кўрди.

— Алмисоқдан қолганми, нима бало?

— Йўғ-е, ўтган йили онам берганди. Асраб юривдим...

— Қанча берай?

— Билмадим... ўзингиз биласиз...

Мавжуда опа ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг қўлида пул билан қайтиб чиқди.

— Рози бўлинг, — деди у хушламайгина.

Дилдора пулни санаб ҳам кўрмади. Чопқиллаб ҳовлига чиқиб кетди. Мавжуда опа унинг ортидан узоқ тикилиб қолди. Ҳар доим қаҳр билан беписанд боқувчи кўзларида шафқат туйғуси уйғонгандек эди...

Эшикни ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги аёл очди. У оқсариқдан келган, истараси иссиқ эди. Кийиниши ҳам ёмонмас, ҳар қалай Дилдора ўйлаганчалик юпун эмасди. Аёл Абдулланинг хотини эканлигини у дарров фаҳмлади.

— Келинг, — деди аёл ҳайрон бўлиб, унга бошдан оёқ тикилганча.

— Абдулла... ака... уйдаими? — дея олди Дилдора базўр. Негадир саросималанаётганди. Бояги ботирилиги қаёққа йўқолди?

— Ҳа, уйда, келинг. Ичкарига киринг, — аёл уни эрининг мижозларидан деб ўйлади шекилли, мулозимат қила бошлади. — Остонада турмай, уйга киринг. Ҳозир чиқиб қоладилар?

Дилдора таваккал қилиб, ичкарига қадам босди. Шу пайт ванна томондан “Ким келди, Мавлуда” деган таниш овоз эшитилди. Зум ўтмай елкасига сочиқ ташлаб олган майкачан Абдулла пайдо бўлди. Остонада турган Дилдорага кўзи тушган заҳоти тошдек қотиб қолди.

— Дадаси, сизни сўраб келдилар, — деди Мавжуда гоҳ эрига, гоҳ Дилдорага қараб кўярган.

— Мен уйда соч олмайман, — деди Абдулла дарҳол ўзини ўнглаб. Дилдора тушунсин деб овозига сирли тус берди. Аммо Дилдора унга парво қилмади. Қариндоши-

нинг уйига келгандек бафуржа оёқ кийимини ечиб, йўлакнинг чап тарафида эшиги ланг очиқ меҳмонхонага кириб, уй ичини кузата бошлади.

— Кимсиз ўзи? Уйимизга нега келдингиз. — деди Мавлуда унинг ортидан изма-из юраркан. Кутилмаган ташриф уни довдиратиб қўйганди.

— Ўҳ-ҳў, — Дилдора аёлнинг саволларини эшитмагандек унга қиё ҳам боқмади. — Хотиним уйимда қўлга илингулик нарса йўқ деб жанжал қилади, дегандингиз. Мана булар нима? Рангли телевизор, диван-кресло, германский гиламлар...

— Бас қилинг, — дея қичқирди Абдулла. — Эшик очиқ, чиқиб кетинг?

— Нега чиқиб кетарканман? — деди Дилдора бамайлихотир. — Бу уй менинг ҳам уйим.

— Абдулла ака, у нима деяпти? — Кўзлари ёшга тўлган Мавлуда эри томон юзланди. Абдулла унга жавоб бермади бироқ кўзларини олиб қочди. Дилдора тўла ғалабага эришгандек эр-хотинга голибона қараб турарди.

— Мен уни танайман, — деди ўзига келган Абдулла. У энди ўзини тутиб олган, юз-кўзларида кинояли табассум ўйнади. — Ҳозир шунақа аёллар чиққан деб эшитгандим. Тинч ўтирган оилаларга бориб, мен эрингни ўйнашиман деб туриб олишаркан. Балого қолган эр ҳалигини тинчителиш учун пул билан оғзига ураркан.

Дилдоранинг устидан бир челақ совуқ сув қуйиб юборишгандек, бутун вужуди музлаб кетди. Томирларида қон юришмаётгандек, оёқ-қўллари жимирлаб, увишаётгандек туюлиб, ўзини ташлаб юборишга сал қолди.

— Вой ярамас, ҳали шундай қилиб нон топиб еб юрибман, де. Ота-онанг биладими? — дея бобиллай кетди Мавлуда эшимчага қўшимча бўлиб. — Уйингда ... қисиб ўтирганингда тенгингни топиб кетардинг-ку, жалаб.

Дилдора чидаб туролмади. Ҳамон қўлтиғида қисиб турган сумкасини Мавлуда томон улоқтирди.

— Ифлос, аблаҳ, бунчаликка борасан деб ўйламагандим, — дея изиллаб йиғлади Дилдора ва эшик томон йўналаётган эди, юзи шилинган Мавлуда йўлини тўсди.

— Жавобини олиб кетмайсанми? — деди-ю, Дилдорага ташланди.

Қий-чув тўполон бошланди. Бири бирини юлган, бири бирининг сочига чанг солган. Бақиринган, додвой қилишган...

Абдулла базўр уларни ажратди.

— Мавлуда, йўқол, кўзимга кўринма, — дея аввал у хотинига бақирди. Сўнг Дилдорага юзланиб деди: — Мана, ўйлаган ниятингизга етдингиз. Энди жавоб!

— Бу уй, бу эр меники, иккинчи қадамнингни босма, — деб бақирди Мавлуда унинг ортидан.

Дилдора ит қувган гадейдек абгор ҳолда уйдан чиқараркан, бор кучини, бор нафратини тўплаб шундай деди:

— Ҳали кўрамиз, кимники бўлишини...

Бир оздан сўнг эшик қарсиллаб ёпилди.

Сочлари тўзгиган, юзлари тилинган, ёқа вайрон қиз кимсасиз кўчада қаёққа юришини, нима қилишини билмай анча вақт туриб қолди. Қалби хувиллаб, ўзини ёлғиз

ҳис этди. Шу пайтгача у Абдулла мени севади деб ўйларди. Шу умид, шу ишонч унинг дардига малҳам, кўнглига қувонч бағишларди. Тақдир уни шугина бахтдан ҳам бенасиб этди. Ёлғиз қандай яшайди?

Қиз оғир ҳўрсиниб, ҳалигина келган йўли бўйлаб, бекат томон бир-бир босиб юриб кетди. Кун кеч бўлиб қолган, йўллар музлаб, изғиринли шамол эсарди. Автобуслар тирбанд. Бир бекатда тўхташса, наригисидан ғизиллаб ўтиб кетарди. Бекатда туравериб, совуқ жонидан ўтиб кетди. Плаш чўнтақларига қўлини солаётди бирдан ёнида сумкаси йўқлигини билиб қолди. Юраги шув этди. Сочикнинг пули сумкада эди...

* * *

Кеча кечқурун базўр етиб келган қиз эртасига тонг азонда анча бардам уйғонди. Балконга чиқиб, ойнадан ёришиб келаётган тонгни кузатди. Кечаги воқеалар эсидан чиқмай, кўнглига соя ташлаб турган бўлса-да, тиниқиб ухлаганиданми руҳи анча тетик эди.

Кейин музлатгичда борини дастурхонга қўйиб, нонушта қилди. У ўзини ўзи қувноқ кўрсатишга, кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилди. Ахир, яна ярим сотадан кейин ишга бориш керак. Кечаги кайфияти билан ишлаб бўлмайди. “Сумкани қолиб кетгани ёмон бўлдида, — дея ўйлади у. — Шуни баҳона қилиб ортимдан чиқса бўларди. Яхшиям майда пулларни чўнтагимга солиб қўйган эканман. Бўлмаса ҳолимга маймунлар йиғларди”.

Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглаб, унинг хаёли бўлинди. Ким экан? Қизнинг юраги тез-тез уриб кетди. Абдулламикин? Сумкани баҳона қилиб... Ё Мавлуда опамаи?.. Эшик олдида боргунча минг хил хаёл бошидан ўтди. Одатдагидек “глазок”дан қаради. Қандайдир эркак киши орқа ўгириб турарди. Дилдора иккиланиа-иккилана охири эшикни очди.

— Салом, — деди эшик олдида турган йигит ва оstonада ҳуши бошидан учиб, қотиб қолган қизга кулимсираб қаради. — Мени танимадингиз-а?

Қиз зўрға бош ирғади.

— Трамвайда учрашгандик, эсингиздами?

Дилдора яна бош ирғади. Унинг тили танглайига ёпишиб қолгандек, ҳеч айланмасди. Йигитнинг юзидаги табассум бирдан йўқолиб, ўрнини жиддийлик эгаллади.

— Бостириб келганим учун...узр. Бошқа... ҳеч иложини қилолмадим, — деди у тутилиб-тутилиб. Бояги ўктамлиги йўқолиб, ўзини ноқулай сезаётганди.

— Мен ишга боришим керак, кечирасиз, — деди ниҳоят ўзига келган Дилдора ва эшикни ёпиб олди. Ҳаяжонланганиданми ё кўрққаниданми бутун вужуди дир-дир титрарди. У деворга беҳол суянди. Бу қанақаси бўлди? Ким ўзи у? Нега келади? Боши қотган қиз икки ўт орасида қолганди. У секин бориб яна “глазок”дан қаради. Ҳалиги йигит ҳамон эшик ортида турар, “глазок”дан кўз узмасди. У ўттиз беш-ўттиз олтиларга борган, баланд бўйли, кенг елкали, сочлари қалин ва маллага мойил эди. Ёноқ суяклари туртиб чиқиб, юзини кенг, бесўнақай кўрсатар, аммо қош-кўзининг қоралиги, бурнининг бежиримлиги унинг бу кусурини ёпиб кетарди. Лаблари устидаги кичкина мўйлови ҳам ўзига ярашган эди. Аммо кўзлари аллақандай эҳтиросли изтироб билан боқарди. Юзидаги жиддийлик уни хотир-

жамдек кўрсатса-да, кўзларидаги дардли ифода сирини фош қилиб қўйган эди. Қалин лабларида акс этган ним табассум унинг ҳолатига, турқи-тароватига ҳеч ҳам мос тушмаган эди.

Дилдора йўлакдаги кўзгу олдида келиб, бесаранжом, нигоҳи сал хотиржам ҳолатга келгунча тикилиб турди. “Эшикни очишга мажбурман, — дея пичирлади лаблари. — ишга бориш керак...” Бир оздан сўнг у ўктам аёл қиёфасига кирди. Ва шахт билан эшикни очиб, шитоб билан йигитнинг ёнидан ўтиб кетди. Довдираб қолган йигит шошиб қизни ортидан эргашиди.

— Сизга икки оғиз... гап... гапим бор эди, — деди у қизга етиб олиб, ёнма-ён шитоб билан кетаркан.

— Сиз билан ҳам, бошқалар билан гаплашишни ис-тамайман, — деди қиз, унинг юзига қайрилиб ҳам қара-масдан.

— Бир киши ишончингизни оқламаса, бошқалар ҳам айбдор бўладими?

Йигит билиб айтди, билмай айтди, қизнинг жон еридан тутган эди. Дилдора таққа юришдан тўхтаб, йигитга синчковлик билан тикилди. Унинг кўзларидаги изтироб юзига кўчган, лаблари, бутун вужуди титраётгандек, бироқ йигит зўр бериб бу титроқни сездирмасликка тиришаётгандек туюлди Дилдорага.

— Ваҳоланки, сиз кўп нарсадан хабардор экансиз, шуни ҳам алоҳида билиб қўйишингизни истардимки... — Йигит унинг узундан-узун жумлаларини эйтибдор билан тинглаётганини кўриб қиз шарақлаб кулиб юборди. Кула-кула, охири гапининг давомини айтди: — Мен жуда қиммат тураман.

Қиз гапираётганида кулганида, йигит унга ҳайрат билан тикилиб қолганди. У гапини тугатганда ва шарақлаб кулиб юборганида чўчиб тушди. Қиз жиддий айт-яптими ё ҳазиллашди, фарқида бориб ўтирмади. Бурилиб, кетишга чоғланаётган қизнинг йўлини тўсди.

— Тиллами, жавоҳирми, нимани хоҳлайсан? Тилагингни айт, — деди у овози титраб. Ва бирдан сенсирашга ўтганини ўзи ҳам сезмай қолди. — Фақат мени ҳайдаб солма!

Дилдора нима дейишини билмай, гарангсиб қолди. Сўнг ўта жиддий оҳангда деди:

— Мен ишга боришим керак. Кечикяпман...

— Шест секунд, — деди йигит кулимсираб, кўрсатгич бармоғини лабига босди. Ва тез-тез юриб катта йўлга чиқди. У ёқ-бу ёққа ғизиллаб ўтаётган таксилардан бирини тўхтатиб, қизнинг ёнига келди.

— Кетдик!

Дилдора бир зум иккиланди. Вақт зиқ эди. Кўп ўйлаб ўтирмади. Таваккал қилиб, йигитга эргашиди...

Ўшандан буён йигит ҳар куни келиб, эшик олдида уни кутиб турар, ишга кузатиб қўяр, кечки соат 5-6 ларда уйга олиб келиб қўяр, эшик олдида хайрлашиб кетарди. Дилдора унинг исми Пўлат эканлигини биларди холос. “Қанақа одам у?” — деган савол қизни ўйлантирар, юрак ютиб сўрашга эса ботинолмасди. Бир неча куннинг ўзидаёқ у йигитга анча ўрганиб қолганди. Бироқ аччиқ тажриба кўнглини қаттиқ қилиб қўйган, йигит олдида сира сир берай демасди.

Бир куни эрталаб Мавжуда опа шанғиллаганча ижара ҳаққини сўраб чиқди.

— Яна озгина сабр қилинг, илтимос, — деди Дил-

дора астагина. Чунки Пўлат келиб уни олиб кетадиган вақт бўлиб қолганди. Мавжуда опа атай қилгандек сира паст тушай демасди.

— Ёмонга салом бериб, товонга қоласан деганлари шу-да, — дея дийдиё қилди у. — Тўрт ойдан буён сабр қилиб юрган мен аҳмоқман ўзи. Ҳе, яхшилиқни билмаган...

Мавжуда опа қарғай-қарғай зиналардан тушиб кетаётиб, бирдан Пўлат билан тўқнаш келди. Ҳали келаётиб, унинг овозини эшитган Пўлат тўртинчи қаватга туриб, борган гапни билиб олганди. Опа учинчи қаватга тушгунча кутиб турди-да, сўнг ҳамон остонада тошдек қотиб қолган Дилдорага “ҳозир келаман” дегандек ишора қилиб, пастга тушиб кетди.

— Бўлди, у энди сизни безовта қилмайди, — деди бир оздан сўнг қайтиб чиқиб.

Дилдора унинг кўнгли учун жилмайди. Қалбини аввалгидан ҳам оғирроқ, залворли бир юк эзаётган, юрагини гижимлаётган эди. Унинг мижжаларига ёш қалқиди. Бир дақиқагина йигит олдида ўктамлиги, совуққонлиги йўқолиб, асл қиёфасига қайтгандек бўлди. Бир лаҳзагина холос... Кейин яна аввалги ҳолатига қайтди. У ҳеч нарсани ўйламасликка, эсламасликка қарор қилди. Туну-кун қайғу-ҳасратда яшагандан кўра шўр қисматни афзал билди. У Пўлат билан ёнма-ён кетаркан, алланималар ҳақида тинмай гапирар, қулар, баъзида арзимас майда-чуйдалар ҳақида ғам-ғуссага ботиб сўзларкан, ич-ичидан ҳақиқий андуҳи қалб тўрида унсиз фарёд чекаётганини ҳис этиб турарди. Аёл кишининг ўз софлигини сақлаб қолиши энг мураккаб иш эканлигини қайта-қайта эътироф этарди...

Одатдагидек кечки маҳал Пўлат билан ишдан қайтаркан уй эшиги олдида Абдулла кутиб турганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Абдулланинг қўлидаги селюфан сеткада нимадир бор эди. Дилдора унинг тунов кунни уйда қолиб кетган сумкасини олиб келганини ички бир туйғу билан сизди. Плаш этақларини шилдираганча унинг ёнидан безътибор ўтиб кетди. Бамайлихотир чўнтагидан уй калитини олиб, қулфни буррай бошлади. Пўлат билан Абдулла еб юборгудек бўлиб бир-бирига сўзсиз тикилиб қолишганди. Вазиятдан чиқиш учун қиз овозига қувноқ тус бериб, деди:

— Пўлат ака, уйга... Вой худойим-ей, бўлақолинг...

Бунақа таклифни кутмаган Пўлатнинг юраги ширин орзиқди. Бир зум иккиланса Дилдора эшикни ёпиб қўядигандек шошилиб ичкарига қадам қўйди. Абдулла ундан кўз узмасди. Пўлат ечиниб, меҳмонхонага ўтгунча қиз кутиб турди. Сўнг эшикни ёпиш баҳонасида ташқарига чиқди. Ҳамон бир қарорга келолмай, эшик ортида турган йигитнинг қўлидан сеткани юлиб олиб, илондай вишиллади:

— Бу ерда энди қорангизни кўрмай!

— Ўйлаб иш қил, Дилдора, — дея жон ҳолатда эшик тутқичига ёпишди Абдулла. — Менга ҳам осон тўтма. Бир қарорга келолмаяпман.

— Мен бир қарорга келиб бўлдим, — деди Дилдора қатъий қилиб... Ва куч билан эшикни тортиб, ёпиб олди. Бир оздан сўнг қаҳва дамлаб, меҳмонхонага олиб кирди. Пўлат эшикка термилиб ўтирган эди. Қизни кўриши билан нигоҳини олиб қочди. Дилдора қаҳва қуйиб узатганида ҳам юзига қарамади. Ўртага ноқулай жим-

лик тушди. Йигитнинг юраги ўртанди. Негадир ўз-ўзидан ҳаҳли чиқиб кетаётганди. Қаҳвани отиб юборгиси келди унинг. Аммо истиҳола зўр келиб ўзини босди. Бироқ юзи гезариб кетганди. Дилдорага қараб, қулмоқчи бўлди, лекин қаттиқ қимтилган лаблари тушуниксиз ва ўринсиз табассумдан қийшайиб қолди. Қиз ҳеч нарсадан беҳабардек, бафуржа ўтирарди. Қаҳва хўплаётиб, йигит уни зимдан қузатаётганини сезиб қолди. Ўзича қулимсиради. Ниманидир яширмоқчи бўлгандай қулимсиради, бироқ уддасидан чиқолмади.

— Истасангиз кетишингиз мумкин, — деди у бирдан йигитга тик қараб. Унинг юзида мамнунлик, кўзларида кибр акс этарди. — Ҳозир нимани ўйлаётган бўлсангиз, ҳаммаси тўғри. Айтмасангиз ҳам юз-кўзларингиздан билиниб турибди ва ... ва мен бунга чидаб туrolмайман. Кетинг!..

Қиз иситма тутгандай титрарди, қаттиқ ҳаяжонга тушганлигини билдирмаслик ва йиқилиб тушмаслик учун стол қиррасига маҳкам ёпишиб олди. Бутун кучини, имкониятини тўплаб, йигитдан жавоб кутарди, баайни ўлимга маҳкум этилган одам ҳукм ўқилишини кутгандай...

Пўлат индамай ўрнидан турди. Унинг чеҳрасига ифода қилиб бўлмас бир изтироб соя солган, кўзлари маъюс ва ғамгин боқарди. У эс-ҳушини йўқотгандай гандираклаганича столни айланиб ўтиб, Дилдоранинг қаршисига келди. Келаётиб бўш турган стулга қоқилиб кетди. Юраги қинидан чиққудек потирлаб урарди...

— Сизда гуноҳ йўқ, — деди у аллақандай хазин товушда. — Ҳаммасига мен айбдорман. Мен...

Қизнинг юзидан қон қочиб, ҳаддан ташқари оқариб кетди. Пўлатнинг сўзлари олисдан, жуда-жуда олисдан эшитилаётгандек эди...

* * *

— Менинг тақдирим сеникидан ҳам чигал ва маънисиз, — дея гап бошлади Пўлат. Тун ярмидан оққан, улар ҳамон ўша стол атрофида ўтиришарди. — Йигирма ёшимда отам аммамнинг қизига уйлантириб қўйди. Ҳамма кўргулик шундан кейин бошланди. Хотинимга кўнглим йўқ эди. У меҳнаткаш, камсукум, тортинчоқ қиз эди. Худди ота-онамнинг кўнгилдагидек! Эртадан-кечгача ҳовлида ивирсиб юрарди. Онам унга кўп иш буюрарди. “Келинлигимдан то ҳозиргача қўлим касов, сочим супурги” бўлиб келдим. Келин олдимми, энди қўлимни совуқ сувга ҳам урмайман”, деб кўп такрорларди. Пайт пойлаб туриб, хотинимни уйга имласам, у уялиб кетарди. Ўзини олиб қочарди. Кечаси ҳамма ёқни саранжомлаб, уйга кирарди ва ўша ернинг ўзида халатини ечиб, шартиллатиб чангини бир-икки қоқардида, яна эгнига илиб оларди... Хуллас, уйдан қочиб кетдим. Отам излаб келиб, топиб олди. Уйга қайт, деди. Урди. Сўқди. “Оқ қиламан”, деди. Кўнмадим. Ҳаёт ҳақида менинг ҳам ўз ўйим, ўз фикрим бор эди. Бироқ ҳеч ким мен билан ҳисоблашмасди... Яхши кўрган қизим бор эди. Лекин у онамга ёқмади. “У бизга ҳақ бермайди, — дерди онам ҳар доим. — Бизга оёқ-қўли чаққон, меҳнатдан тап тортмайдиган келин керак”.

Отам учинчи марта келганида умидини узиб қайтди. Бу ерда озми-кўпми танишлар орттирдим. Икки марта қамалиб чиқдим. Қисқа муддатга...

Шу ерга келганда қизнинг кўзлари чақчайиб кетди, ўзини босиб туролмади.

— Нега? Нега қамашади? — деди у ранг-қути ўчиб.

— Сўрама ҳеч нарсани, сўрайверсанг, алдай бошлайман. Одатим шунақа, — деди йигит. У оғир юкдан халос бўлгандек енгил тортиб қолганди. Кайфияти кўтарилиб, қизга тегишди: — Манави кроватга иккимиз сиғамизми?

Дилдора қип-қизариб кетди...

Улар бирга яшай бошладилар. Пўлат рўзгорнинг кундалик ташвишларини ўз бўйнига олди, бутлади. Мавжуда опага ҳам олдиндан бир неча ойлик ижара ҳаққини бериб қўйди. Йигит бу каби муаммоларни ўз ихтиёри билан ҳал этар, Дилдорани аралаштирмасди. У жуда бахтли эди. Ўзини чексиз бахтиёр деб ҳис қиларди. Бўш қолди дегунча, бутун вужуди нигоҳга айланиб, Дилдорага тикилар, ундан кўзларини узолмасди. “Гўзал, у жудаям гўзал”, — деб тинмай ичида такрорларди. Сирдан қараганда, Дилдора ҳам бахтиёр эди. Аммо кўнглидаги бир тугун ёнига иккинчиси қўшилганди. “Нега у қамалаган? Бунча пулни қаердан оляпти?” деган саволлар хаёлида тинимсиз чарх уриб, тинчлик бермасди.

Бир куни у ишдан келаётиб, йўл устида Абдуллани учратди.

— Сизни келаётганим, — деди у. Силлиқ юзида аллақандай безовталиқ сезилар, нимадан бир саросималиб турарди. Кўлида қоғозга ўроғлиқ шиша бор эди.

Дилдора уни кўрмасликка олиб, ўтиб кетмоқчи эди. Аммо йигит илдамлик билан йўлини тўсиб, ялинчоқ товушда деди:

— Дилдора, гаплашиб олайлик, азизим...

Дилдора унинг бесаранжом юзига тикилиб туриб, киноя билан деди:

— “Азизим” десам эриб кетади деяпсизми? — Бир вақтлар, эсим оғиб юрганда “Белый аист”ни яхши кўраман, деганим эсингизга тушиб қолдимиз? Яна аввалгидек апоқ-чапоқ бўламиз деган ниятда келдингизми?

Абдулланинг ҳуши бошидан учиб, довдираб қолди. Кўлидаги шишани қаёққа қўйишини, нима қилишини билмай, гарангсиз турди-да, беихтиёр ён тарафдаги ариқчага улоқтирди. Дилдора уни беписанд нигоҳ билан бошлан-оёқ кузатаркан, яна оғиз жуфтлаган эди, Абдулла чидаб туролмади.

— Ҳа, мен аблаҳман, — деди у қичқириб. Унинг юзи кумдек ўчган, лаблари, лабларига қўшилиб, бутун вужуди титрар эди. — Аблаҳлик қилдим. Лекин ҳали бир қарорга келганим йўқ-ку.

— Сиз бир қарорга кегунингизча, хотинингиз қаҳрамон она бўлади, шекилли, — дея узиб олди Дилдора. У жиддийлашган, хомуш ва паришон бўлиб қолганди.

Абдулланинг юзига қизиллик югуриб, кўзларини олиб қочди.

— Уни тинч қўйинг, аралаштирманг, — деди у ўзини тутиб олиб. — Мен сиз билан гаплашмоқчи эдим.

— Нимани гаплашмоқчи эдингиз, гапиринг, — Дилдоранинг юзига кинояли табассум ёйилди. У шу туришида Абдуллани эрмак қилиб, чарчамайдиганга ўхшарди.

— Жуда ўзгариб кетибсиз, афсус, — деди Абдулла ҳафсаласи пир бўлиб.

Дилдора шу гапни кутиб тургандай, бирдан портла-

ди:

— Сиз ҳеч қачон мендан кечолмайди, деб ўйлагансиз. Шундайми? Унга ҳеч нарса керак эмас, у ҳеч нарсани ўйламайди, деган хаёлда юргансиз. Шундайми, жавоб беринг, — деди жазавага тушиб, Дилдора. — Фаришта деб ўйлагансиз. Аслида кимлигимни билмагансиз. Сиз ҳеч нарсасиз яшай олишингиз мумкин. Аммо аёлсиз яшай олмайсиз. Мен эрсиз яшашим мумкин, лекин ҳеч нарсасиз яшай олмайман. Кейин... яна мен жуда ҳам қасдкаш ва кекчиман. Шуни ҳам билиб қўйинг. Бировнинг ёмонлигини бир умр эслаб юраман. Яхши-си, мендан нарироқ юринг. Хотинингизни олдида айтган гапларингиз ҳали қулоғимдан кетгани йўқ.

Абдулла шамдек қотиб қолди. У адойи-тамом бўлганди.

— Яна шуни ҳам билиб қўйингки, Сиз мен учун ягона эркак эмассиз! Дарахтни силкитсам, эркак ёғилди, — деди Дилдора ва йигитга кибр ва мазах билан бир неча сония тикилиб турди-да, уйи томон тез-тез юриб кетди.

Абдулла унинг ортидан тикилиб қолди ва алам билан тишини ғижирлатди...

— Дилдора, сен билан бир нарсани маслаҳатлашмоқчи эдим, — деди Пўлат бир куни. У одатдагидан кўра безовтароқ кўринди Дилдорага. — Менинг уйимга кўчиб ўтсанг...

Дилдора ялт этиб, йигитга қаради. Унинг нигоҳида бир олам ҳайрат, бир олам қувонч бор эди.

— Наҳотки... уйингиз борми? Нега аввалроқ айтмадингиз?

— Кўчиб ўт, дебми

— Йўқ. Уйингиз борлиги ҳақида нега аввалроқ гапирмагандингиз? Ахир, бу...

— Бахт, демоқчимисан? Пўлат кулимсиради. У ўйчан боқарди. — Бошида, шу уйни олмасимдан бурун, эҳ-ҳе, нималарни ўйламаганман? Нималарни орзу қилмаганман? Уй олсам унақа, уй олсам бунақа деган ўй хаёлимдан нари кетмасди. Охири шу даражага бориб етдики, уй олган куним ўлиб қолсам керак деб ўйлагандим.

Пўлат жимиб қолди.

— Кейинчи, кейин нима бўлди? — деди интиқлик билан Дилдора

— Кейинми... кейин... ҳеч нарса! Худди аввалдан шу уйда яшаб юргандек, оддийгина қабул қилдим.

— Қўйинг-е, — Дилдоранинг ҳафсаласи пир бўлиб, нари кетди.

— Кўчасанми? — Пўлат унинг ортидан борди. — Хўп десанг, эртагаёқ...

— Кейин мени ҳеч қачон ҳайдаб юбормайсизми? Тўғри хотин бўлишимга ишонасизми?

— Ўзимга ишонгандай...

Дилдоранинг қалбидаги хавотир тугуни ечилиб, майин жилмайди. Эртаси куни у ишга бормади. Пўлат аллақайдан юк машинасини олиб келди. Улар кула-кула Дилдоранинг “кўч-кўрони”ни ортишди. Кейин Мавжуда опаникига кириб, уй қалитини топширди, хайрлашди. Чинданми ё кўнгил учунми, Мавжуда опа кўзига ёш олди.

— Йиғламанг, — деди Дилдора хазин товушда. — Мен йиғлаб хайрлашишга арзимайман. Адресни ёзиб

кўйдим. Бориб туринг.

...Тўққиз қаватли уйнинг, учинчи қаватидаги янги уй Дилдорага жуда ёқди. Уч-тўрт кун ичида у ёқ-бу ёғини таъмирлаб ҳам олишди. (Албатта, Дилдоранинг таклифи билан). Тўрт йилдан буён ремонт қилиш хаёлимга ҳам келмабди, — деб ўйлади Пўлат ичида. — Аёл барибир аёлда...”

— Уй сеники, — деди бир куни Пўлат дабдурустдан, — ҳар қандай шароитда ҳам ... сеники!

У негадир шошиб гапирди. Юзида оғир изтиробли бир ифода пайдо бўлганди. Афтидан, ҳали танишганимга уч ой бўлар-бўлмас, бу аёлга ишонимим шартмикин, деган хаёл кўнглининг кўчасига ҳам келмаётганди. У яна нимадир демоқчи, ниманидир тайинламоқчи эди. Аммо айтолмади, Дилдорани чўчитиб юборишдан қўрқди. Кейинги куни у азонда чиқиб кетган кўйи кеч-қурун қайтиб келмади. Кутиш азобини обдон татиган аёл биринчи оқшомни тишини-тишига қўйиб ўтказди. Иккинчи кун ҳам ундан дарак бўлмади. Дилдоранинг кўнглига шайтон гулгула сола бошлади. “Наҳотки, у мени ташлаб кетган бўлса, — деган ўй келди хаёлига. — Шунинг учун “уй сеники” деган экан-да... Йўғ-е...” Ўз ўйидан ўзи кўрқиб кетди. Ишхонада ҳам, уйда ҳам кунни тиқ этса эшикка қараб ўтказди. Учинчи куни эрталаб эшик кўнғироғи жиринглади. Дилдора ўринда хаёл суриб ётганди, апил-тапил кийина солиб, эшик томон отилди.

Остонада Абдулла турарди!

— Кутмаганмидингиз? — деди у заҳархандали жилмайиб. — Тополмайди деб ўйлагансиз...

— Нега энди? Сиздан буни кутса бўлади, — деди Дилдора ҳам киноя билан.

— Кирсам бўладими? Ахир ташқарида туриш нокулай...

— Йўқ, — деди Дилдора ва шартта эшикни ёпиб, унга суянди. — Эрим уйда йўқ. Бор пайтида кирарсиз.

— Ўҳ-хў, эрим... — Абдулла ўзини хотиржам тутсада, рангги докадек оқариб кетганди. — Эрингизни кимлигини биласизми ўзи? — У муҳим янгиликни айтиши билан Дилдорани янчиб ташлайдигандек бирдан кайфияти кўтарилди. Юз-кўзлари ғалаба, нашидасидан ял-ял ёнарди. — Мен суриштириб билдим. Эрингиз ўғрибоши экан. Уч-тўртта йигит билан қароқчилик қилишаркан.

Дилдоранинг оёқ-қўлидан жон кетиб, ўзини беҳол сезаётган бўлса-да сир бой бермади.

— Бу ёғи мени қизиқтирмайди.

— Унақаларни умри қисқа бўлади.

— Бу ҳақда тул бўлиб қолганимдан кейин гаплашармиз.

— Демоқчиманки, ҳозир ортга қайтишнинг иложи бор. Ҳали ҳам кеч эмас...

— Ортга қайтиш... — Дилдора қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. — Кеч эмас эмиш... Ҳа-ҳа-ҳа... Кўнгиллари яна нима тусайди? Сен аблаҳ эдинг, аблаҳлигингча қопсан, — деди у бирдан сенсираб. Абдулланинг саросималаниб қолганини кўриб, яна шарақлаб кулиб юборди. — Яна ўйнашинг бўлишимни хоҳлаяпсанми? Овора бўласан. Ҳеч қачон сен мени ўйламагансан. Хотинингдаң безган пайтингда менинг олдимга келардинг. Чарчаган вақтингда мен керак эдим. Хотининг чўнтагинг-

ни қоқиб олиб, йўл кирага ҳам пулинг қолмаганида мени эслардинг. Кейин...кейин қумга сингган томчи-дек йўқ бўлиб кетардинг. Мен шўрлик юрак-бағрим қон бўлиб сени кутаб яшадим. Эшик кўнғироғи жиринг этса юрагим қинидан чиқиб кетай дерди. Балки кута-кута ухлаб қолганимда келиб, кўнғироқни жиринглатса эшитмагандирман деб ўзимни ўзим ёмон кўриб кетардим. Уй эгасидан яширинча калит ясатмоқчи бўлиб юргандим. Мени яна шу кўйга солмоқчимисан? Оввора бўласан!

Темир эшик шарақлаб ёпилди. Абдулла чўчиб тушди. Ҳазабдан дир-дир титрарди. У бундай муомалани кутмаганди. Айниқса, Пўлат ҳақидаги “янгилик” аёлни додиратиб қўйса керак, деб ўйлаганди. Шунда у темирни қизигида босмоқчи, яъни ўйлаган режасини амалга оширмоқчи эди. Бу режа ангчадан буён унинг хаёлини банд этганди. Пайт пойлаб юрганди. “Лоп” этиб орадан Пўлат чиқиб қолди-ю, иши ортга сурилди. “Аблаҳ, бандит, қизнинг кўнглини олишга улгурибди, — дея ўйлади Абдулла зиналардан бир-бир босиб пастга тушиб кетаркан. Кўз олдида Пўлатнинг асабий тарзда, сурбетларча тиржайиб туриши гавдаланди. Жунжикиб кетди, — Соғ одамга ўхшамайди у.” Ўйлаган режаси амалга ошмаганидан кўнгли ғаш тортиди. Кўчага чиқиб, қаёққа юришини билмай, ўйланиб қолди. Бу ердан кетгиси келмаётганини ич-ичидан ҳис этди. Чуқур хўрсинди. Дилдора уйига бориб, жанжал қилиб кетгандан кейин хотини унга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай юарди. Ишга вақт-лироқ кетса ҳам, ё аксинча, кечроқ уйга келса ҳам пичинг қилавериш жонига тегиб кетди. Шу пичинг сўзлар сабаб бўлди яқинда эр-хотин қаттиқ уришиб қолишди. “Мен сизга ишонмайман, ўша хотин уйга бекорга келмади”, — дерди Мавлуда ҳадеб. Охири Абдулла деворда осиглиқ турган “Қуръон”ни қўлига олди. Уч-тўрт йил бурун бир таниши: “Қуръони”ни қўлингга олиб, қасам ичсанг, аёллар лаққа ишонишади, — деган эди. Шу усулни қўллашга мажбур бўлди. Мавлуда найдан таралаётган куйга сеҳрланган илондай қотди-қолди. Ҳар қалай битта ташвишдан қутилдим, деди ўзига-ўзи Абдулла, фавқулодда енгил тортиб. Энди аввалгисидан ҳам мушкулроқ ташвиш ҳали олдинда эканлигини ўйлаб, анча вақт юраги зириллаб юрди. Бу ҳақда Дилдорага айтишга кўрқди. У қўнмайди, деган андиша юрагини ғаш қилиб турарди. Ўртадан Пўлат чиқиб қолмаганида ҳали ҳам бир қарорга келолмай юармиди. Дастлаб, уни Пўлат билан кўрганга “мени куйдирмоқчи” деган хаёлга бориб, сир бермасликка ҳаракат қилганди. Ҳали яхши танимаган одамга ўзини топшириб, унинг этагидан тутиши, бир кунда ҳе йўқ, бе йўқ кўчиб кетиши йигитнинг хаёлига ҳам келмаганди. Ўйлайвериш, жинни бўлиб қолаёзди. Ўзича бир неча кун аразлаб ҳам юрди. Ҳар қалай, шунча йил эр-хотиндек бўлиб... Оқибат шу бўлди? Қизнинг бу қилиғи иззат-нафсига тегди. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин қабилида иш тутди. Орқаваротдан аввал Пўлатни сўраб суриштирди. Сўнг Дилдоранинг изига тушди. Яқингинада ундан қочиб юрган, тасодифан кўришиб қолишганда юраги зириллаб, унинг тезроқ кетишини сабрсизлик билан истаган одам энди аёлни топиш илинжида оромини йўқотган эди. “Майли, мен сенга уйланаман, — демоқчи эди у аёлга бениҳоя қарам кўрсатаётгандек виқор билан. —

Фақат бир шарт билан. Бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто ота-онанга ҳам айтмайсан. Фарзанд, деб ҳам очмайсан!” Бола туғилиши аёлнинг ҳуқуқларини бир неча поғонага кўтариб юборишини у жуда яхши фаҳмларди. Ошдан чиққан тошдек бирдан Пўлат пайдо бўлиб қолмаганида Дилдоранинг рози бўлиши турган гап эди. Хурсандлигидан йиғлаб ҳам юборармиди. Бугун келиб кўрдик, у хато ўйлабди. Ҳалигина унга захрини сочган, мазах қилган аламзада, кибрили аёл кечагина бўйнига осилиб: “...ҳаммасига чидайман, фақат мени ташлаб кетманг”, деб ялинган қизга сира-сира ўхшамасди.

* * *

Тун ярмидан оғиб, одамлар ширин уйқуда ётган маҳал темир эшикни кимдир секин тақиллатди. Уйқуси ўчиб, алам устида ўтирган Дилдора эшик олдига учиб борди. “Ким?” деди астагина. Қаттиқроқ нафас олишга да кўрқди.

— Мен, Дилдор, мен, — деди кимдир паст овозда. Дилдора овоз эгаси Пўлат эканлигини дарҳол англади. Бироқ эшикни очишга шошилмади. Тутқични ушлаган кўллари титраб турарди.

— Биладан, мандан хафасан, — деди Пўлат яна паст овозда. — Сенга айтишим керак эди. Кечир мени.

— Очмайман, — деди Дилдора йиғламсираб. — Тўрт кундан буён ўлиб қолай дедим-ку. Қаерда юрган бўлсангиз, ўша ерга боринг.

— Дилдор, мени кечир. Эшикни очмасанг шу ерда ўтиравераман.

— Ўтираверинг... Мени ким ўйлаяпсиз? Бир оғиз айтиб қўйсангиз, ҳаққингиз кетармиди. Нега мен бошқалардан эшитишим керак? Уйимни бериб қўйиб, катта мурувват қилдим, деяпсизми? Ҳозироқ чиқиб кетишим мумкин. Тўрт томоним қибла менинг. Этагимни бошимга ёпаман-у...

— Дилдора бўлди...

— Очмайман барибир эшикни...

— Шу ерда ўтиравераман, эшикни очмагунингча. Ҳеч қаёққа кетмайман.

— Ўтираверинг!..

Орадан чамаси икки соатча вақт ўтди. Иккаласи ҳам ҳамон эшик олдида туришарди. Бутун вужудлари кулоққа айланиб, бир-бирларининг ҳатти-ҳаракатини эшитишга уринишарди. “Йиғлапти шекилли, — дея ўйларди Пўлат. — Ҳақиқатан ҳам ноинсофлик қилдим”. “Ана, эшикка суяниб ўтириб олди, — деб ўйлади Дилдора. — Совуқ ўтиб кетмасайди. Чекапти... “Уҳ” тортиди”...

Бир оздан сўнг “ширқ” этиб эшик калити буралгани эшитилди. Пўлат ирғиб ўрнидан турди. Ярми чекилган сигаретни шоша-пиша улоқтирди.

— Сенга ким хабар берганини биладан, -деди у ичкарига кирган заҳоти. — Сен ... боя ... айтганингда ... Бирдан хаёлимга келди. Ўша! Аниқ, ўша!

Дилдоранинг қовоқлари қизариб, шишиб кетгани боис кўзлари қисилиб қолганди. Йигитнинг юзига қараёлмади. Ваннага кириб, совуқ сувга юзини чайди, қовоқлари устига юмшоқ сочиқни ҳўллаб ҳосиб, бир неча сония турди. Сал ўзини босиб, аввалги ҳолига келгандан кейингина Пўлатнинг ёнига ўтди...

— Тунов куни айтганидим уйдан қочиб кетганим-

ни, — дея гап бошлади Пўлат. У жуда асабий эди. Ҳали уйга кириб келганидан буён тинимсиз, устма-уст сигарет тутатар, бирини чекиб бўлар-бўлмас иккинчисини бошлар, кичкинагина шиша кулдон бир пасда сигарет қолдиги билан тўлган эди. — иш йўқ, турар-жой йўқ. Бир қанча вақт вокзалда ётиб юрдим. Қаерга иш сўраб борсам, прописка сўрашади. Оддий таксисчиликка ҳам олишмади. Правам бор бўлмаса. Пропискани тўғрилаб келинг, кейин гаплашамиз, дейишди. Уйдан бир оз пул билан чиққандим. Тўрт ойга базўр етказдим. Кастюмимни сотишга мажбур бўлдим. Кейин соатимни... Охирида сотишга арзигулик ҳеч вақом қолмади. Қорни оч одамни ҳар мақомга йўрғалатиш мумкинлигига ўша пайтларда амин бўлдим. Шу... шу... йўлга кирганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Аввалига вақтинчалик, деб ўйладим. Ҳадисини олгач, ташлагим келмади. Аммо биринчи марта қўлга тушганимда жуда кўрқиб кетганман ва йиғлаганман. Ҳа, ҳа, йиғлаганман. Қамоқхона деганда кўз олдимда даҳшатли манзаралар гавдаланарди, — Пўлат бирдан гапиришдан тўхтаб, ўрнидан турди. Унинг юзи шу қалар ўзгариб кетгандики, Дилдора кўрқиб кетди. Устма-уст чекиб, сал ўзини босиб олгунча бир оз вақт ўтди. У жойига қайтиб ўтирганда юзидаги кўрқинчли ифода батамом йўқолган, ўрнини сурбетлик эгаллаган, кўзлари такаббурлик билан боқарди. Аммо сўзлар бўғзидан базўр отилиб чиқарди. — Қамоқхонага тиқиб қўйиб, ўзларича тарбияладик деб ўйлашади-да, — У бировни мазах қилаётгандек, совуқ тиржайиб қўйди. Ҳалигина босиқлик билан равон сўзлаётган одам бирдан алаҳсираётгандек узуқ-юлуқ гапира бошлади. — Ақлини киритиб қўйдик... хуллас.. нима десам экан... энди бу ишни қилмайди деб ўйлашади. Аммо... Лекин адашишади. Жуда қаттиқ адашишади. Мен қамоқхонада... 10 тийин уриб қолгани учун қамалиб кетиб, у ердан қилни қирқ ёрадиган ўғри бўлиб чиққан одамни биладан. Лекин яхши томони ҳам борки, буни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Ҳа..ҳа.. бор... Яхши томон шундаки... қандай тушунтирсам экан?... Қўйиб берсанг бир-бирини ғажиб ташлашга тайёр, асабий, жулдурвақи маҳбуслар ичида тепадаги ис босган туйнукдан тушаётган бир тутам нурга тикилиб ўтириб озодликни соғинасан. Юрагинг эзилади. Эркинликнинг қадрига етасан. Қанча муддат олганигни эслайсан.. ва қанча қолганини ҳисоблашга ҳаракат қиласан. Бошда бир оз қийин бўлади, худди вақт ўтмаётгандек туюлади. Кейин ... кунлар ўтавергани сайин... ҳисоблаш ҳам осонлашади. Ўзингга ўхшаган маҳбуслар ёқалашиб, бошингни ёриб қўйишса, ҳам унчалик алам қилмайди. Бироқ.. сени одам ўрнида кўрмай, бирорта ҳайвон... ёки... ёки жирканч махлуққа қарагандай муомала қиладиган, сал саркашлик қилсанг аямасдан дўппослайдиган қоровулларни бир умрга ёмон кўриб қоласан.. Нега рангинг оқариб кетди? Қўрқяпсанми? Шунинг учун сенга гапиргим келмаганди-да. Ҳозир... оз қолди, тугатаман. Биттаси бор эди. Юзидан заҳар томиб турарди. Жуда бераҳм ва бешафқат эди. Қамоқхона унинг маҳрига тушгандай тутарди ўзини. Кўп эмас-у... шу ... бир-икки марта менинг ҳам ёмон таъзимини берган. Ўзим ўлар ҳолатда ётибман-у, ҳадеб: “Шу ердан эсон-омон чиқиб кетсам бир-кунмас бир кун бўғизлаб кетаман?” дея қасам ичганим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Уч-тўрт ой

бурун шу ишни ташлайман деб, ўзимга ўзим сўз бергандим. Аммо ўзимни туголмасдим. Тўрт кун аввал яна бир ишга қўл урдим. азбаройи.. сени деб. Сени хурсанд қилмоқчийдим. Афсуски, бир, шеригим чув тушириб қўйди. Яқинда бизга қўшилганди. Биринчи марта чиқиши эди... Унинг касри уриб, иккита шеригим қўлга тушиб қолишди. Қаёққа гумдон бўлди у? Билмайман.. Уч кун ўшани изладим. Осмонга чиқдим, ерга кириб кетдим... Билмайман.. билмадим... — Пўлат бошини чангаллаган кўйи, хаёлга толди.

Дилдора адойи тамом бўлган, стулга михланиб қолгандек қимир этмасди.

— Энди мендан воз кечасан, шундайми? — деди Пўлат титроқ овозда.

— Нега энди? — саволга савол билан жавоб берди Дилдора. У аллақачон бир қарорга келиб қўйгандек, ҳеч иккиланмасдан гапирди. — Ўғрини севиб бўлмайдами? Ўғрида юрак йўқми?

— Бор, жонидан, бор... — дея қичқириб юборди бирдан руҳи кўтарилган Пўлат. У Дилдорани даст кўтариб, чир айлантира бошлади.

— Мендан ор қилмайсанми? — деди бор овози билан Пўлат чир айланаркан.

— Йўқ. Ҳеч қачон.. Ҳеч қачон.. Энди ҳеч нарсани ўйламайман... Ҳеч нарсага куймайман.. Фақат яшайман.. яшайман!

Улар қий-чув қилишганча гир-гир айланишар, бақиршар, кулишар, ўзларидан бўлак ҳаммани, ҳамма нарсани унутишганди. Ташқарида эса минг азоб билан осмон ёришиб, жимгина тонг ота бошлаганди...

Орадан бир ҳафта ўтди. Бу вақт ичида Абдулла яна икки марта келди. Дилдора билан гаплашишга ҳаракат қилди. Охирги келганида Дилдора уни қувиб солди. Шундан кейин у анча вақтгача кўринмай қолди. Дилдора унинг феълени яхши билгани учун, негадир кўнгли ғаш бўлиб юрди. “Писмиқ... Пайт пойлаб юргандир-да”, — дея ўйларди у ҳадиксираб. Нимадан ҳадиксираяпти? Ўзи ҳам буни аниқ билмасди.

— Бугун изимга тушишди, — деди бир куни Пўлат дабдурустан. Унинг юзи ҳорғин ва ташвишли эди. — Тасодифан сезиб қолдим.

Тунов кунги суҳбатдан кейин Дилдора шундай бўлишини фаҳмлаган, қачондир, бир йилдан кейинми, ёинки бир ойдан кейин, шундай бўлишини сезган ва бунга ўзини тайёрлаб ҳам келаётганди. Шундай бўлсада юраги орқасига тортиб кетди.

— Кўзингизга шундай кўрингардир-да, — дея олди зўрға.

— Кўзимга кўрингани йўқ. Аниқ биламан... Яхшиши бу ерга вақтинча келмай тураман. Сен хавотирланма, вақт топиб хабар оламан. Айтгандай, мен унинг олдига бордим...

— Кимнинг? — деб юборди Дилдора ва бирдан гап ким ҳақида кетаётганини англаб, қизариб кетди.

— У энди сени безовта қилмайди. Эркакчасига гап-

лашиб олдик, — деди Пўлат. Чўнтагидан қоғозга ўроғлик алланима чиқариб, стол устига қўйди. — Кийимларимни алмаштириб олмоқчиман. Дазмол босганмисан?

— Ҳа, — деди Дилдора ва қоғозга ўроғлик нарсага ишора қилди. — Бу нима?

— Унинг қайчиси... Соч кесадиған... Ойнасини олдида турган экан. Билдирмасдан олиб қўйдим. Керак бўлиб қолар...

Пўлат маъноли қараб қўйди. Дилдора унинг қарашини тушунди. Бироқ индамади. Пўлатнинг ҳозиргина ечган кийимларини йиғиштириб олиб, ювиш учун ва нахонага кириб кетди. Пўлат унинг кўнгли оғриди, деган хаёлга борди. Рашки кўзиб, жаҳли чиқди. Аммо ўзини босди. Дилдора нотўғри хаёлга бориб, мендан нафратланиб юрмасин, деган ўйда у аёлнинг ортидан борди ва оғринган алфозда деди:

— Мени шумлик қиляпти деб юрма тагин. Шунчаки... олгандим. Аммо шунга яхши билиб қўй, мен унга ишонмайман.

Дилдора миқ этмади. Ваннага энгашган кўйи кир ювишда давом этди. У ўйларди. Бошидан ўтган воқеаларни ўйлар, ўзича мулоҳаза қилар, ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетган пароканда хаёлларини тартибга келтиролмай хуноби ошарди. Ўйлаб ўйининг тагига етолмасди. “Шундай бир иш қилиш керак-ки...” — дерди у ҳадеб ўзига ўзи. Аёл бир қарорга келганда тонг бўзариб қолганди.

Кўни-қўшниларга кўринмаслик учун тезроқ чиқиб кетишга чоғланаётган Пўлатни саволга тутди:

— Анави шеригингиз топилдими? Қочиб кетган бору...

— А, ҳа, йўқ, — дея шошиб жавоб берди Пўлат.

— Мабодо... жуда зарур бўлиб қолганида... бошқа бировнинг номини айтиб юборсангиз бўладими? Далил-исбот қўлингизда...

Пўлат ялт этиб Дилдорага қаради. Аёл ундан кўз узмай, тик қараб турарди. Пўлат унинг кўзларида куйган, ўртанган, топталган, аламзада юрак аксини кўргандек бўлди. Шу билан бирга чеки-чегараси йўқ, бепоён бир нафратланиш ҳам мужассам эдики, Пўлат дош беролмади. Индамай чиқиб кетди...

У шу кетганича қайтаб келмади. Анча вақтдан кейин ёшгина бир йигитча келиб, унинг қўлга тушиб қолганини айтди. Яна бир неча кун ўтгач, ўша йигитча Дилдорага яқинда Пўлатнинг устидан олиб борилган тергов ишлари тугаб, иши судга оширилганини, у билан Абдулла деган «шериги» ҳам бирга эканлигини айтди. Кетар чоғида яна келиб хабар олишини, мабодо жуда зарур бўлиб қолганда, ҳа, у айнан шундай деди, жуда зарур бўлиб қолганда уни қаердан қидириб топиш мумкинлигини айтиб, хайрлашди. Дилдора меҳмон кетгач, у ўтирган стул устида бели боғланган бир даста пул ва бир парча қоғоз турганини кўриб қолди. Юраги ҳапқириб қоғозни қўлига олди. Хат Пўлатдан эди. Унда шундай сўзлар ёзилганди: “Мени кут, азизим...”

Муаллиф ҳақида: Зулфия Куролбой қизи (Йўлдошева) 1967 йили Жиззах туманида туғилган. Жиззах давлат педагогика институтининг тил-адабиёт факультетини тамомлаган. Айни кунларда Сирғали туманидаги 317-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди.



БУ БЎСТОН САҲНИДА ГУЛ КЎП, ЧАМАН КЎП



* * *

Дунё, дунё чиройли,
Қора кўзли жайрона.
Қора кўзнинг зулми кўп,
Кўнгил уйи вайрона.

Вайрон, вайрон, вайрона,
Бойқушига томоша.
Дунё қилар эҳсона
Кўтир-қўтир жомашов.

Дунё, дунё чиройли
Тош майдалар бошимда.
Бўлиқ бўлар бугдойи
Кўздан оққан ёшимга.

Дунё, дунё чиройли,
Билинмайди тиртиги.
Кўйлагига қизил гул
Юрагимнинг йиртиги.

Дунё, дунё жайрона,
Ташлаб кетгим келмайди.
Билса бўлар ҳайрона,
Севишимни билмайди.

САДОҚАТ

Бу уйнинг эшиги сабрдан,
Бу уйдан армонлар анқийди.
Дераза йўлларга термулган
Соғинчнинг қабоғи салқийди.

Деворга осилган патир нон
Вужуди тош қотган тоза руҳ.
Ранглари оқарган тўрт девор
Бемажол жовдираб тортар уҳ.

Бу уйнинг гуллари заъфарон,
Ҳар тонгда кўз ёши тўқади.
Гоҳ мудраб қолишса бардошлар
Хотира чокини сўқади.

Чувалаб кетади хотира,
Сабрдан садоқат ясайди.
Бу уйда тенги йўқ бир хилқат —
Қанотсиз фаришта яшайди.

Меҳринисо АБДУРАҲМОНОВА

Муаллиф ҳақида: Зомин туманида туғилган. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган. «Эшик олди гулхайри» китоби муаллифи. Республика ижодкор ўқитувчилари IV семинар кенгаши голиби.

КОМРОН МИРЗО ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Бугун тунни ўтказиб, бедор йиғлай,
Нигоримни зулмидан ошкор йиғлай,
Оҳлар чекиб маст-у телбавор йиғлай,
Кел эй қонли ашким-ки, бир зор йиғлай.
Қилай васлини ёд-у, бисёр йиғлай.

Субҳидам остонага бош қўйиб, орий
Кўнгулда бор дардни айласам, ошкорий,
Нигоримга етарми оҳи наҳорий,
Чекиб нола андоқки абри баҳорий,
Фигонлар қилиб ҳолима зор йиғлай.

Парвона сифат ўзни мен ўтга урсам,
Жамолнинг васфин ой-ю, юлдуздан сўрсам.
Лайло эрсанг-у, мен фақир Махнун эрсам,
Чаманда қаён сарви нозеки кўрсам,
Соғиниб ўшал қадлу рафтор йиғлай.

Туну кун айлаб афғон, чора тополмай,
Ёнди-ку ҳижронда жон, ичра тополмай,
Зухро бўлубтур ҳайрон, чора тополмай,
Қатиқ дардима Комрон, чора тополмай,
Бўлуб чорасиз энди ночор йиғлай.

НЕ УЧУН

Не учун келдинг жаҳонга,
Дилда имон бўлмаса.
Тилда бир эзгу калом-у,
Қўлда имкон бўлмаса.

Ёлғон эрур бу дунёда
Инсонман деб юрганнинг.
Юракни ишқ-у муҳаббат
Оташи ёндирмаса.

Кимгадир бахт этган бойлик,
Кимга-чи ҳусну чирой
Барчаси бекор, агарким,
Бахтинг бир бор қулмаса.

Зухро, шоирликни даъво
Қилганинг айна хатодир.
Шеъринг юракларга камон
Ўқидек санчилмаса.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

Муаллиф ҳақида: 1977 йилда Жиззах шаҳрида туғилган. Жиззах Давлат педагогика институтида таҳсил олган. Шеърлари Республика матбуотида эълон қилинган.

Исоқ Исмоилов

ДАШТДАГИ ҚИШЛОҚ

Ҳикоялар

ДАРДИСАР

Чинор хола тонг саҳарда оғилхонага кириб қараса сигири туғиб боласини ялаётган экан. Бироқ хола ҳайратдан ёқа ушлади. Не кўз билан кўрсинки, бузоқнинг иккита калласи бор. Бу хабарни қўшниларига етказиб уларни олдига солиб келгунча қуёш ҳам чиқди.

Келганлар бузоқни ҳовлига олиб чиқиб обдон томоша қила бошлашди. Ўзиям томоша қилишга арзигулик махлуқ: бир калласи оппоқ, иккинчиси сариқ. Росмана каллалар. Ҳар бирининг ўзига яраша бўйиниям бор. Бўйинлар бирлашган жой сал йўғонроқ, аммо одатдагидай, биз кўриб-билиб юрган бузоқларникидай оддийгина. Ранги ола-була.

— Аслида эгизак бўлган-ов, — деди кимдир. — Нотўғри ривожланиб, икки гавда бирлашиб шунақа бўлиб қолган.

— Олимларни чақиртириш керак, — деган хулосага келишди қўшнилари.

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўради Чинор хола.

— Нега бўларди, текширишади улар, парвариш қилишади.

— Йўғ-э, — деди хола. — Шунгаям энди етганим-да... Энаси ўзи икки йилдан бери бола ташлаб қўяётувди, бузоқ ололмасам, сут-қатиқ йўқ...

— Кўрқманг, пул тўлашади. Барибир сиз буни мол қилолмайсиз, қаранг, бечоранинг гавдаси иккита каллани тутиб туришга қийналаяпти чоғи, ҳалиям ўрнидан қўзғалгиси келмаяпти. Ўлиб қолса нима қиласиз?

Аммо шу ўлимдан гап очилган пайти гўё буни бузоқ тушунгандек у ёқ бу ёққа бир-икки уриниб интилди-ю, сакраб ўрнидан турди. Гандираклар юра бошлади. Ўтирганлар қувонганларидан чапак чалиб юборишди.

— Бир гап бўлар, ўзим боқиб оларман молимни, — деди Чинор хола бузоқнинг каллаларини биринкетин силай туриб. — Яратганининг кўзи ўнг бўлсин ишқилиб. Садағангиз кетай ҳамсоялар, олим чақиртириб юрманглар тагин, майлими?!

Холанинг шу гапи билан гувоҳлар ўзаро маслаҳатлашиб олимларни безовта қилмасликка келишишди.

Ҳар куни Чинор хола ўзининг “зотли” сигирини

подага қўшиб келади. Кейин бузоқни суйиб-суйиб ҳовлига-ҳаводор, кўздан панароқ жойга бойлаб қўяди. Ниҳоятда антиқа бузоқча. Ҳар бир бўйнига алоҳида-алоҳида кўзмунчоқлар тақиб қўйилган. Арқонча ҳам аввалига қозикдан битта бўлиб келади-да, сўнг иккига ажралади, учлари бузоқнинг бўйинларига бориб бойланган. Каллалар бир-бирига бирам меҳрибон, аҳил-тотув. Бири эгилиб жўрасининг томогини яласа, буниси унисининг пешонасини ялаб туради. Униси чап елкасига қўнган итчивинни ҳайдаса, буниси ўнг елкасидагисини ҳайдайди. Энасини соғинишганидаям навбат-навбати билан бўқиришади. Агар уйқу элитса, бири ухлайди, униси чивинларни ҳайлаб туради, кейин униси ухлайди, буниси уйғониб кўриқчиликка ўтади.

Кечкурун пода қайтади. Чинор хола сигирини бойлаб қўйиб боласини арқондан бўшатиб юборади. Иккала калла энаси томон пойга қўйишади. Иккови учун ҳам гавда ва оёқлар умумийлиги сабабли ҳар сафар бир пайтда етиб қолишади. Елинга ташланишади. Боласи эма бошлаганда сигир жуда ноқулай аҳволда қолади. Нукул қайрилиб бутининг орасига қарайверади. Кўпинча ҳайрон бўлиб ўйланиб қолади. Ўйланмай-чи, ёнига битта бузоқ югуриб келса-ю, елинни иккита бўлиб эма кетишса ҳар қандай сигир ҳам ҳайрон бўлади-да. Йўқ, эгаси сут соғишга ўтирганда ёнида бойланган бузоқчани кўриб барисига тушуни олади. Кўнгли тинчийди. Кўзларини сузиб боласини ялаб-юлқашга тушади.

Кунлар ўтди. Чинор хола бузоғига нон ейишни ўргатди. Иккала каллаям бу ҳунарни эгасини кўп қийнамай, дарров, бирдек уқиб олишди. Бора-бора ўт ейишгаям ўтишди. Ҳаммаси рисоладагидек кетаётувди, лекин охирида бари бирам бир чатоқлик чиқиб қолди-да. Бузоқ сут эмаётган пайтда каллалар ўзаро елинни таллашиб қоладиган одат чиқаришди. Сабаби уларнинг анча улғайиб қолишгани эди, албатта. Бири сут эмаётган пайти иккинчиси эммай қараб туришга тўғри келарди. Тумшугини чўзгани билан елинга етмасди, чунки иккинчи калла халақит қилиб буниси тор жойда тиқилиб қоларди. Айланиб ўтиб нариги томонидан эмай деса бунинг ҳеч иложи йўқ. Негадир ораларидаги тотувлик ҳам барҳам топди. Бири иккинчисига навбатни берай демасди.

Дастлабки пайтларда Чинор холанинг аралашуви билан иш битиб юрди-ю, кейинчалик... Бузоқ яна бироз улгайгач каллалар холага куч бермай кўйишди. Шундан кейин эгасиям уларни ўз ҳолига ташлаб кўйди.

Бир каллани эмаётганда бошқаси уни ўқрайиб кузатиб туради. Тамшаниб, сабр-тоқати тугагандан сўнг ёнга тисланади-да жўрасининг тумшуги томон калла кўяди. Зарбадан иккинчи калланинг боши айланиб кўзларидан ўт чиқиб кетади, тумшугини елиндан юлиб олади. Униси эма бошлайди, кейин бор кучини тўплаб бу каллаям маҳоратини кўрсатади.

Бундан сигир ташвиш чекиб ўта тушқунликка тушиб кетди. Ҳаммасиям майли-я, энг ёмони, бузоқнинг каллалари бир-бирини сузишда адашиб мўлжални нотўғри олган пайтлари зарба сигирнинг қорнига, орқа сонига келиб тушарди. Бошқа қаерга-ям тушсин. Чидаб юрди-юрди, охири иродаси синди. Боласини эмизишдан бутунлай воз кечди. Яқинлашса қарсиллатиб тепар эди.

Чинор хола жуда хафа бўлди. Куну-тун сигирни, бузоқни, унинг каллаларини қарғаб юрарди.

Бузоқ очофатлиги орқасидан сутдан барвақт жудо бўлди. Чинор холага кўп ташвишлар келди. Нимжон, чирик бўлиб ўсмаслиги учун энди бузоғига алоҳида тарбия, қунт талаб этиларди.

На чора, хола бунисигаям кўнди. Лойдан чиройли охур ясади. Охурга уйда мавжуд емишнинг энг сарасини соларди, пақирда илиқ сув, тоғорада кўмач ё пўчоқ, кунжара ё ивигилган бўлканон ҳамиша муҳайё эди.

Афсус, каллалар ёмон ёвлашган экан, шундай мўл-кўлчиликка қаноат қилишмасди. Бир-бири билан сира келишолмас, овқат талашиб сузишгани-сузишгани эди. Шу сабаб бузоқ жуда секин ўсар, озиб-тўзиб борарди. Олдинига пайт пойлаб, бир-бирининг кўзини шамғалат қилиб оз-оздан еб-ичиб туришди, кейинчалик эса буям йўқ бўлди. Шохлашиш, бир-бирига панд бериш бобида шунақаям тажрибалари ошиб кетдики, энди бирортаси бундоқ бузоққа ўхшаб оғзини тўлдириб овқат ямлаёлмасди. Оқибатда гавда бутунлай ўсишдан тўхтади. Эти устихонига ёпишиб нимжон бўлиб қолди. Ичига умуман оҳор

кирмай кўйди.

Барча қилган амаллари беҳуда кетган Чинор хола яна кўшнилари чақириб келишга мажбур бўлди. Ҳамсоёлар йиғилаб келишгач хола бузоқни кўрсатиб бўлган воқеаларни айтиб берди. “Нима қилай, маслаҳат беринглар”, деди. Кўшнилardan бири ҳовли ўртасида қалтираб, аранг оёғида турган қоқсуяк махлуққа ҳайрат ичра тикилганча:

— Бошида мен шуни томдек бир мол бўлиб етишар деб ўйлагандим, — деди. — Икки оғизлаб овқатни тушураверганидан кейин семириб, гўштга тикилиб кетса керак деб тусмол қилибман.

— Каллалари ишлайдими ўзи бунинг? — гапни илиб кетди бошқа кўшни. — Нега талашади ахир? Ўзи оз-оздан еса тўяди-кўяди. Иккаловига битта қорин бўлса...

Яна бошқа бир киши:

— Кўйинглар, эндигиси бефойда, — деди. Сўнг Чинор холага гап қотди: — Ўшанда айтдик. Олимларга сотиб юборинг дедик. Кўнмадингиз.

— Мен қайдан билибман, — йиғласиради Чинор хола. — Бўлмаса ҳалиям бериб юборақолинглар ўшаларга. Текинга олсам розиман, уволига қолгунча бу ер ютқурнинг.

— Энди улар бошига уришармиди бу арвоҳни, — деди кимдир.

— Унда қассобга сўйдириб юборақолайлик?

— Сўйдирганда шундан барака топармиди биров. Суяк қайнатиб ичганга одамнинг ичи чиқмаса... Аввалоси қассоб ҳам кўнмас. Умрида ҳеч қачон икки бошли мол сўймаган у.

Ҳамсоёлар алламаҳалгача ўзаро маслаҳатлашиб ўтиришди. Сўнгра бир тўхтамга келолмай тарқалишди.

Чинор хола эртаси куни оғилхонага кириб қараса бузоқ чўзилиб ётган экан. Оёқлари ҳар томонга узалган. Мана-мана ўлмоқчи. Оқ калласи сариқ калласига қараб ўқрайганча: “Сен биринчи ўласан”, деяётганга ўхшайди, сариқ калла ҳам ўз навбатида ҳеч паст келмай оқ каллага қарата: “Йўқ, сен биринчи ўласан”, деяётганга ўхшайди. Ҳайтовур, Чинор холага шундай туюлди. Ҳарқалай бу борада Чинор хола бошқача ўйларди, албатта. У ҳар икки каллаям бир пайтда ўлса керак, деган фикрда эди.

ИМОРАТ

Тунда ёмғир тиниб булутлар яна олға ўтиб кетди. Қаторасига икки кун кўринмаган куёш хайрият, бугун чиқди. Ана, осмонга осилиб турибди, ёмғирнинг қилиб кетган ишларидан хабари йўқ, тоғларни, қишлоқни чиройли қилдим, деб ўзича мамнун.

Кеча айниқса қаттиқ ёғди. Сойдан сел кетди. Сел дегани жуда даҳшатли нарса бўлар экан-да. Бўлмасам у Йўлдош полвоннинг сой бўйидаги оғир-оғир ёғочларини худди арзимас чўпдек оқизиб икки-уч чақримча наридаги Қамбар аканинг қулфагига тикиб ташлармиди. Ўйиборга молик талофатлардан яна бири Эргашнинг ҳовлисида кечди. Янги иморат қурилиши учун тўрт ойдан бери не азоблар билан қуйилиб келинаётган тўрт мингдан ортиқ гиштнинг ярмидан кўпроғи ёмғирдан

сўнг ўзининг гишт шаклини йўқотиб гувалак қиёфасини олди. Гувалакнинг ҳам шундай турики, уни ердан кўпориб олган одам икки-уч мўрт кесакка эга бўлади, холос. Эргашнинг хотинига айтган фикрича бундай хом ашёнинг икки мингдан ихчамроқ бир товукхона қуриб олса бўлар эмиш.

Қолган гиштар эса яхшилаб қурилгани, тахлангани ва усти ёпилганлиги учун омон қолди.

Ёмғир ёққан кунлари Эргаш уйда йўқ эди-да. Олис шаҳардаги тутинган уқасиникига қидириб кетганди. Умуман уйда ҳеч ким йўқ эди. Эргаш хотини, бола-чақасиниям ўша ёққа эргаштириб кетганди. Йўқса иложи топиларди балки. Кечқурун қайтиб келишса шу аҳвол. Ташқарида гишт ивиган, уйдан чакки томаяпти. Ташқари-

да ёмғир, уйда ёмғир. У ерга пақир, бу ерга тоғора күйиб тонг оттиришди.

— Суриб-суриб тиромога опкелувдингиз, ана энди тамома кутулдингиз, — деди хотини эргалаб, — кўрасиз, бу йил қишда том қулайди.

— Кўй-э, — деди Эргаш сесканиб, — нафасингни иссиқ қилсанг-чи. Тўхтаб тур, ҳали худонинг ўзи бир йўл кўрсатиб қолар.

Кейин у бекорчи гап-сўз болалаб хотини билан уришиб қолмаслик учун:

— Хўш, мен томди тепалайин энди, — деб “қочиб” қолди.

Томга чиқиб бир чеккадан ҳали ҳалаз тортмаган лой қатламини тепалаб зичлай бошлади. Бир маҳал оёғи бир жойга чуқурроқ ботгандек, сўнг алланарса қирсиллагандек бўлди (фалокат ёлғиз келмайди-ку, ахир). Пастга тушиб уйга киргач, ўша жойни тусмоллаб аста қараса болардан кўндалангига дарз кетиб ёрилибди. Девор ҳам салпал олдинга оғгандек, сал-пал энгашгандек.

— Хў-ўш, бўлмасам, бир иш бошласам, — деди у бақрайиб қолган хотинига қараб иложи борича ўзини хотиржам тутишга тириширкан. — Бориб би-ир Мухторга маслаҳат солсам. Таваккал деб иморатни бошлаб юбор-сак.

— Гишт етмайди-ку!

— Борича кўтаверайлик деворни, бир ёқдан гишт-нияма кўяверамиз. Мухтор ёрдам беради. Ҳалиям кечмас. Қишгача эҳ-ҳе...

Эргаш сойнинг нариги бетида турадиган қиёматлик жўрасиникига йўл олди. Ташвиш ичра йўл-йўлакай ўй суриб бораркан, ўзи даставвал бир хатоликка йўл очмаганида бу фалокатларни четлаб ўтиши мумкинлигини тушуниб етди. У ҳам бўлса уй ичиси билан шаҳарга қидириб кетаётганини бир оғиз Мухторга айтиб қўймагани. Жин урсин. Эҳтимол у бирон чорасини топарди.

Ҳовлида Мухторнинг кичик ўғли пишиллаганча ўтмас болта билан қуриган шох-шаббаларни майдалаш билан овора эди.

— Ҳорма, улим! — деди Эргаш яқинлашиб. — Ўтин қилаяпсанми?

— Аҳа, — Борот келиб кўришди.

— Балли улим, отанг уйдами?

— Уйда, юринг, отам ётибди.

— Қарибди-да, — деди Эргаш даҳлизга кириб бораркан. — Уйғотсак уришмайдами?

— Уйғоқ, касал-да.

— Касал?! (Фалокат ёлғиз келмайди-да).

Эргаш эшиги очиқ уйга кириб ҳақиқатан кўрпа-ёстиқ қилиб ётган Мухторни кўрди. Бошини оқ белбоғ билан танғиб олибди. Хотини печканинг у ёқ-бу ёғини қоқиштириб ўт ёқишга чоғланаяпти. Уй ичи чанг.

— Ассалому алайкум.

— Ваалай... келинг, — дея Мухтор ўрнидан кўзгалди.

— И-и, ётаверинг, кўзгалманг майли, манг қўлни. Ҳа, не бўлди ўзи? — Эргаш кўришиб кўрпачага чўккалади.

— Их, билмайман, — деди Мухтор жойидан азоб билан туриб ўтириб. — Ёмон олди. Бош-кўзим, оёғимам оғриб қолди. Кўнглим ағдарилди. Зардоб қусаман.

— Ў-ў, шамоллагансиз-да, кечаги ёмғирди совуғи об-ҳавони бирдан айнитиб...

— Билмай қолдим ишқилиб. Аввалги тунда ғалати-ғалати тушлар кўрдим. Эртаси турай десам гир-гир бошим айланади. Ҳозирам...

— Э, ётаверинг, ётинг!

— Кўяверинг. Ҳеч мундай оғримасдим. Кунам совуқ-

дай. Хотинга ўт ёқ, дедим.

— Ёқсин-ёқсин. Оқ ош ичинг. Иссиқ-иссиқ чой ичинг. Адрасмон тутатишсин. Мабодо дўхтир чақирсагам, до-рияма берар.

— Қалай, их, ўзингиз яхши қидириб келдингизми?

— Ҳа, яхши, ие, эшитувдингизми?

Тўлкиной дастурхон ёзиб чой келтирди.

Мухтор тўшакка ўнглиниб чалқанча ётишга тарад-дудланди. Сўнг баланд терилган ёстиққа бошини кўйиб кўзларини юмди. Чуқур тин олди. Ихраши ҳам пасайган-дек эди.

— Сизни кўриб, гап бериб, гап олиб пича енгиллаш-дим, — деди у.

— Шундай денг, хайрият, — Эргаш чойни қайтарди.

— Икки оқшом ҳовлингизда чироқ ёнмади, шундан билдим қидирганингизни, — деди Мухтор. — Хў бирда ўзингиз ҳам айтувдингиз.

— Узр энди жўра, сизгаям юринг демай... Чойдан ичинг.

— Э, кўйинг бу гапни, худо кўнглингизга солган-дир, ўша ёқда оғриб қолсам не бўларди.

— Ҳай энди... Бордик. Ука кўп салом айтди. Давлат-нинг уйида турар экан. Рўпарасида магазин, унинг орқ-асида бир катта ҳовуз, мошин кўп, гиж-гиж одам...

Эргаш борган-кўрган жойларининг обдон таърифи-ни келтиргач туришга чоғланди. Лекин Мухтор қатъий:

— Ўтиринг қани пича, — деди. — Менинг аҳволим-ни кўриб гапингизни айтмай кетмоқчисиз чоғи. Сезиб ўтирибман.

— Йўғ-э, шундай кўргани келувдим.

— Кўйинг, тобим, қочганини билмасдингиз. Айтаве-ринг гапингизни, — у ҳамон чалқанча ётар, кўзларини-ям очмасди.

Печкада чирсиллаб ўт ёна бошлади. Хонани сийрак тутун босди. Таппининг ҳиди чиқди. Эргаш ликопчадан бир шингил қора узум олиб ўйлиниб қолди. Битта-битта ея бошлади... Сўнг:

— Сел кетгани ёмон бўлибди, — деди. — Полвон-нинг ёғочларини Қамбарнинг қулфагига опкеб айқаш-уйқаш қип тиқиб ташлабди. Боя келаётсам полвон сойди ёқасида ўйлани-иб ўтирибди.

— Эргаш! — деди Мухтор савол оҳангида. — Хў-у бирда ҳисоблаб кўрганимизда иморатингизга ёғоч етиш-масмиди? Тўрттамиди?

— Ҳайя.

— Пул бўлса пулга, бўлмаса насиягами, полвонди ёғочларидан олсак. Икки-уч киши бўлиб сойдан опчи-қиб қўйиларди, яқин. Полвонгаям қулай, уйига ташиб юрмайди. Кўнади.

— Маъкул, — деди Эргаш шартта, — эса тезроқ бе-риб полвонга айти, ташиб кетиб қолмасин.

— Шуйтинг.

Эргаш дастурхонга омин қилиб, жўрасига сиҳат ти-лаб чиқиб кетди.

Мухтор ичида гуриллаб ўт ёнаётган печкага узоқ ти-килиб қолди. Иссиқдан тани яйради. Уйга Тўлкиной кир-ган эди, унга:

— Айтолмади, — деди.

— Ҳийя, сизди бу ётишингизни кўриб...

— Бемалолхўжа-да. Бўлмаса неччи марта айтдим. Гишт етмайди, дейди. Турғизаверайлик, ҳисоби чиқар у ёғига, дедим. Йўқ, ёзди ўтказдида-а, хуллас. Билсам-билмасам кечаги ёмғирда гиштлири расво бўлган, бариси ёйилиб ётувди. Ана энди оёғи куйган товуққа ўхшаб... Эндигиси не бўларди.

— Ростданам иморатни турғизайлик деб келган дей-

сизми? — деб сўради Тўлқиной.

— Шунга келган. Бир ҳисобга ҳалиям кечмаску-я, лекин дард... Бир-икки кунда туриб кетармиканман, ё? Фишлари тамом ивимаган бўлса-ку...

Мухтор кечаси кўп алаҳсиради. Жўрасининг иморатиниям тилга олди. Иситмаси кўтарилди. Тонгга яқин батамом уйқуси қочди. Инқиллади, ҳатто оҳ-воҳ қилди. Тўлқиной анча кўрқди. Унга биргина нарса тасалли берарди, холос. Уям бўлса ўзи ичи тор, оз-моз ваҳимачи, меҳнатқаш, кўнгилчан эрининг дардга юқалиги.

Тонг отғач, иситмаси тушиб тинчланди. Кун илиқ бўлса-да эғнига пўстинини илиб ташқарига чикди. Тол шоҳида мусича кукуларди. Эл уйғонган, ҳали куёш юз кўрсатгани йўқ. Мухтор қишлоқнинг нариги бетига юзланди. Боши айланганидан жўрасининг олисдаги уйи ҳар томонга липиллаб қочиб ҳадеганда унинг нигоҳига тутқич беравермади. Бир маҳал тутқич берди. Жўраси ҳовлида ғимирлаб юргандек туюлди, сўнг ҳовли дарров яна қочди.

Қайтиб кириб жойига чўзилгач, ўглини чақиртирди. “Эргаш бовонгникига бор, — деди. — Қара, нима қилаяпти, лой қилаётган бўлса қараш. Мен боролмайман. Аҳволини кўриб кел қани, менга айтасан”.

Борот ликонглаб кетиб, кўп ўтмай қайтиб келди.

— Ҳа?! — деди Мухтор.

— Лой қипти. Фишт термоқчи.

— Сен нега келдинг?

— Кетавер деди.

— Нега?

— Отанг бекор юборибди, майиб бўласан, деди.

— Кимлар бор ўзи?

— Эргаш бово, Акбар, Сидиқ...

— Акбар, Сидиқ майиб бўлмайдикиман?

— Билмасам, Бешболадан жиянлар келди, ўшалар қарашшади, сен кетавер, деди.

— Фишлари бутунми, кўрдингми?

— Бутун.

Мухтор индамай ёстиқ тўғрилади. Девор томонга ўгирилиб ётиб эснади.

Бу дард деганининг дуч келган одамга — сен оила бошлиғисанми, сен чақалоқсанми, сен сўққабошсанми, етимсанми, есирсанми-суриштириб ўтирмасдан канадай ёпишиб олгани ёмон-да. Ҳамма нарсани унутиб кўпроқ танангнинг ғамини еб қоласан. Жонинг кўзининг олдида туради. Калланга нукул файласуфона ўйлар, фикрлар келаверади. Кундалик майда ташвишларни, икир-чикирларни илгари, тананг соғлиғида қандай қилиб кўнглингга сигдириб юрганга ҳайрон бўласан. Бироқ барибир атрофингга юрган соғлом одамларга қараб ҳавасинг ортади. Тезроқ тузалгинг келиб қолади. Мухтор ҳам тўрт кун ўтса-да ўнганмаётганидан ташвиш чекиб охири дўхтир чақиртиришга рози бўлди. Дўхтир келиб уни укол қилди... Еб ёгинг деб ёстигининг ёнига ялтироқ қоғозларга ёпиштирилган ранг-баранг дорилардан бир дастасини ташлаб чиқиб кетди. Тушга яқин Мухтор анча дорини қоғозларидан сиқиб олди-да бир ҳовуч қилиб еб юборди. Хотини: “Нима қилаяпсиз, битта-иккитадан емайсизми, овқатмиди”, — деган эди, Мухтор: “Жим-э, битта-иккитаси не бўларди бунинг”, — деди. Қолган бир ҳовучини кечқурун еб тугатди.

Эрталаб анча енгил тортиб ўрнидан турди. Ташқарида юриб жўрасининг ҳовлисига бирров кўз югуртирган эди, ҳайрон қолди. Иморат девори одам бўйи кўтарилиб қолибди. Турди-турди, сўнг Тўлқинойни чақирди.

— Қара! — деди Эргашнинг ҳовлиси томон имо қилиб. — Фишлари соғ қолган экан-ов, бир бало қилиб тикляпти.

— Жиянлари бор экан ишқилиб, кун очилиб турса битиб қолар, — деди Тўлқиной.

— Битиб қолармиш?! Ўҳ жонидан, осон экан-да. Деворни қийшиқ уриб қўймасайди ҳали булар. Жоним бўлганида ўтардим. Хў-ўш, хотин! Битта ош қилиб ўзинг ўтиб келаёй! Кўриб кел қони...

Тушга яқин Тўлқиной Эргашнинг уйига ош қилиб ўтди. Кечқурун қайтди. “Ҳеч хавотир олмай тузалаверар экансиз, жўрангиз айтди, — деди у. — Девор тўғри чиқаётганмиш. Жиянлари ҳам тетик, қорувли йигитлар экан, бир ёғи фишт ҳам куяётишганмиш. Керак бўлганда ўзим ўтаман, — деди”.

Орадан икки кун ўтгач Мухтор ҳовлидан туриб жўрасининг иморати батамом тикланганини кўрди. Дили ёришиб хушчақчақ бўлиб қолди. Кечқурун уйдагиларга гап бериб ўтирди. Дарди ҳам аригандек эди. Эргаш тўғрисида Тўлқинойга:

— Бўлар экан-ку, — деди. — Кўрдинг, зўр келса... Ҳафтада битирди-қўйди. Кўз кўрқоқ, қўл ботир дейишади. Қилса ўзига-да. Хузурини кўрар. Туриб кетсам бигир ўтиб...

Бироқ яна уч-тўрт кун уйдан чиқмай тўшақда ётишга тўғри келди. Дард ўз оти билан дард-да. Бу вақт ичида у жўрасининг олисдаги иморати сувоқдан чиқарилганини, эшик-деразалар ўрнатилганини, ҳатто деворнинг томи ҳам оқланганини кўрди. Танига дармон олиб тўшақдан турган куниеқ хотинига:

— Дастурхон қил, Эргашникига ўтамиз, — деди. — Тоза уят бўлди. Кўчиб кириб ҳам оғандир аввалоси...

Мухторнинг хотини билан дастурхон қилиб “уй қулук бўлсин”га Эргашникига ўтганини кўрганлар ҳам анчагина. Ўшалар ва умуман қишлоқ аҳли ҳозир буни антиқа бир табассум билан эслайдилар.

Шу жойда ҳикоя ҳам тугайди.

Айтганча, бу жўнгина воқеа не учун одамлар ёдида қолиб кетгани бировларни ажаблантириши мумкин, албатта. Гап шундаки Мухтор бориб кўрса унинг наздида жўраси бир-икки кунда кўчиб кириши керак бўлган иморат биргина олдинги девордан иборат эмиш. Қолган деворлар эса Эргашнинг фикрича, дунё тинч турса қишгача аста-секин... Қолаверса, Бешболадан келган қорувли, ишбилармон жиянлар ҳам аслида келмаган бўлиб чикди.

Қишлоқда айримлар Эргашнинг бу қилиғини кўриб: “Ўзи афандироқ одам-да, ҳў-ў бирда ҳали пишмаган йўнғичкасини ўраётганининг маънисини сўраганимизда, одамлар бир кунда ўрган пичанни мен икки кунда ўранган деганди”, дейишди. Айримлар эса буни айрича доноликка йўйишди. “Бемор ётган жўрасининг тинчини кўзлаган”, деган хулоса чиқаришди. Яна бошқа тоифадагилар эса: “Бу ғирт беманилик” деб айтишди.

Энди, янаям ким билади...

Исоқ Исмоилов 1960 йил Ғаллаорол туманидаги Ўғат қишлоғида туғилган. Ҳарбий хизматдан сўнг Тошкент Гидрометеорология техникумида ўқиди. Ҳозир Қўйтош-Ўғат конида ишчи бўлиб ишламоқда. Ҳикоялари “Ёшлик” журналининг бир неча сонларида чоп этилган.



ДЕМОКРАТИЯ ВА ТЕРРОРИЗМ

2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари бутун тинчликсевар инсониятни қаттиқ ларзага солиб, афкор-омманинг қаҳр-ғазабини кўзгади. Нагжада аксарият давлатлар терроризмга қарши биргаликда курашга отланди. Шу боис терроризмга алоқадор сабабларни илмий тадқиқ этиш эҳтиёжи табиий равишда тугилаётир.

Маълумки, ҳозирги жаҳон сиёсатининг характерловчи хусусиятларидан бири, бу демократик жараёнларнинг кучайиши билан террорчилик ҳаракатларининг оммавийлашиб бораётганлигидир. Акс ҳолда жаҳоннинг энг ривожланган, демократиянинг тимсолига айланган АҚШда бундай ҳаракат содир этилмаган бўлар эди. Бундан демократия ва терроризм бир-бирини тақозо этувчи ижтимоий ҳодисалар эканда, деган нотўғри тасаввур келиб чиқмаслиги лозим. Аммо бу демократия ва терроризм ўртасида ҳеч қандай алоқа, муносабат йўқ дегани ҳам эмас. Хўш, бундай бир-бирини моҳиятан инкор этувчи ҳодисаларнинг ёнма-ён мавжуд бўлишининг асосий сабаблари нимада?

Бизнинг фикримизча, улар қуйидагича:

Биринчидан, террорчилик ҳаракатлари олиб бораётган кучларнинг бирлашиши. Ҳозирги пайтда дунёда 500 дан ортиқ террорчилик ташкилотлари мавжуд. Улар 60 та давлат ҳудудида 84 та давлат ва уларнинг фуқаролигига қарши террорчилик ҳаракатларини олиб боришмоқда. Аммо халқаро ҳамжамият террорчилик ташкилотларининг жаҳон хавфсизлигига, демократия, инсон ҳуқуқларига таҳдид эканлигини эътироф этган ҳолда унга нисбатан муносиб қаршилиқ кўрсата олмадилар. Ислон Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ислоҳ қилиш, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг 1999 йил саммитида БМТ шафёлигида халқаро терроризмга қарши кураш марказини тузиш тўғрисидаги қақриқларига етарли даражада эътибор қаратилмади. Агар ўз пайтида терроризмга қарши кураш халқаро ҳарбий марази ташкил этилиб, халқаро ҳамжамият бирлашиб терроризмга қарши ҳарбий, сиёсий, дипломатик, молиявий, иқтисодий ва ҳар қандай халқаро ҳуқуқ доирасидаги чора-тадбирларни ишга солганида балки 11 сентябрдаги АҚШ фожиаси содир этилмаган бўлар эди.

Иккинчидан, айрим дунё мамлакатларидаги сиёсий беқарорлик сақланиб қолганлиги, террорчилик ҳаракатлари ортда турган маълум бир сиёсий манфаатларни кўзлаган шахсларнинг жиноий жавобгарликдан холи қолганлигидир. Яқин Шарқда — Фаластин-Исроил зиддия-

ти, Афғонистон, Чеченистон каби мамлакатларда сиёсий беқарорлик ҳукм сураётгани ҳамда “жаҳоннинг биринчи рақамли террорчиси” номи билан машҳур шахс Усома бин Ладен ва унинг “Ал-Қоида” ташкилоти аъзоларининг озодликда бемалол гаразли мақсадларни амалга ошираётгани фикримизнинг яққол далилидир.

Ҳозирги кунда ушбу ҳодиса ўзининг ечимини кутаётган жаҳоннинг долзарб муаммолардан биридир.

Учинчидан, террорчилик ҳаракатлари қўллаб-қувватлаётган молиявий манбалар ҳамда улардан манфаатдор бўлган сиёсий кучларнинг мавжудлигидир.

Ушбу ҳодисанинг географияси Фарбдан — Шарққа, Шимолдан-Жанубгача, Шимолий Европадан — Жанубий Африкагача, Америка қитъасидан — Тинч океан-Осиё минтақасигача тарқалган.

АҚШ Президенти Ж.Буш террорчилдик гуруҳларига тегишли АҚШдаги 30 та, Европадаги 20 та ҳисоб рақами ёпилганлиги ва бу жараён давом этишини таъкидлаши бежиз эмасдир.

Тўртинчидан, жаҳондаги “мафкуравий кураш”, “манфаатлар тўқнашуви”нинг янги шаклларда, бошқача, ноанъанавий усуллар билан олиб борилаётганлиги ва маълум давлатлар манфаатларининг умумбашарий манфаатлардан устун қўйилаётганлигидир.

Ушбу ҳодисанинг амалий ифодасини “жамиятни мафкурасизлаштириш” ҳақидаги тарғибот ва ташвиқотдан, сиёсатни динийлаштириш, Ислон Республикаси бошқарув шаклини идеаллаштириш, ядро курули — хавфсизликнинг кафолатидир каби қарашларда кўриш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан қуйидагича хулосаларни келтириб чиқариш мумкин:

— Терроризм демократия кушандасидир. Терроризмга қарши кураш демократия учун кураш демакдир. Ўзбекистон Президенти И.Каримов тўғри таъкидлаганидек “Терроризм — аср вабосидир. Унга қарши барча кишилар курашиши лозим”. Шундай экан, терроризм, у қаерда илдиш отиши ёки содир этилишидан қатъий назар, жаҳон тинчликсевар халқларининг қаршилигига дуч келиши лозим.

— Терроризм халқаро муаммо сифатида чуқур илмий-тадқиқот предметиға айланиши ва ўзининг илмий ечимига эга бўлиши керак.

— Терроризмни вужудга келтириши мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий, мафкуравий сабаблар баргараф этилиши ҳамда гоёсизлантирилиши даркор.

Шавкатбек МАМАДАЛИЕВ,
фалсафа фанлари номзоди

ХУШОИРА ЭТҚУВ ДАВОМ...



ЧОРАОВ

Кўнғир сочларима қўнмасдан қиров,
Хаёлимдан сизни қўвмасдан биров,
Сизга бир илтижо, сиздан бир сўров,
Осмонимда ойдек тўлгани келинг.

Сиз кўнглим эркаси, ҳам тотли озор,
Борлиғимсиз менинг, дилимдаги зор,
Кузакларга кўнғил бермай бу баҳор
Фақат менинг, менинг бўлгали келинг...

Феруза ЗОКИРОВА

БИР КУЛГИН

Бир кулгин,
лаблари гунча, кул.
Дил парвоз айласин фалакка,
Қаршимда сен турсанг мисли гул,
Қайрилмам ўзга бир малакка.

Бир кулгин,
юзлари гулгуним,
Кулгиндан бошларим айлансин,
Сахродай қақроқдир бу дилим,
Кул, унга бир гулзор жойлансин.

Бир кулгин,
кўзлари нарғизим,
Сочингни киприк-ла тарайин.
Порласин менинг ҳам юлдузим,
Мен унга суқланиб қарайин.

Бир кулгин,
лек, ҳануз кулмайсан,
Ўзимнинг бағримни тиглайман.
Сен мени билмайсан, билмайсан,
Мен сени кул дея, йиғлайман.

Бир кулгин!..

*Абдухалил САТТОРОВ,
Жиззах тумани*

ЗУЛФИЯХОНИМГА

Ҳар тонг сабо сизни сўраб келади,
Мадҳингиз гулларга ўраб келади.
Гулларнинг ифорин туюб шеърларга,
Энг тоза саломлар йўллаб келади.

Мудом шеърларингиз ишқдан сўзлайди,
Вафони куйлайди, ҳижрон бўзлайди.
Қалбингиз куйдирган оташ муҳаббат,
Ҳамон суюқлисин, ёрин излайди.

Вақт учур отида, учади елдек,
Йўлида ҳеч кимга қилмайди вафо.
Аммо сиздан бизга, фақат шеър эмас,
Абад, мерос қолди, садоқат-вафот.

*Санобар ҚОСИМОВА,
Дўстлик тумани*

ЮРТИМ

Туғилдим, вояга етдим бағрингда
Анҳор сувларидай кўпириб, тошиб.

Ҳаётга қадамим қўйдим илк бора
Гоҳида қоқилиб, гоҳи адашиб.

Пурвиқор тоғларинг кўзим яшнатди
Айниқса, сочимни ўпганда баҳор.
Бахмалдек боғларинг кўнглим яйратди
Энг бахтли фарзанддай туйдим ифтихор.

*Азиза ИСРОИЛОВА,
Янгибод*

ҲАМИД ОЛИМЖОН ХОТИРАСИГА

Мен чақмоққа айлансам бир зум,
Томчи бўлиб Ерга кирсам ҳам.
Ниҳол бўлиб қайтадан унғум,
Бўй чўзарман келажак томон.

Туйғуларим шўх бутоқлардай,
Лаҳза сайин тўлишиб борар.
Макр, алдоқ, қўрқинч — захарни,
Тан олмасдан шиддат-ла ўсар.

Шошиламан кўкка ва Ерга,
Дардин айтай томирларимнинг.
Ҳаёт берган мендек ниҳолга,
Онам дея ўпай гардларин.

*Абрам ЭШОНҚУЛОВ,
Зарбдор тумани.*

КЕТДИМ БУ ЕРДАН

Ҳижрон деган юкни ўртага ташлаб,
Сени деб куйган бу юракни гашлаб,
Сенга ёзган шеърим кўнглимга жойлаб,
Азиз дўст, мен кетдим, кетдим бу ердан.

Гарчи кўзларингда севги оташи,
Лекин юрагингда савол талоши,
Не қилай тугади сабру бардошим,
Азиз дўст, мен кетдим, кетдим бу ердан.

Биламан сен менга насиб этмассан,
Мен ҳам висолингга асло етмасман,
Энди бу жойларга қайтиб келмасман,
Азиз дўст, хайр энди, кетдим бу ердан.

Нетай йўлларингни кутмоқлик гуноҳ,
Кўзларингга тўйиб боқмоқлик гуноҳ,
Ишқимдан бўлмасдан бегона огоҳ,
Азиз дўст, мен кетдим, кетдим бу ердан.

Қизлар сенга қараб хушомад қилар,
Юрагимни азоб ханжари тилар,
Юзимни армоннинг ёшлари ювар,
Азиз дўст, мен кетдим буткул бу ердан.

Армонлар бағрига ўт қўйиб кетдим,
Ёлгон экан дунё, мен тўйиб кетдим,
Исминг дил кўзига мен ўйиб кетдим,
Азиз дўст, хайр энди, кетдим бу ердан.

Узоқдан борлигинг билиб турсам бас,
Менга бу ҳижронлар асло писандмас,



Маҳшаргача исмингни дилим тарк этмас
Хайр энди, азиз дўст, кетдим бу ердан.

Гулчехра УСМОНОВА

СИЗ КЕЛАРМИШСИЗ...

Бугун ташвишдаман, қалбимда титроқ,
Олислардан йўқлаб қолар эмишсиз.
Дилингиз қийноққа солдими фироқ,
Ногоҳ бизни йўқлаб йўлга тушибсиз.

Йўлингизга аввал чиқар шамоллар,
Соғинчларим сўйлаб қаршилар Сизни.
Йўллардаги қушлар қўшиғим куйлар,
Севинчга тўлдириб зор қалбингизни.

Гуллар ҳам бош эгиб турар таъзимда,
Сизга тутар улар гулчисин меҳрин.
Сўнг ўзим чиқарман улар изидан
Ҳаяжон, соғинчлар дилда яширин.

Сиз келар эмишсиз, бахтиёрлигим,
Олқишларим айтай бугун тақдирга.
Сиз келар эмишсиз, демак шодлигим,
Қувончларим келар Сиз билан бирга.

Бугун ташвишдаман, қалбимда титроқ...

Шарофат АЛИҚУЛОВА, Зарбдор тумани



ШАРОФ РАШИДОВ ХОТИРАСИГА

Қароғим сойида мунг қотиб қолса,
Юрагим азобдан хун бўлиб толса,
Айтмоқ бўлган сўзим номардлар олса,
Шароф ота, сиздан мадад сўрадим.
Дардимни билмади хешу-акрабо,
Найимдан таралар бир ҳазин наво,
Сиз ёмон, ким яхши бўлди, ажабо?
Ота, руҳингиздан мадад сўрадим.

Дунё шундай экан, олчоқлари кўп,
Индамас, лек ҳақдан огоҳлари кўп,
Тухмат тошин отар қочоқлари кўп,
Фақат ўзингиздан мадад сўрадим.

Ҳақиқат бор, абад сўнмагай қуёш,
Халқим деганларга етмай синар тош.
Чаманларда бўлса Наргизлар талаш,
Доно сўзингиздан мадад сўрадим.

Номингиз тикланди, ёришди олам,
Энди дилимизга кўнмайди алам.
Руҳингиз ёр бўлсин Латофатга ҳам,
Шароф ота, Сиздан мадад сўрадим.

Латофат НЕЪМАТ

Ой балдоғин яширган тун ой бўлмадим осмонингга,
Мен кўнмадим сароблардан яралган минг гумонингга.
Қўлинг етмай қолар бўлди биттагина ёмонингга,
Сўнгра, жоним, борар ерим миттигина осмон бўлди,
Сенинг дарду ғамларингдан яраланган шу жон бўлди.

Юрагимнинг дарчасида ҳилпирайди ишқ рўмоли,
Биламан, мен, муҳаббатнинг келмагайдир ҳеч малоли.
Эсар бўлса тушларида хиёнатнинг оқ шамоли,
Мен ҳам унда биргалашиб олисларга кетар бўлдим,
Ишқнинг қийғос гулларидан ул ерларга экар бўлдим.

Кўй, куйинма, ғамгин тилак, ўпармиз рашк гулларини,
Улар очди иккимизга озодликнинг йўлларини.
Сўнг сўраймиз биргалашиб садоқатнинг қўлларини,
Сен йиғлама, бошинг узра юраккинам осмон бўлди,
Ёрнинг ҳажру фироқидан яраланган шу жон бўлди.

Бир кун аста эшик очиб кирар бўлсак даргоҳига,
Тўкилишиб йиғлагаймиз маҳзун чечак нигоҳига.
Айланармиз иккаламиз икки тақдир гуноҳига,
Мен ҳам унда ёр демайин, олисларга кетар бўлдим,
Ишқнинг қийғос гулларидан ул ерларга экар бўлдим.

Кетар бўлдим Ойбарчинлар орзулаган бир ерларга,
Ёр билмаса бошим уриб йиғлай яна қаерларга?
Сўнг айланиб қолай мен ҳам садоқатдай зўр шеърларга,
Шундагина борар ерим ой балдоқли осмон бўлди,
Ёрнинг дарду фироқидан яраланган шу жон бўлди.

Зебунисо ЛАПАСОВА

ШАҲАР

Шовқинга ўрганиб қоларкан
Одам яшайберса шаҳарда.
Кўнмасдан илож йўқ, кўнаркан
Уммонга шўнғиркан саҳарда.

Шаҳарда егулик нарса мўл,
Чўнтақкинанг чидаб берса бас.
Чор тарафга сени элтар йўл,
Шаҳар денгиз, сен эса бир хас.

Биров хушлаб келинг демайди,
Сўрашмайди қишлоқдагидай.
Улар пулдан қайиқ ясайди,
Яшаш учун эртақдагидай.

Унга ҳам ўрганиб қоларкан,
Одам яшайберса шаҳарда.
Бир озгина мизғиб олгандай
Уммонга шўнғиркан саҳардан.



Нажмиддин БАРАТОВ

Сен барғимдан алвон-алвон ранг олдингми,
Меникими бағрингдаги қора доғинг.
Менда эмас, қирда ёлғиз сен қолдингми,
Қон дилимнинг бир парчаси, қизғалдоғим.

Ўхшатмадим, ўхшамадинг бошқа гулга,
Зор эмасман мадҳи ёлғон булбулларга.
Жон тутасан сени узмоқ бўлган қўлга,
Қон дилимнинг бир парчаси, қизғалдоғим.

Қалбимдаги оҳим дейму, дейму моҳим,
Сен сирдошим, сенга бошлаб борар роҳим.
Юзларингни қизартирди қай гуноҳим,
Қон дилимнинг бир парчаси, қизғалдоғим.

Эркаласам бошинг босиб қон дилимга,
Дарду ғамим сингиб кетар ер қаърига.
Мен дунёдан ўтсам, йўқлаб бор қабримга,
Қон дилимнинг бир парчаси, қизғалдоғим.

Нилуфар ҲАҚНАЗАРОВА Зомин тумани

ВАТАН

Сўрса мендан “Ватан не?”
Тўкилган киндик қоним



Жондан азиз ардоқлаган
Суйган суюк ошеним.

Ватан менинг юрагимда
Оққан ҳаёт қўшиғи,
Олам аро менинг учун
Улуғлардан улуғи.

Ватан Каъбам, шаъним эрур
Қалбим кўри ҳар нафас,
Боболарим эъзозлаган
Имон қадар муқаддас.



Умида ҚАҲҲОРОВА

БАҲОР

Баҳор келса ҳамма ёқ,
Бўлар кўркем, чиройли.
Қушлар сайрар вақти чоқ,
Атрофда атир бўйи.

Гул-чечаклар уйғониб,
Уйғонар ҳаёт бошдан.
Турна учар биз томон,
Узоқ манзиллар оша.

Чеҳраларимиз гулгун,
Табассумла боқамиз.
Богда ўйнашиб ўйин,
Толбаргақлар тақамиз.

Тўлиб оққан соя каби,
Кўнглим тўлиб кетади.
Юртга келган тўй каби,
Бизни хушнуд этади.



*Маҳфуза БОЗОРОВА,
ўқувчи.*

ОНА

Дунёда бор қўшиқларни тингладим, онам,
Улар сира адо бўлмас, яралур яна.
Ҳаммасида меҳр ўша, ўшадур маъно,
Бир қўшиққа қарздор бўлиб юрибман, она.

Тонглар билан бирга юрдим, кундуз тун билан,
Кувонч гоҳу ташвиш билан, ғамгин дил билан.
Дуч келганга ҳайрат бердим она тил билан,
Лек қўшиққа қарздор дарвиш фарзандман, она.

Шу қўшиқни топган куним дунё меники,
Ҳаёт берган иқболу зиё меники.
Бор меҳримдан яралган қўшиқ сизники,
Ирода шу қўшиқни деб яшайди, она.

Ирода КОМИЛОВА

ОНАМГА

Дунёнинг ўзи-ку, яралган бир кам,
Бунчалар ғам чекиб, торتماгин алам.
Айт яна недандир кўзингдаги нам,
Сен менинг ҳурдан-да покиза онам.

Сен умид қилгандек бир қиз бўлайин,
Нодири даврондай бир из бўлайин.
Осмонингда сўлмас юлдуз бўлайин,
Кечангни ёритган кундуз бўлайин.

Онажон, азизам, моҳтобим онам,
Сиз ойсиз тунимда офтобим онам.
Йиғлама, онажон, бағрим тиглама
Кўз ёшинг беғубор, гул юзда шабнам.

*Шоҳида МЎМИНОВА,
талаба*

ОНАЖОН

Бу дунёда ким эдим, онажон, сизсиз,
Кўзларим ҳам нурсиз эди, онажон, сизсиз.
Дунёнинг энг ёруғ кундузлари ҳам
Қоронғу бу дунё, онажон, сизсиз.

Мен учун борлиғу жаҳонимдирсиз,
Оғриган жонимга малҳамимдирсиз,
Қалбимда порлаган юлдузларимиз,
Меҳрингиз, онажон, уммондай чексиз.

*Садоқат УРДУШЕВА,
Жиззах туманидаги 12-мактаб ўқувчиси*

Дўстим, сиз шабнамдай покиза,
Менинг юрагим-чи, зардобга тўлиқ.
Гарчи ёнингизга боролмасам-да,
Сиз барибир мен учун улуг.

Чидолмасдан қолдим ҳижронга,
Тош бўлган юракни тигладим,
Сиз учун азоблар чекмадим, аммо
Тонггача ўртаниб йиғладим.

Гуноҳдан қоп-қора юзимга
Кўз ёшдан ҳижоблар ўрадим.
Дўстим, мен сиз учун тонггача
Энг буюк муҳаббат сўрадим...

*Насиба МАМАТОВА,
Жиззах туманидаги Х. Хўжақулов номли
мактаб ўқитувчиси*

ҚАЙТГИН...

Қайтгин, жоним, ортингга бир зум,
Ортда қолган ёрингга бир боқ.
Йўллариңгга нигорон кўзим,
Висолингга юрагим муштоқ.

Қайтгин, жоним, қайтмасанг агар
Умрим бўлар шубҳасиз хазон.
Сўқир бўлар нигорон кўзлар,
Ва умримни мавҳ этар армон.

Қайтгин, жоним, тезроқ қайтақол,
Ташлаб кетсанг тугар бардошим.
Унда менга яшамоқ малол,
Қуримайди кўзимда ёшим.

Майли мени севма, азизам,
Мени ҳатто ўйламоқ шартмас.
Илтижойим ўзингга, эркем,
Мени ёлғиз қолдирмасанг бас...



*Уйғун МАМАТҚУЛОВ,
Жиззах туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси*

Хўжабек ТУРСУНОВ

БЕЗОВТА РУҲ

Ҳикоялар

ФОЖИА

Ёмғир шиддат билан ёға бошлади. Сочлари оппоқ она момоқалдиروقдан кўрқиб, кўзлари қинидан чиқгудек бўлиб, ўзини ҳар тарафга ураётган бузоқнинг арқонини бўшатди-да, оғил тарафга қараб етаклади. Қора булут қоплаган самода яна момоқалдиروق гумбурлади. Бузоқ шаталоқ отиб, онани судраб кетди. Она лойга тайғаниб йиқилди. Бир четга учиб тушган калишини топиб кийди-да, ариққа бориб қўлларини ювди.

— Савил қолгур, кичкина бўлса ҳам одамга куч бермайди-я, — деб жавради у ўзига-ўзи.

— Арқонни кўйиб юбормайсизми? Сиз бўлсангиз... югуриб кетаётса ҳам арқонни кўймайсиз, — деразани очиб бақирди ўгли (У шаҳарда институтда ўқир, яқинда қишлоққа таътилга келганди). — Боядан буён қараб туриб, кулгим қистайди. Бузоқ сизни моладай судраб бораяптию, сиз бўлсангиз арқонни кўймайсиз. Ахир, бузоқ сиздан кучли-да. У ҳайвон-да. Сизга жони ачирмиди?

— Ичкарига кир! Шамоллаб қоласан, — деди она.

Йигит деразани маҳкам ёпди-да, пўнгиллади:

— Гапни қаранг! Мен ичкарида турмай, ташқарида турибманми? Тавба! Қаҳратон қишда шамолламаган одам ёз ёмғирида шамоллар эмиш. Гапда мантиқ бўлиши керак. Бу қишлоқ одамлари қачон тўғри гапираркин-а?!

У бир оздан сўнг яна дераза ёнига келиб ҳовлига қаради. Ёмғир янада кучлироқ ёғарди. Она ҳамон ёмғирда ивиб, ивирсиб юрарди. Оғил ёнида турган тезаклар устига брезент ёпди, тандир устига қандайдир шолчани ёпиб, четларига гишт бостириб кўйди. Сўнг ёнғоқ дарахтининг остида юрган курк товукни ва унинг жўжаларини катакка қараб ҳайдай бошлади. Битта қайсар жўжа онасига эргашмас, нуқул четга қараб қочарди.

— Чўчкага ўхшаб “чий-чий”ламай ўл! Ҳа, ҳаром қотгур! — деб она бечора лойга тайғаниб-тайғаниб жўжани қувар, лекин жўжа ариқ ёқалаб қочар, тутқич бермасди.

Бир пайт она гупиллаб ариққа ағнаб тушди, устибоши сувга бўкди. Йигит буни кўриб кулиб юборди:

— Онам тушмагур-эй! Катакка кирмаса, қувиб нима қиларкин?! Арзимаган жўжани деб... Ўзини ўйламайди-я. Уф! Қишлоққа келдимми, яйраб юролмаيمان. Шунақа томошалар жонимга тегди. Эртагаёқ қайтиб кетаман-э!

Йигит увушган қўлларини силтаб-силтаб гимнастика қила бошлади. Баданига қон югургач ойна олдига келди-да, сочларини таради. Сўнгра кийиниб, собиқ синфдоши билан ҳангома қилгани жўнади.

МАЙСАЛАР ИСЁНИ

Ер юзини қоплаб ётган майсалар исён кўтарди. Исёнкор руҳ бутун дунёни қамраб олди. Яйловларда бошлан-

ган исён адирлар ва тоғларга ҳам ўтди.

— Кўйлар озиб кетаяпти! Бунга сабаб бизнинг қувватимиз камлигида, — дер эди майсалар ёзгиришиб. — Кўйларнинг семириши учун аввало биз ўсишимиз керак. Лекин, афсуски, ердаги озуқани нафси бузуқ бесўнақай улкан ўсимликлар ва минг йиллик серсоя дарахтлар шимиб олмоқда, қуёш нурларини тўсиб, ўсишимиз учун имкон бермаяпти. Уларни тағ-томири билан қуритиш керак. Шунда кўйлар ҳамиша тўқ юради, бизга ҳам ердан кўпроқ озуқа тегеди... Нега инсон бизга ёрдам бермаяпти? Нега у лоқайдлик қобигига ўралиб олди? Ахир, у биздан манфаатдор-ку?!

Инсон майсаларнинг фикрларини эшитиб ажабланди ва бу ерда жиддий ғоя борга ўхшайди, деб узундан узоқ хаёлларга ғарқ бўлди. Ниҳоят шундай фикрга келди:

— Майсаларнинг кўзғолон кўтаргани бежиз эмас, албатта. Лекин бу — стихияли кураш, етилмаган инқилоб. Улар тенгликни талаб қилишмоқда. Ҳолбуки, майсалар ҳисобидан яшаётган хомсемиз ўсимликларнинг авлодини ва дов-дарахтларнинг уруғини битта қолдирмай қириб юбориш лозим. Уларни майсалар билан тенглаштириш-тенгликнинг асосий мағзидир. Йирик дарахтлар ва йирик ўсимликлар яйловга соя ташлайди, холос. Ваҳоланки, кўйлар учун ер озуқасига ва қуёш нурига тўйинган соғлом майсалар керак. Кўйлар семиз бўлса, инсон ҳам семиради...

Инсон калласига оқиб келаётган фикрлардан ниҳоятда илҳомланиб кетди, беихтиёр “Инқилоб яқин, жуда яқин!” деб қуйлай бошлади.

Шундай қилиб у оламшумул вазифани бажаришни кўнглига тугиб, катта кураш учун тайёргарлик кўришга киришди. Майсаларга ёрдам бериш учун у минглаб китобларни ўқиб чиқди. Билим билан куруланиб олгач ишга киришди: фидокорона меҳнат қилиб, майсаларга соя ташлаётган барча ўсимликларни ва дов-дарахтларни бир бошдан юлиб ташлайверди. Ниҳоят инсон иродаси туфайли ер юзи тап-тақир чўлга айланди.

Инсон буюк ғояни амалга ошириб вафот этди. Ўлими олдида у ўғлини ёнига чақирди ва ушбу васиятни айтди:

— Ўғлим! Мен ўйлаб топган ғояни давом эттир. Майсалардан ўтиб кетмоқчи бўлиб бош кўтарган ҳар қандай ўсимликни, ҳар қандай дарахтни қирқиб, қайчилаб тур. Отангнинг васиятини унутма, болам!

Ўғли отасининг васиятига садоқат билан амал қилди.

Майсалар ҳам қараб туришмади: улуғ ғояни амалга оширган инсонни “худо” деб эълон қилишди ва унга сифига бошладилар.

ТАШВИШ

Хонамда ёлғиз ўтирибман. Эшикка дам-бадам қараб кўяман. Қулфланган эшикнинг тақиллашини кутаман. Мени ларзага келтирувчи овозни кутаман. Эшик эса тақилламайди.

Ташвиш билан мулоқотда бўлган кундан бошлаб руҳлар билан суҳбатлашмай кўйдим. Руҳлар билан осойишталикда гаплашиш керак. Ҳозир кўнглим ғаш. Хотиржамлик мени тарк этган. Руҳлар билан суҳбатлашмоқчи бўлман-у, лекин энди осойишталикка эришганимда ташвиш эшигимни тақиллатиб келиб қолса, даҳшатга тушаман, деб кўрқаман. Ташвиш юрагимни олиб кўйган. Энди руҳлар билан учрашишга барҳам берсам бўлади.

Эшик тақилламаяпти. Наҳотки, ташвиш энди келмаса. Мендан нафратланиб, ўзга бир кишига ҳамроҳ бўлди-микан? У келмаса саз бўларди: кўнглим хотиржам тортарди. Шунда руҳлар билан... Йўқ! Йўқ! Ташвиш яна келади. Уни кутиб ўтиришим лозим...

Узоқ кутдим. Эшик эса тақилламайди.

У барибир келади. Кўчада изғиб юрган ташвиш барибир хонамга бостириб-киради-да, мени кўчага қувиб чиқаради, деб ўйлайман. Кута-кута тоқатим тоқ бўлади. Эшик эса тақилламайди.

Хотиржам бўлишга ҳаққим йўқ; ташвиш келса руҳий хотиржамлигим бузилиб, баланд чўққидан чуқур жарга қулагандек бўлман. Натижада узоқ вақт давомида тутайман, ҳеч ким бошдан кечирмаган тушқунлик ичида изтироб чекаман. Бундай руҳий тушқунликдан ўлим афзал! Аммо кўнглимнинг бир четида учқун милтирайди, негадир осойишталикдан умидвор бўлман. Тезда бу учқунни ўчиришга, умидни йўқотишга киришаман ва қаерлардадир дайдаб юрган ташвишни кутиб олиш учун руҳан тайёргарлик кўра бошламан.

Барибир эшик тақиллаши керак! Гангиб қолмаслик учун эшикдан кўз узмаслигим, ташвиш келса қулиб қарши олишим, унинг барча илтимосларини сўзсиз бажаришим зарур.

Ташвишнинг кўзи суқ, қорни ҳамиша оч бўлади. Бутун оламни ямлаб ютса-да, кўзи тўймади. Мен ўз заифлигимни, ғариблигимни яширолмай ғазабланишим турган гап. Ташвиш келса, о, қанчалар қийналаман, заифлигимни ҳис қилганим учун бутун дунёдан нафратланаман. Ташвиш билан курашиш ва уни енгиш учун биронта кулолим бўлмаса нима қилай? Мағлуб жаҳонгирдек заифлигимни сезиб, қаҳру-ғазабга тўлсам нима қилай?..

Бироқ қандай бўлмасин ўзимни босишим керак. У келган заҳоти кўчага чиқиб, озиқ-овқат излашим лозим. Ташвиш бу пайт уйимнинг тўрига чиқиб, менинг ўрнимга чўзилади, оёқларини ҳузур қилиб узатади. У мийиғида қулиб, тўкилай деб турган хонамни синчковлик билан кузатаётган лаҳзада мен кўчадаги совуқ изғиринда дайдиб юришим, ташвишни меҳмон қилиш, унинг нафсини қондириш учун дўкондан дўконга ўтиб, озиқ-овқат излашим лозим. Устимдан кулмасин, элга шарманда қилмасин, деб тиш ковагида сақлаб юрган пулларимни сарфлашим керак. Уни хурсанд қилиб жўнатиш лозим.

Эшик эса тақилламайди. Мақсадининг ҳеч бир тайини йўқ ташвиш гўё менинг сабру тоқатимни синаб кўраётгандек, эшик ортида пойлаб тургандек туюлади.

Мана, ҳозир еб тўймас ташвиш эшигимни қоқади. Мен унга ўрнимни бўшатиб бериб, ўзим кўчага дайдигани чиқаман. Уйимда у кўп марта меҳмон бўлган. Бутун у, келаман, деб ваъда берган. Албатта, келади.

Эшик эса тақилламайди. Қачон келаркин-а? Бу кутишнинг охири борми ўзи?!

Бултур ташвиш мени кўп безовта қилди, уйимдан қалами ҳеч узилмади. Кунлардан бирида у меҳмон бўлиб келди. Менинг суқут сақлашим уни зериктирдими, кўчани айланиб келай, деб чиқиб кетди. Ташвиш жўнаган заҳоти эшикни суғуриб олдим-да, ўрнига гишт қалаб, суваб кўйдим. Ташвиш уч кун доримади. Аммо тўртинчи куни у яна келди. Мен суваб ташлаган гиштарни бузиб, уйга кирди.

— Хайрият! Тирик экансан! — деди у мени совуқ бағрига босиб. — Бу нима қилиқ?! Нега эшикни суваб кўйдинг?! Ўлиб қолсанг нима бўларди? Наҳотки, мени ўйламасанг-а? Ҳали мени деб кўп югуришинг керак-ку. Қани, кўчага чиқиб менга усти-бош келтир. Озиқ-овқатдан кўпроқ келтиришни ҳам унутма. Сен ҳадеб ўзингни ўйлайверма-да. Мени ҳам ўйла, ахир!

Мен унинг гапини маъқуллаб, кўчага чиқиб кетдим...

Ҳозир яна ташвиш келиши керак. Негадир кечикиб қолди. Кўчага чиқиб хабар олсаммикан? Эшик тақилламаяпти. Ташвишнинг мени даҳшатга солувчи овози эшитилмаяпти. Наҳот, мени унутган бўлса?..

.. Келмаса, садқаи сар! Қачонгача сабрсизлик билан кутаман? Менинг бошқа ишларим ҳам бор: нур ва руҳ билан кўшилиб кетишни машқ қилишим керак. Аммо бу ишни бажариш учун менга осойишталик керак-ку! Уни топмоқ керак... Ниҳоят уни топдим ва хотиржамлик билан ишга киришдим: етиб келган руҳ билан суҳбатлаша бошладим.

Эшик бирдан тақиллаб қолди. Руҳ ҳавога сингиб кетди. Эшик тинимсиз тақилларди. Йўқ, буни тақиллатиш, деб ҳам бўлмайди. Эшикни кимдир журъатсизлик билан чертар эди. Бу заиф товуш менга момақалдиросдек бўлиб туюлди. Юрагим қинидан чиқиб кетай, деди. Мен ларзага келдим. Азойи баданимдан совуқ тер чиқди. Қалтираб-қақшаб сандиқ ичига тушдим-беркиниб олдим. Аммо ўша овоз ҳеч тўхтамас, мени тинмай таъқиб қиларди. Бу товуш борган сайин кучайиб борар, гўё кимдир бошимга болга билан ураётгандек қочгани жой тополмасдим. Ниҳоят эшик қарсиллаб синди. Кимдир югуриб келиб сандиқнинг қопқоғини кўтарди. Тепамда ғазабланган ташвиш турарди. Мен шер панжасига тушган қуёндек қалтираб, сакраб турдим-да, эшикка ўзимни урдим.

— Ҳой, тўхта! Сенга айтадиган юмушларим бор! — деб ташвиш орқамдан бақирганча қолди.

Мен кўйлакчан ва яланг оёқ ҳолда, ўзимни бутунлай йўқотиб қўйган ҳолда изғиринли кўчада кетиб борар эдим.

— О, нега осойиш топиб, руҳ билан суҳбатлашдим-а! Ташвиш энди мени хоинликда айблайди. У руҳнинг ашаддий душмани-ку. Энди у мени баттар қийнайди, — дер эдим, ўзимга-ўзим, тизза бўйи қорни кечиб борарканман.

Гупиллаб лайлак қор ёғмоқда. Изғирин юзларимни чимчилайди, музлаб ётган йўл оёқларимга чип-чип ёпишади. Аламимдан совуқни ҳам писанд қилмай, ташвишдан қутулиш йўлларини ўйлардим.

Уни йўқотиб бўлармикан-а?!

САРОБ ҲОВУЗ

Тун чекиниб, одатдагидек тонг отибди. Борлиққа яна жон энибди. Қуёшнинг олтин нурлари ҳовузнинг беғубор юзидан ўпич олибди. Бола каби севиниб кетган сув тўлқинланиб, оҳиста чайқалибди. Чўчиб уйғонган балиқлар қирғоққа яқинлашиб, ям-яшил барра ўтларни,

қоқигулларни, чучмомоларни мазза қилиб томоша қилибдилар. Мажнунтол майин барглари билан ҳовуз юзидаги губорларни тозалашга киришибди. Олма дарахти оппоқ гулларини сочиб, ҳовуз юзига пардоз берибди. Ҳовуз эса табиатдаги барча жонли нарсалар ўзига чексиз меҳр билан боқаятганидан севинар экан. Унинг суви тиниқ, мазали, шифобахш бўлиб, атрофини шохлари кўкка чирмашиб кетган дарахтлар қоплаган экан.

Балиқлар шундай гўзал ҳовуз бағридаги турли-туман ўсимликлар орасида яшаётганидан чексиз фахрлар, ҳар бир сув ўтини, рангли тошчаларни, марвариддек ялтираётган қумларни, чиройли чиғаноқларни сева ва қадрлашар, уларни кўз қорчугидек авайлаб асрашаркан.

Нима бўлибдию, бир куни ниначи балиқларга табиатшунослик фани бўйича дарс бера бошлабди. Балиқлар тез орада ўз муаллимларини севиб қолишибди. Чунки ниначи жуда билимдон экан-да. Орадан бир қанча вақт ўтгач ниначи балиқларга бу ердан икки чақирим нарида бир ҳовуз борлигини, унинг гўзаллиги Боғи Эрам ҳовузоларидан қолишмаслигини зўр бериб тушунтира бошлабди.

— Ўша ерда шундай балиқлар борки, уларнинг қахрамонликларини, ватанпарварлигини кўрсангиз, оғзингиз ланг очилиб қолади, — деб завқ билан гапирар экан ниначи. — Ўша ҳовузни сиз жондан ортиқ севишингиз керак. Чунки у ердаги балиқлар жуда саховатли, буюк, ақлли, заковатли ва энгилмас балиқлардир. Сиз уларга нисбатан бир оз орқада қолгансиз. Агар уларга суянсангиз катта фойда кўрасиз. Сизнинг тарихингиз ҳам унчалик бой эмас. Демак, ўз тарихингиздан унча кўп нарса ололмайсиз...

— Ахир, бизнинг боболар ҳам жуда кўп ишлар қилишган, — эътироз билдирди митти балиқча.

— Сен тек тур! Мен, ахир, кўпни кўрганман. Қарийб, бутун дунёнинг ярмини кезиб чиққанман. Шунга кўра катта олим бўлиб етишдим, — деди ниначи гурур билан. — Сен ва сенга ўхшаганлар шу ҳовуздан бошқа нимани кўрибди? Демак, менинг гапимга қулоқ солишинг керак. Шундай эмасми, хурматли балиқлар?

— Тўғри айтасиз! Сиз дунёни кўп кезган, кўп нарсалардан хабардор олимсиз, — дебди балиқлар. — Бу зумрашанинг гапларига эътибор берманг. Унинг отаси раҳматлик ҳам бузгунчи эди. Нуқул шу ҳовузни ўйлар эдию, осмонда нима гаплар бўлаяпти — асло хабари бўлмади. Ўзингиз биласиз, бизга ташқаридан турли гапларни капалак етказиб турарди. Ўх! У шундай қизиқ гапларни айтар эдики...

— Капалаклар гирт каллаварам бўлишади, — дебди ниначи, сув устида қалқиб турган япроқ-минбарини қанотлари билан уриб қўйиб. — Сиз мен айтаётган ҳовузчага бормабсиз, дунёга келмабсиз. У ерда яшаётган ҳамма ниначилар зўр тарихчи ва олимлардир. Балиқларни айтмайсизми? Уларнинг бобо-қалонлари шундай ботир бўлишганки...

— Бизнинг тарихдан ҳам гапиринг! — деб қичқирибди митти балиқ. — Ахир, бизнинг ота-боболаримиз ҳам зўр жасоратлар кўрсатишган. Билсангиз, ўшалар ҳақида ҳам гапиринг! Тарихчи бўлсангиз бизда фахр туйғусини уйғотинг. Ўзгаларнинг тарихи бизда хурмат уйғотади, аммо фахр туйғусини уйғотолмайди.

— Нега фахр туйғусини уйғотмас экан? — деб аччиқланибди ниначи. — Сен эсингни еб қўйибсан! Ўзгаларнинг тарихини билмасанг қандай қилиб сенда фахр

туйғуси уйғонсин. Сизнинг бу кичкина ҳовузчангизда ҳам миллион йиллар бурун ҳар хил қахрамонликлар бўлган, албатта. У пайтлар бу ҳовузда бошқа балиқлар...

— Нега миллион йил? Нега юз йил бурун эмас? — савол ташлабди яна митти балиқ.

— Билсанг, ўзинг гапир! — дебди ниначи ҳавога кўтарилиб. — Агар дунёдаги турли балиқлар ҳақида гапирётганимдан норози бўлсанг, мен кета қолай. Бошқа биронта муаллимни топиб олинглар!

— Ўзингиз яхсисиз! Бизга сиздан бошқа муаллим керакмас, — деб балиқлар чувиллашибди. — Биз бу зумрашанинг қилоғидан чўзиб қўямиз. Хафа бўлманг! Бизга ўша кучли балиқлар ҳақида сўзлаб беринг.

Ниначи яна япроқ минбарини эгаллагандан сўнг, балиқлар митти балиқни қувлаб юборишибди.

Ниначи яна икки чақирим наридаги балиқларнинг келиб чиқиши ва уларнинг оламшумул тарихини сўзлашга киришибди:

— Ҳозир ҳар бир жонивор дунёни ўз ватани деб билмоқда. Дунё табиатини сақлашга киришмоқдалар. Сизлар ўша ҳовузни ўз ватанингиз сингари севсангиз асақангиз кетмайди. Уларнинг тарихини ўргансангиз, қандай жасорат кўрсатганини билиб олсангиз, қахрамонлик кўрсатиш қанақалигини биласиз. Бу балиқлар ўзлари яшаган ҳовузни ҳаммиша мардона ҳимоя қилишган. Ўтмишда уларнинг душманлари жуда кўп бўлган. Масалан, қурбақалар ўша ҳовузни ботқоқликка айлантирмоқчи бўлишган, итбалиқлар энди туғилган балиқчаларнинг жонига қасд қилишган, қисқичбақалар кўпайиб кетиб, ҳовузни бутунлай эгаллаб олмақчи, балиқларни қул қилмоқчи бўлишган. Аммо балиқлар орасида қахрамонлар етишиб чиқиб, уларнинг адабларини беришганки, уларнинг бу қахрамонона курашлари бугунги авлодни ҳамон тўлқинлантириб келмоқда. Баъзи жангларни айтиб берсам, сиз ҳам тўлқинланасиз, руҳланиб ўша ҳовузни жон-жаҳд билан ҳимоя қиласиз, деб умид қиламан. Сиз ҳам уларнинг қилган ишларидан фахрланинг. Шундагина сиз ватанпарварлик нима эканини англайсиз. Чунончи ўша буюк ҳовузда бўлиб ўтган қахрамонона ишлар сизнинг ҳам фахрингиз, ифтихорингиз... Шу билан бугунги дарсимиз тугади. Агар, мен сизда қисқичбақаларга ва бошқа босқинчиларга нисбатан озроқ нафрат туйғусини уйғота олган бўлсам, ўзимни бахтиёр санар эдим.

Бирдан томдан тараша тушгандек бир кекса балиқ бақириб юборибди:

— Ия, бизнинг боболар қисқичбақалар билан дўст бўлган эди-ку! Бу ёғи қандоқ бўлди?!

— Оғзим бор, деб гапираверасиз экан-да, — дебди аччиқланган ниначи. — Илгари дўст бўлган бўлса... кейинчалик улар бир-бирига душман бўлгандир. Сиз нимани ҳам билардингиз ўзи? Юз йил бурунги тарихни сиз қаёқдан билардингиз? Кўп йиллар бурун қисқичбақалар ёмонликни касб қилиб олганини билмайсизлар. Улар жуда ваҳшийлашиб, ўзгариб кетган ҳозир. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Ҳозир ҳаёт шунчалик тез ўзгарувчанки... Эҳ, отагинам, ўқимагансиз-да.

Кекса балиқ мўйловини бураб, хижолат чекиб, қулимсираб қўйибди. Ниначи кекса балиқ саводсизлиги туфайли уялиб қолганини кўриб, хурсанд бўлибди.

— Эртага мен сизларга ўша биродарларингизнинг гўзал, ўлмас ва сўлмас урф-одатлари ҳақида гапириб бераман. Албатта, уларнинг урф-одатлари сизларни қизиқтиради ва ўзига оҳанграбодек тортади, деб ўйлай-

ман, — дебди ниначи, гапга якун ясаб.

Балиқлар кун сайин ниначининг сўзларига маҳлиё бўлаверибдилар. Баҳор, ёз фасли ўтиб, куз кириб келганини ҳам сезмай қолишибди. Ниначининг сўзларига шу қадар берилиб кетишибдики, ҳатто ўзлари яшаб турган ҳовузни ҳам, кундалик ташвишларни ҳам, гўзал манзаралардан завқ олишни ҳам унутиб, ниначи тарифлаб берган ҳовуз ҳақида хаёл суришар, ўша “жаннат” да яшашни орзу қилишар экан.

Бир куни ҳовуз тагида кичик тешик пайдо бўлибди. Ҳовуздаги сув аста-секин камаё бошлабди. Буни ҳаммадан бурун ҳушёр митти балиқ пайқабди.

— Оғайнилар! Ўпқонни зудлик билан беркитайлик! Хас-хашак ва лой билан ёпайлик! — деб қичқирибди у. — Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб курашмасак, ҳалок бўламиз.

— Э, қўйсанг-чи! Шу ҳам ҳовуз бўптими? Ҳали биз шундай бир ҳовузда яшаймизки.. — деб ширин орзуларга берилибди балиқлар.

Балиқлар митти балиқнинг чақириғига лоқайдлик билан қарашиб, бу унинг одатдаги ваҳимаси бўлса керак, деб ўйлабдилар. Тешикни беркитмоқ учун уларда бўш вақт ҳам, иштиёқ ҳам йўқ экан. Ниначи уларга икки чақирим наридаги балиқларнинг қаҳрамонликларини мақтар, уларнинг тарихини пухта билиш лозимлиги ҳақида гапирар, мухлислари эътиборсизлик қилса дакки бераркан. Хуллас, у балиқларни ўз макони ҳақида ўйлашга имкон бермас, фақат ўзга бир ҳовуз ҳақида жонкуярлик қилишни тарғиб этаркан.

Ниначи митти балиқнинг чақириғини инкор этиб, уйдирма деб баҳо берди.

— Бу тешик яна ёпилади, — деди у. — Табиат қонунини билмаган балиқ нукул ваҳимачи бўлади. Мен сизларга тарифлаб ўтган ҳовузда бунақанги калтабинлар йўқ. Улар етти ўлчаб бир кесишади.

Бу гапларни эшитган балиқлар уялиб, ўзаро шивирлашдан тўхтабдилар.

Ниначига ёрдамчи бўлиб ёлланган, гапга тез кўнадиган семиз балиқ ваҳимага тушаётган балиқларни тинчлантирибди:

— Ҳаммамиз учун ҳурматли бўлган ниначи жанобларининг гапи михдай тўғри! Ваҳима кўтаришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Бу тешик тезда ёпилади. Ниначи жаноблари икки чақирим наридаги балиқларнинг қаҳрамонликларини бекорга айтаяптими? У бизни ҳам улардек мард, қўрқмас, иродали бўлсин дейди-да. Ҳозир ўша балиқларнинг энг ахмоғи ҳам биздан юз карра афзалликларга эга бўлса керак. О, икки чақирим наридаги гўзал ҳовуз! Қани эди, бошингга бир фалокат тушсаю, биз мард

ўғлонларингни қўриқлай туриб жон берсак!..

Бир куни ниначи балиқларнинг ёнига келиб шундай дебди:

— Дўстларим! Бугун ҳамма менинг орқамдан юрсин! Ҳаммамиз ҳашарга борамиз. Қардош биродарларингизга ёрдам беришимиз керак. Шу кунларда қўшни ҳовузга хас-хашаклар оқиб келаяпти. Уларни тозаламасак, тез кунда идеал ҳовуз сасиб кетади ва турли касалликлар тарқатиш мумкин. Қани, кимки икки чақирим наридаги ҳовузни севса, мен билан юрсин! Унинг ҳуснига доғ тушишини сира истамайман! Мен ватанпарвар бўлганим учун ўзим туғилган ватанни кўкка кўтариб юрибман. Ватанга бўлган муҳаббатимни энди исбот этишим керак, азиз биродарлар! Қани, йўлга тушдик!

— Сиз айтган ҳовузни жонимиздан ортиқроқ яхши кўрамиз. Аммо у томонга қандай ўтамыз? Қанотимиз йўқки, ўтсак... — дебди икки чақирим наридаги ҳовуз тарихини пухта эгаллаган семиз балиқ, ниҳоятда афсусланган ҳолда.

Семиз балиқнинг бу гапи ниначини ўйлантириб қўйибди. Ниҳоят қанотлари билан бошига бир урибди-да:

— Вой, мен аҳмоқ! — дебди. — Бу ёғини ўйлаб кўрмаман-а! Эссиз, шунча вақтимни бекорга сарфлабман! Қанча куч, қанча умр ҳавога учиб кетди. Энди кетиш олди-дан бу гапни эшитинг. Ўзлари ҳалок бўлаётганини пайқаман сиз анқовларга гапиргандан кўра, қурбақаларга гапирсам бўларкан. Хайр, нодон балиқлар! Энди бошқа учрашмаймиз. Мен сизни ўз ватанимда ишлатсам деб ўйлагандим. Шунинг учун анави ўпқонга эътибор бермагандим. Хайр!

Балиқлар ниначи учиб кетгандан сўнг узоқ вақт давомида қовоқларини осилтириб, хаёлга толибдилар. Ҳамманинг руҳи тушиб кетганини кўриб, кекса балиқ аччиқланиб:

— Ниначининг гапи тўғри, — дебди. — Агар биз анқов бўлмасак унинг фойдасиз гапларига қулоқ солармидик?! Ахир, у қўшни ҳовуз бўйида туғилгани учун ўз масканини кўкларга кўтараётган экан. Биз бўлсак!... Э, ҳамма ўз туғилган ватанини севар экан-да. Оғайнилар! Кўз ёшидан фойда йўқ. Энди ўз ватанимизни, шу кичик ҳовузни илгаригидай эъозлайлик. Қани, митти балиққа ёрдам берайлик! У икки кундан буён ўпқонни беркитиш билан овора бўлиб юрибди... Мана, ўз юртимизда ботирлар бор экану, биз уни таҳқирлаб, ҳақорат қилиб-миз.

Хуллас, балиқлар бир тан, бир жон бўлиб, ҳовуздаги сувни сақлаб қолишибди.



Хўжабек Турсунов 1957 йил Бахмал туманидаги Қирққишлоқда туғилган. Улуғбек номидаги 19-ўрта мактабни битирган. “Жиззахдаштурилиш” бошқармасининг “Бўстон” хабарномасида, сўнгра Жиззах туманидаги собиқ “Коммунизм сари” (ҳозирги “Жиззах овози”) хабарномасида адабий ходим бўлиб ишлаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлимида адабий маслаҳатчи вазифасида ишлади. Унинг ҳикоялари ва эртаклари “Ёшлик”, “Сирли олам”, “Гулхан” журналларида чоп этилган.

ТУРКИСТОННИНГ ЕВРОПАДАГИ ОВОЗИ

*“Муқаддас вазифамиз юрт ва халқимизнинг манфаатидир”, - деган эди
“Ёш Туркистон”чилар.*

Ўзининг илми, имони, куч-қувватига таяниб иш кўрган халқнинг болалари ҳеч замонда хорлигу забунликда кун кўрмаган. Аксинча, дунёвий тамаддун силсилаларида боқий қолган. Дарахтнинг илдизлари қанчалик бақувват бўлса, уни заминдан қўпориб ташлаш ҳам чандон машаққатли кечади. Шу сингари инсоннинг имон-этиқоди, ватанга бўлган меҳру муҳаббати, туз бериб вояга етказган халқига нисбатан садоқати нечоғли мустақкам бўлса, уни «сотиб» олиш, ёхуд миясини турли-туман «ҳақиқат»лар билан захарлаш шу қадар душвордир, имконсиздир. Жаҳон уммонида елиб бораётган улкан ва бақувват кема — озод Ўзбекистоннинг қисқа фурсатда юксак даражадаги тараққиётга эш бўлганини кўриб, Аллоҳнинг ОЗОДЛИК аталмиш буюк неъматига шукроналар айтасан, бу ёруғ кунларга осонликча эришилмагани ҳақида ўйлаганинг сайин мозийни қалбларга гурур бахш этувчи лаҳзалари-да кўз олдингдан ўтаверади.

«Ёш Туркистон» журнали — ўзбек муҳожир матбуотининг очилмаган «қўриқ»ларидан саналади. Журнал Франция пойтахти Парижда 1929 йилнинг декабридан 1939 йилга қадар чоп этилган. Унинг ношир ва муҳаррири «Туркистон мустақиллиги учун таниқли курашчи»лардан бири — Мустафо Чўқай эди.

Журналнинг бош мақсадини таҳририят илк сонда шундай баён этганди: **«Йўлимиз ва мақсадимиз: Биз Туркистон истиқлолчилари элимиз эрки ва юртимиз Туркистоннинг қутилиши учун курашамиз...»**²

«Ёш Туркистон» ижодкорлари Европада чоп этилган журналларнинг эътироф этишга арзигулик тажрибаларидан кенг фойдаланганлар. Масалан, журнал ходимлари ўлкада ҳамда хорижда чоп этилаётган газета-журналлар юзасидан мунтазам мониторинг олиб бориб, Туркистонга дахлдор бўлган катта-кичик воқеа-ҳодисаларни бирдек таҳлил қилганлар. Бу каби кузатувлар натижасида «Туркистонда пахта атрофи-

да кураш»³, «Туркистонда ерлаштириш нималардан иборат?»⁴, «Туркистонликлар бошларини эгмаганлар»⁵, «Босмачилик тўғрисида»⁶, «Қизил тошкентлик афандилар»⁷, «Шарқ ҳақиқати» газетасининг Москва «миллий сиёсати» ҳақидаги бор ҳақиқати»⁸ номли салмоқли мақолалар юзага келган.

Ана шундай шарҳлардан бири журналнинг 1930 йил июнь-июль 7-8-қўшма сонида «Туркистонликлар назар диққатига» сарлавҳаси остида чоп этилган. Гарчи муаллифи кўрсатилмаган бўлса-да, бош мақола сифатида берилганидан билиш мумкинки, у Мустафо Чўқай қаламига мансубдир. Шарҳнинг ёзилиш услуби, сўзларни танлаш ва мурожаат оҳанги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

«Парижда чиқадиган французча “Мотан” газетаси 17 июнь (1930 йил—Н.О) тарихли сонида “Совет ҳукумати Туркистонда шиддатли мустамлакачилик сиёсати юритадир” сарлавҳали бир мақола нашр этган. Бу мақолада сўз орасида туркистонлик ўқувчи Афзабекнинг бизга маълум бир саргузаштидан ҳам баҳс этилган», деб бошланади мақола. Бизга яхши маълумки, 20-30-йилларда миллат маърифатпарварлари томонидан ўнлаб талабалар хорижга ўқиш учун юборилган. Юқорида исми зикр этилган талаба ҳам ана шулардан бири эди.

«Тахминан ўнинчи апрелларда Афзалбек Берлиндаги совет сафороти (элчихонаси — Н.О)га чақирилган. Сафоротда уни Михаилский исминда бир совет маъмури қабул этган. Афзалбекнинг талаба сифати билан Ўзбекистон ҳукуматидан олиб турган таъминотининг кесилиб қолганини ва унинг оғир вазиятда эканини совет сафороти жуда яхши билар эди. Чунки бу ўқувчиларнинг таъминотдан чиқарилганликлари хабари сафорот орқали олинган. Унинг оғир вазиятини билган Михаилский Афзалбекка большевик усулида пул топиш йўлини таклиф этган. Михаилский: “Агар сиз “совет гражданилиги вазифангиз”ни

1. Ўзбекистон янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуриллин, С.Камолов ва бошқ. Т.: “Шарқ”, 2000. 31-бетга қаранг.

2. “Ёш Туркистон” журнали. 1-сон. Париж.: 1929. “Бизнинг йўл” мақоласига қаранг.

3. М.Чўқай. “Туркистонда пахта атрофида кураш”. “Ёш Туркистон” журнали. Декабрь. 1-сон. Париж.: 1929.

4. Жоной. “Туркистонда ерлаштириш нималардан иборат?” “Ёш Туркистон” журнали. Январь 2-сон. Париж.: 1930.

5. “Туркистонликлар бошларини эгмаганлар”. “Ёш Туркистон” журнали. Февраль-март. 3-4-сон. Париж.: 1930.

6. Жоной. “Босмачилик тўғрисида”. “Ёш Туркистон” журнали. Февраль-март. 3-4-сон. Париж.: 1930.

7. М.Н. “Қизил тошкентлик афандилар”. “Ёш Туркистон” журнали. Февраль-март. 3-4-сон. Париж.: 1930.

8. О.Н. “Шарқ ҳақиқати” газетасининг Москва «миллий сиёсати» ҳақидаги бор ҳақиқати”. “Ёш Туркистон” журнали. Париж.:1930.



ўтасангиз, пул ҳам олиб турасиз”, деган.

Афзалбекнинг бу “совет гражданиги вазифаси” нима эканлиги ҳақидаги саволига қарши Михаилский унинг Туркистон Миллий ташкилоти билан муносабатга киришишини, Туркистон ёшларини таъқиб этишини ва Туркистон Миллий ташкилоти нашрини қандай йўллар билан мамлакатга кирмоқда бўлганини билиб олиш ва бошқаларни сўзлаган. Бунинг устига “Сиз қай ердан пул олиб турганингизни биров билиб қўяр деб ҳеч қўрқмангиз. Қариндошларим, ошно-оғайним пул ва мол юборадир деб юраве-расиз. Пулни истаган йўлингиз билан сизга етказиб берамиз” деган”. Бу усул совет хавфсизлик идоралари томонидан тажрибада синалган усуллардан бири бўлган. Табиийки, қўли калта, муҳтожу муҳожирликдаги одамларни айниқса, таъминоти ўзига яраша бўлган талабалар, қолаверса, иродаси заиф кишилар шу йўл билан “ов”ланганлар.

Бироқ бу гал совет маъмурларининг “номери” ўтмайди: “Афзалбек сафорот юртида (ҳудудда — Н.О) қулфланган уйда ўтириб қаршисига қўйилган пулни рад эта олмаган. Олиб чиққанидан сўнг иккинчи кун почта орқали яна шу Михаилскийнинг ўз исмига қайтариб юборган. Мана, бир совет маъмурининг бу провакаторлик ташаббуси шундай мувофакиятсизлик, шармандалик билан натижаланган. Табиий, Михаилский бир маъмурдир. У ўзига буюрилгандан бошқа нарсани қилмайди. Туркистон миллий манфаатларига қарши курашиш совет сиёсатининг асос муддаоларидан биридир. Рус қизил ўрдаси қуввати билан юртимизда ҳокимиятларини сақлаб турадилар. Бундай сотиб олиш, провакациялар билан миллий ташкилотимизни бузмоқчи бўладилар. Баъзан большевиклар провакацияларига мувоффақ бўлганлар. Баъзи бир ахлоқ ва сажияси заиф одамлар уларнинг бу провакаторлик тузоқларига тушиб қолсалар ҳам ажабмас. Фақат бу сафар провакатор большевикларнинг бошлари қаттиқ бир тошга тегди. Улар қаршиларида юксак ахлоқли, юрти ва халқини билиб, сезиб севган ҳақиқий бир Туркистон ўғлини кўрдилар. У провакаторларнинг ифлос таклифларини қайтариб юзларига урди”.

Дарҳақиқат, бу эл-юрт манфаати, пок эътиқод ва фарзандлик бурчи сингари муқаддас тушунчаларни қалбдан англаб етган инсоннинг диққатга сазовор ҳатти-ҳаракати эди.

Мақола муаллифи “Афзалбекнинг бу тарз ҳаракати бошқа бир қанча туркистонликларга ҳам яхши мисол бўлсин эди” дея ният билдиради. Шунингдек, “Мингларча рус талабаси Туркистон пули билан ўқиб ётадир (Бу ҳақида журналнинг шу сониди, айни шарҳдан кейин махсус мақола берилган—Н.О). Туркистон ўқувчиларининг эса таъминоти кесилиб, ёлғиз юрт ва халқларига хиёнат этиб, Москва учун провакаторлик этганлари тақдирдагина пул ола билишлари”ни кескин танқид остига олади.

“Эй туркистонликлар! Буни эсингизда тутинг ва большевик провакаторларидан сақланингиз! - дея даъват қилинади мақолада. — Ватандошингиз Афзалбек ҳаракатидан ибрат олинг. Юрт ва халқингиз мафаа-

ти учунгина ҳаракат этинг”.

Мақолага “Ҳаммамизнинг энг муҳим ва муқаддас вазифамиз юрт ва халқимизнинг манфаатидир. Бундан устун ҳеч бир нарса йўқ ва бўлмасин” дея хулоса қилинади.

Туғилиб ўсган юртига нисбаттан юрагида заррача меҳри бўлган киши юқоридаги сатрлардан таъсирланмай, қолмаса керак. Совет замонининг фирром сиёсий ўйинлари, большевикларнинг шахсларни, миллат фидойиларини “сотиб олиш”, жисмонан йўқотиш, миллий озодлик ҳаракатига зимдан тазйиқ ўтказиш йўлида турли қабиҳликлардан қайтмаганини ўқиб билган инсонда зулм ва зўрликка таянган тузумга, унинг ноғарабозларига нисбаттан нафрат ўйғонади.

Журналнинг шу сониди, аниқроғи, 56-бетиди “Берлидан хабар” сарлавҳали атиги битта гапдан иборат ахборот берилган: “Мотан” газетасида Афзалбек воқеасида исми аталган (келтирилган—Н.О) Берлиндаги совет сафоротхонаси маъмурларидан Михаилский мақола чиққанидан икки кун кейин Москвага жўнаб кетган”. Бундан кўринадики, таҳририят ходимлари жараёндан мунтазам хабардор бўлишга интиланлар.

“Мотан” газетаси ва “Ёш Туркистон” журналида чоп этилган юқоридаги шарҳу тафсилот Европа матбуотида акс-садо бермай қолмайди. Бу ҳақда “Ёш Туркистон”нинг 1930 йил 9-10-сониди мавзуга яна қайтилганидан ҳам билиш қийин эмас. “Афзалбек воқеасининг олмон матбуотида акси” сарлавҳали ҳажман ихчамгина бўлган мақола тафсилоти қуйидагича: “Берлиндаги совет сафоротхонасида бўлиб ўтган Афзалбек воқеаси “Ёш Туркистон” ўқувчиларига маълумдир. Бу воқеа аввалича Парижнинг дунёга танилган “Мотан” газетаси орқали матбуот оламига акс этган эди. Берлин газеталари ҳафталарча полис (“полиция” демоқчи—Н.О) идораларида текширишлар қилганидан сўнг, Афзалбек воқеасини бутун тафсилоти-ла ёздилар. “Das iz Uhrblatt”, “Deutsche Zeitung” ва “N. Pr. Kreuz Zaitung” бу тўғрида узунгина мақолалар нашр этди. Совет ҳукуматининг Туркистон миллий ҳаракатига қарши бундай чиркин мужодала(кураш, ҳамла—Н.О)сини Берлин газеталари-да Париж газеталари каби буюк нафратлар билан қаршиладилар”.

Шундай бўлиши ҳам табиий эди. Зеро, соғлом фикрли жамиятлар бундай фирромликка тоқат қилмайди. Сабаби маърифатли тузумларда кураш ҳалол бўлганидагина тан олинади.

Бир сўз билан айтганда, “Ёш Туркистон” журна-лини 30-йилларда минтақамизнинг Европадаги овози бўлган, десак янглишмаймиз. Бир гуруҳ ватандошларимиз муҳожирликда минг бир машаққат билан чоп этган журналларида она юрт истиқлолини қўмсаб мақолалар эълон қилишди, манфур мафкура кирди-корларини жаҳон афкор оммасига фош этишди. “Ёш Туркистон”нинг ўзбек публицистикасида тутган ўрни ана шу омиллар билан яна ҳам қадрли ва юксакдир.

Норали ОЧИЛОВ

МУШОРИ ЭТАЪИ ЭВВОТ...



ИНТИҚЛИК

Устозим Шарофат опага

Учрашгандик. Опажоним ой бўлдим,
Орамизда урэн урган сой бўлдим,
Рўзгор юкин кўтарибон келолмадим,
Кўнглим чопар сизга учқур той бўлдим.

Мен айтайин бошимдаги савдоларни,
Кўнглимдаги ёриқларни пайдоларни.
Вақт етмади, сизга кўнгил ёролмадим,
Англаб етдим зиёнларни, фойдаларни.

Мен тингладим сўзларингиз эртақ мисол,
Англадимки: Дунё этак-этак масал.
Шу кунгача ўйингизсиз юролмадим,
Ўйларингиз ўйлар берди гулдан гўзал.

Кўксим тўлди меҳрингизнинг бонгларига,
Мафтун бўлиб қолдим Жиззах тонгларига.
Яна келдим сирлашгани, туролмадим
Асир бўлиб туйгунгизнинг рангларига.

Малика ҚОБУЛОВА

ШАҲИНАМ

(Есенин йўлида)

Кўкдаги юлдузим, оймомогинам,
Баҳорнинг чечаги чучмомогинам.
Ҳазон юрагимда очилган гулим,
Шаҳина, Шаҳина, Шаҳинагинам.

Жилмайсанг, қуёш ҳам уялиб қолар,
Жаннатнинг гуллари сендан ранг олар,
Менинг чаманзорим, навбаҳоргинам,
Шаҳина, Шаҳина, Шаҳинагинам.

Файзли қадамингга гуллар очилсин,
Ўйларингга олтин, дурлар сочилсин.
Менинг жавоҳирим, хазиначинам,
Шаҳина, Шаҳина, Шаҳинагинам.

Майли, менга тикма жоду кўзларинг,
Розиман, айтмасанг ширин сўзларинг.
Фақат йироқ кетма, кабутаргинам,
Шаҳина, Шаҳина Шаҳинагинам.

*Насиб ОТАМУРОДОВ,
Ғаллаорол тумани.*



ҚИЗҒАНМАГИН ҚУШИНГИ

Эрта туриб, кўкка боқдим,
о табиат,
Бугун яна синармисан
бардошимни.
Бағринг тўла саховатдир,
тўла неъмат,
Олтин кузим, қизғанмагин
куёшингни.



Деҳқон отам қўлларининг қадоғи кўп,
Ўзидан ҳам даласига ардоғи кўп.
Этак тўла боласининг сўроғи кўп,
Олтин кузим, қизғанмагин куёшингни!

Бир боқ, мана, ғалабанинг тўйи яқин,
Хирмонининг осмонларга бўйи яқин.
Деҳқонининг эзгу орзу-ўйи яқин
Олтин кузим, қизғанмагин куёшингни!

Куёшни далада қутган деҳқонимдан,
Минг чаноққа минг эгилган минг жонимдан,
Оқ ятакли азиз Ўзбекистонимдан
Олтин кузим, қизғанмагин куёшингни!

Шахло АХРОРОВА

ЖАҲОНГИРГА

Болам...
Шафқат билмас
Одамлардан кўрқ!
Иймонсизнинг
қалби ҳам тошдир.

Нокасу, номард,
бўлмагай ҳамдам.
Дўстлиги аларнинг
Ўзидан пастдир.

Ўғлим,
Унутма,
Эр йигитни
аёл йиқитар.
Шароб этар
чинорни хароб.
Суйма ёниб,

Оғир шифоси,
Муҳаббат ҳам
Мисоли сароб.

Эл учун ён!
Юрт учун,
куйгил...
Қолганлари —
тақдир ҳазили.
Унутмагин,
бойлигу,
шухрат —
қўлнинг кири.
ювдими — кетди!

*Норқул МАЪМИРОВ,
Замин тумани*

ДАВР, АДАБИЁТ, ЁШЛАР

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан суҳбат

— Одил ака, элимиз ардоғидаги оқсоқол адибсиз, сизнинг китобларингиз кириб бормаган бирор ўзбек хонадо-ни хойнаҳой топилмаса керак. Бугун китобхонлар “Одил ака ҳам 75 ёшни ўриб кўйибди” деб ўйламайди, аксинча, ҳамон асар ёзаётган, ишчан, ёзганда ҳам ўқувчиларнинг дилини ўртайдиган янги асарларнинг муаллифи сифати-да гавдаланасиз. Айтинг-чи, болалик дамларингизда бир кун келиб мен ҳам ўзбекининг каттақон ёзувчиси бўламан, деб ўйлармидингиз?

— Болалик ҳақида гап кетганда дарҳол қишлоғим кўз олдимда гавдаланади. Сирасини айтганда мен туғилиб ўсган қишлоқ катта эди, минг уйли десам ҳам кам, 15 минг аҳолиси, 4 та мадрасаси, 29 та мачити бор, қисқаси ўша давр таъбири билан айтганда “илм маскани” бўлган. Отам катта мансабдор эди. 37-йилда миллатга, халққа қайишгани учундир балки, қамашган. Ўша вақ-тими, кейинроқми отилган деб эшитганмиз, каззоблар-нинг замони келган эдики, ҳатто қамоқхоналарга хат ёзиб ҳам жавоб оломасдик. Хуллас, оиламиз бошлиғидан айрилган, унинг тақдиридан ҳам беҳабар бир таҳликали замон эди-да.

Ўшандай кезларда менинг бирдан-бир овуноғим китоб эди, ётиб олиб бетиним китоб ўқирдим. Биласиз, уруш йиллари керосин йўқ, чироқ йўқ, кечалари ҳам зимистондай бўларди. Раҳматли онам биз беш фарзанди-ни этаклаган кўйи қолган, бўйи бир қаричгина бўлгани билан энди ўйласам темирдай чидамли аёл экан. Ўша вақтларда қишлоғимиздан бўр кони топилиб, у ерда бўр заводи қурилди денг бахтимизга, онам ўша заводда қора меҳнат қилиб, амаллаб нон топиб бизни катта қилди. Эҳтимол, китобга меҳр дадамдан, бобомдан мерос қол-гандир, тинимсиз ўқирдим, лекин зинҳор мен ёзувчи бўламан, деб хаёлимга келтирмас эдим. Отам совет дав-рининг қурбони бўлиб кетган бўлса ҳам пионер, комсо-мол деган гапларга содиқ бўлганман. Онам бечорани қон қақшатиб уруш йиллари ариза бериб армияга кетиб қол-ганман.

Айни дамда бир тафсилот эсимга тушаётир. Ҳозир раҳ-матли бўлиб кетган, исми ҳам эсимда йўқ, ўқитувчи-миз бўларди, ҳарбий таълимдан дарс берарди, у киши-нинг жияни ҳам бизга синфдош эди. Шу бола менинг китобга қизиқишимни билади, бир куни шивирлаб “То-гамда “Ўткан кунлар” деган китоб бор, сўраб олиб

ўқимаймизми?” деб қолди. Авва-лига ўқитувчи-миз “менда ун-дай китоб йўқ”, деди, биз кўяр-да-қўймай яли-навергач, базўр икки кун муҳлатга берган. Не ажабки, ўша кунлари мен армияга кетиб қолдим, яъни ваъдага хиёнат қилиб китобни ўзим билан олиб урушга жўнадим. Мўғулистон-нинг икки минг километрик Гоби чўлидан пиёда ўтиб япон урушига жўнаганмиз, Квонтун армиясининг орқ-асига тушганмиз. Ўшанда бир фурсат бўлиб қолса, ўзбек йигитлари “Ўткан кунлар”ни талашиб ўқишга тушар-дик. Ўқиганда, биласизми, одам ўз элига бориб келган-дай ҳис қиларди ўзини. Эллик ё юз мартаба ўқигандир-ман-ов ўшанда. Қумушбидини болалик эҳтироси билан севиб қолгандик, қишлоқда қолган кўнгил берган қиз-лар эсга тушарди. Шу тариқа эҳтимол ёзувчиликка ҳавас бошланган эди, десам бўлади.

— Балки илк асарингизни ўша кезлари бошлаган чи-қарсиз? Қаердадир шундай маълумот эшитган эдим...

— Тўғри, мен илк қиссамни армияда ёзган эдим. Бу болалар ҳаётидан олинган “Тенгқурлар” деган қисса эди. Мен буни дарҳол Ёзувчилар уюшмасига конвертга со-либ жўнадим, кўп ўтмай Ойбек домладан асар у киши-га манзур бўлгани ҳақида илиқ мактуб олдим. Ойбек дом-ла бир менга эмас, командиримизга ҳам “шу йигитдан ёзувчи чиқиши мумкин, шароит яратиб берсангиз яхши бўларди” мазмунидаги хат йўллабдилар. Буни кўриб мен теримга сигмай хурсанд бўлдим. Армиядан ҳам келдим эсон-омон. “Ленин учқуни” (ҳозирги “Тонг юлдузи”) газетасида уч ой давомли босилди, сўнг “Шарқ юлдузи” журнали қиссани тўлиқ ҳолда чоп этди. Албатта, бу илк қисса, боз устига ўша даврнинг қолипига солиниб ёзил-ган схематик бир машқ эди, холос. Бу 1951-52 йилларда-ги гап эди. Ўша пайтда асарлар кам эди, шу боисландир кўп ўтмай китоб ҳолида босилди, танқидчиларнинг ти-лига тушди. Менинг адабиёт эшигидан кириб келишим-га шу қисса бир туртки бўлди хуллас.

— Шу гапларингизни тинглай туриб одамнинг хаёли-да бир мулоҳаза жонланади: айрим ёш ёзувчилар маса-



лан, ҳикояни қисса, қиссани роман деб эълон қилишайтир. Баъзан ҳикоя ҳажмидаги “романлар”га ҳам дуч келамиз. Ҳикоя, қисса, романлар ҳақида аввалдан шаклланган тасаввурлар мавжуд. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

— Ёшлар шундай қилишса қилаверишсин. Қиссани нега роман дединг, деб ёшларга тўппонча ўқталишимиз нотўғри. Майли-да энди. Бу — ижод эркинлигидан туғилётган бадиий синов, тажрибадир балки. Аммо мен роман деганда эпик кўлами кенг асарни тушунаманки, ҳеч қачон ҳикоя романининг ўрнини босолмайди. Ҳикоя қиссанинг ўрнини босолмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар илгаридан бўлган. Ҳатто машҳур Антон Чехов ҳам бирда ҳикоясини қисса, бирда қиссасини ҳикоя деб атаган. Лекин зинҳор улардан бирортасини роман эмас. Назаримда романда ҳаёт воқелигининг қамрови жуда катта бўлади, ҳаётнинг зиддиятларнинг сабаблари, омиллари акс этади. Бу албатта, адабиёт назариячиларининг юмуши. Ҳикояни роман деса деярли бериб қолмайди. Ёш ёзувчилар эрта бир кун ёшлари бир жойга бориб ижод машаққатини тўла ҳис эта борганларида бу гаплар фойдасиз эканини тушуниб етишади.

— “От изини той босар” деган қоида адабиётда ҳам бор. Романчиликда А.Қолирий, Ойбек, А.Қаҳҳорларнинг бевоқифлиги издошларидан саналасиз. Хўш, айтинг-чи, ёш адиблар орасида сизларга ҳам муносиб издошлар борми?

— Ҳозирги ноширликдаги баъзи иқтисодий муаммоларга қарамай адабиётда дадил қалам тебратаётган ёшлар талайгина бор. Бугун биз Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Фаффор Ҳотамов, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Аҳмад Аъзамларни ёш ёзувчилар десак бўлмайди. Улар ўзбек адабиётида маълум мавқега эга катта ёзувчилар саналишади. Истеъдодлари ҳам жуда баланд. Яқинда “Шарқ юлдузи” журналида Машраб ҳақидаги жуда ширин, пишиқ тилда ёзилган Хайриддин Бегматнинг бир романини ўқидим. Афсуски, баъзи ёшлар бир яхши асари билан ялт этиб кўзга ташланиб, сўнг ғойиб бўлиб кетишади. Ёшлар орасида изланувчан, истеъдоддан Худо ёрлақанлари бор. Истеъдодни асраш, тиним билмай унга ишлов беравериш керак. Шойим Бўтаев, Абдуқаюм Йўлдошев, Тўхтамурад Рустамовлар самарали ижод қилишяпти. Назар Эшонкулов, Собир Ўнар, Шодикул Ҳамролардан ҳам умидимиз катта. Самарқандлик Уйғун Рўзиев деган ёш йигит ҳам “Атиргул” деб номланган яхшигина роман ёзибди. Буларни кўриб албатта, қувонасан одам. Уларга излашниларида қувват тилайман, ҳозирги ҳаётимизни барча мураккабликлари билан акс эттирувчи чин маънодаги етук асарларни жўшиб, фаол ёритишларини истайман.

— Одил ака, сизни кейинги вақтларда нафақат пешқаддам романнавис, балки етук драматург сифатида ҳам тан олишмоқда “Бир қошона сирлари” драмангиз муваффақият билан қўйилди. 2001 йилда унга йилнинг энг сара драма асари сифатида баҳо берилиб, “Офарин” совринига эга бўлдингиз. Сиз драматик асарларнинг истиқболи ҳақида нималар айтган бўлардингиз?

— Юқорида мен бир қанча ёш ёзувчиларимиз ҳақида гапирдим. Ҳозиргидай иқтисодий муаммолар китоб чиқаришга тўсиқ бўлиб турганда, чиққан китоблар дўкон-

ларда сотилмай ётганда, энг ёмони, китобхонлар китоб ўқимай қўйган бир замонда (мен бу ҳақда кўп гапирдим, ҳалиям гапиравераман) ҳаракат қилиб, шу асарим халқ маънавиятига хизмат қилар-ов, деб интилаётган ёш шоир, ёзувчиларни кўриб тасаннолар айтгим келади. Худди шу сингари театрдаги аҳвол ҳам шундайдир-да деган ҳаёлда эдим, яъни китоб ўқимаётган одам театрга ҳам бормаса керак, деб ўйлардим. Йўқ, ундай эмас экан. Ҳаётнинг, замонавий, жонли, қайтариб айтаман, жонли асар саҳнага чиқса, томошабинлар гуррос-гуррос келишар экан.

Мана шу сиз эслатган “Бир қошона сирлари” драмма аввал пьеса ҳолида миямга ўрнашди. Бугунги томошабинга керак асар эканини ҳис этиб турдим. Ёзиб тугатгач, уни таниқли профессоримиз Озод Шарофиддиновга ўқиш учун бердим. У кишига маъқул бўпти, шекилли, дарҳол мендан сўраб ҳам ўтирмай “Жаҳон адабиёти” журналида босиб юборди. Асарни шу ҳолида ҳозирги Миллий театрга топширдим. Бир ой муваффақият билан қўйилди. Зал томошабинга тўлиб томоша қилди. Мустақиллик байрами арафасида театримиз қайта таъмирланди, қайта кўрк бағишланди. Театрга томошабинлар оқими яна кучайди. Жой етишмаганидан юз киши тик оёқда туриб томоша қилганига бир неча марта гувоҳ бўлдим ва ўз навбатида қувондим.

Китоб ўқимаслик аввало ёзувчи одамни ранжитадиган бир ҳолат. Буям ўтиб кетар, деб умид қиламиз. Аммо шундай кезде театрда одамларнинг совимагани одамда янаям катта умидлар уйғотади. Драма асарини ёзиш аслида жуда қийин иш. Ногаҳон Шекспир, унинг тўрт юз йилдан ортиқ даврдан кейин ҳам театрларни зир титратаётган асарлари эсингга тушади, Чеховни, қолаверса Толстойни эслайсан. (Толстой “роман менинг муҳитим” деб романсиз яшай олмаслигини эътироф этса-да, вақти-вақти билан драмалар ҳам ёзган). Яхши драма ёзишнинг машаққати шунда.

Сир эмас, театрларимизда жуда сийқа, саёз, бачкана асарлар ҳам қўйилади. Ҳозир ҳам давом этияпти бу ҳолат. Асарларнинг номини айтиб муаллифларини хафа қилмоқчи эмасман, аммо томошабин кулди-ку, чапак чалди-ку, деб энг саёз асарларни саҳнага олиб чиқавериш ҳам инсофдан эмас. Ҳолбуки, томошабинга унинг интеллектини оширадиган, дунёқараши ва маънавиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган асарларни тавсия этган маъқул деган фикрдаман.

Мен ўйлайманки, янги Миллий театримизда энг юксак савияли асарлар намойиш этиш мақсад қилиб қўйилса, албатта драматургиянинг ривожланишига катта туртки бўлар эди.

— Оқсоқол адибларимизнинг аксарияти ижодни шеърятдан бошлаган эканлар. Сиз ҳам шеър ёзганмисиз, умуман, шеърятга муносабатингиз қандай?

— Япон адиби Акутагава Ёноскэ шеърятда қўшиқ унсури, насрда шеърят унсури бўлмаса, у яшашга қодир эмас, деган фикрни айтади. Улуғ авар шоири Расул Ҳамзатов ҳам Москвадаги Олий адабиёт курсида ўқиб юрган кезларида даставвал барча сабоқдошлари шоирлик даъво қилишгани, битириш арафасида эса биргина шоир қолгани, прозаик бўламан деганларнинг эса деярли ҳаммаси адабиётшунос бўлиб чиққанини ҳикоя қилади

“Менинг Доғистоним” асарида. Бу демак шеърят тасодифий одамлар шугулланидиган соҳа эмаслигини, шугулланганда ҳам у бир ўткинчи ҳолат, асл шеърят мудома истеъдодни талаб қилишини, сабр-машаққат ила вужудга келишини исбот этади.

Таассуфки, бизнинг болалигимиз кўпроқ рус шеърятини билан рўпара бўлишга мажбур этди. Сабаби Усмон Носир қатагон бўлган, Чўлпоннинг номини ҳам тилга олишга кўрқар эдик. Сулаймон ака деган бир ўқитувчимиз бўларди, адабиётни чуқур тушунар ва таҳлил қилар, вақтида У.Носир ва Чўлпонлар билан дўст бўлган, улар “халқ душмани” деб қоралангач, Тошкентдан бизнинг овулга қочиб келиб дарс бериб юрарди. У одам Чўлпоннинг деярли барча шеърларини ёд биларди. Биз катта маънодаги шеърятни Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир домлалар ижоди орқали ўргандик. Уруш йиллари юқорида айтганимдек Манжурияда каттакон тўрт дивизияни бирлаштирган корпуснинг штабида хизмат қилардим, штабда кутубхона бор эди ва камини у ерда “интизомни бузиб”, кечаси билан китоб ўқирдим. Пушкиннинг ярим шеърятини ёд олган эдим, балки ишонмасиз бунга. Лермонтов, Есенин шеърларини севиб ўқиганман. Ўзи умуман шеърятга меҳрим жуда баланд. Чўлпон ва Усмон Носир номлари оқлангач, кўпчилик қатори улар ижодини ютоқиб ўқиган эдим. Ҳозирги ўзбек шеърятини ҳам фахрланса арзиғулик шеърят. Абдуллажон Ориповнинг, масалан, бирор газетанда босилган шеърини ҳам албатта топиб ўқийман. Таъсирланаман. Бу шеърлардаги руҳий кўтаринкилик, фалсафий мушоҳада, услубий ёрқинлик лол қолдиради одамни. Афсуски, биз Муҳаммад Юсуфдек жонажон укамиздан айрилдик. Муҳаммаджон ҳам ўзбек шеърятининг гуруланса бўладиган сиймоларидан бирига айланган эди. Бошқа қатор шоир дўстларимиз, укаларимнинг шеърларини, шеърини китобларини ўқийман, таҳсин айтаман, улар жудаям кўпчилик, кўпчилиги яхши, бирма-бир, номма-ном барчасини санагим келади, кексалик, бирор-ярмини санамай ўтсам, хафа бўлишмасин дейман...

Қисқаси, ҳар бир ёзувчи ижодини шеър билан бошлайди. Бу яхши фазилат. Чунки насрда ўқувчининг қалб торларини чертиб юбориш учун бу хислат жудаям керак.

— Одил ака, устоз-шогирдчилик анъаналари, унинг аҳамияти тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

— Мен ҳаётимда икки улкан ижодкор: Абдулла Қаҳҳор ва Миртемир домлалар билан жуда яқин мулоқотда, муносабатда бўлганман. Фафур Фуломдек буюк шоир билан учрашиб турганман. Албатта, мен уларнинг кези келганда насиҳат, ўғитларидан баҳраманд бўлганимдан ифтихор қиламан. Миртемирдай бир бағри дарё, сўзга бой шоир кам учрайди, ҳали-ҳануз шоир адабиётда муносиб ўрнига, муносиб эъзозга эришолмади, деб ўйлайман. Камини бир пайтлар Москвада собиқ иттифоқ бўйлаб тарқалувчи машхур “Литературная газета”нинг Ўзбекистон бўйича ўн йил мухбири бўлиб ишладим. Ўша вақтда нафақат адабий муҳитда, балки оммавий ахборот воситалари ичида етакчи нуфузга эга, ниҳоятда жанговор газета эди бу. Кези келганда устозлар олдидаги бурчим деб машхур ўзбек адибу шоирларининг ижодини мазкур газетанда тарғибу ташвиқ қилишга баҳоли қудрат ҳиссам тегди. Тақдир тақозоси билан беш йил ўзимиздаги ада-

биёт газетасига муҳаррирлик қилиш насиб этди. Газета тиражини агар ишонсангиз, 40 минг нусхадан 700 минг нусхагача ошиб кетди. Республикамининг энг долзарб муаммолари ўша пайтда дадил кўтарилгани бунга сабаб бўлди, деб ўйлайман. Устозларимдан ибрат ўлароқ талай ижодкорларнинг бошини силаш фурсати келди. Шогирдларим орасида гарчи баъзилари устозим дея эъзозланмас, бироқ публицистлар ҳам, шоирлар, адиблар, адабий танқидчилар ҳам борки, мен ҳануз уларнинг қилаётган яхши ижодий ишларидан, оқилона чиқишларидан кўксим гурурга тўлиб ўтираман. Қувонаман. Устозда ҳам, шогирдда ҳам меҳр бўлиши керак, шундагина бу анъана ўлмайди, деб ўйлайман.

— Мавриди келганда бир воқеани эсга олиш жониз. 89-йили эди чоғи, собиқ иттифоқ курултойи минбаридан туриб ўша пайтда авж олган “ўзбеклар иши” дея ном олган, ўзбек пахтакорларининг, раҳбарларининг шўрини кўритган жараёнга, қолаверса ўзбекнинг шу тўғайли тушиб қолган забун аҳволи учун сиз жиддий, очик эътироз билдира олган эдингиз. Бизнинг матбуотимиз бу воқеани ойлар мобайнида эслаб, саҳифаларида ёритган эди. Таъажуб қиламиз ҳозир ҳам: наҳотки Одил ака ўшанда ҳеч кимдан чўчимасди экан, деб. Назаримда публицистиканинг аҳамияти чандон ошган эди ўшанда?

— Менинг ўшанда Кремлнинг сёзлар саройида қилган нутқим ҳамма газеталарда чоп этилган. Бу ҳақдаги тафсилотларни ҳам талай марта ёздим. Аммо ишонасизми, депутатларнинг бир қисми зални ташлаб чиқишгача етган бундай гурбатли анжуманда ўзбек номи билан минбарга кўтарилганининг ўзи бўлмас эди. Ниҳоятда мушкул эди. Ўша курултойда сўзга ёзиламан, сўз беришмайди, жиғибийрон бўлиб юрганимда иттифоқо Ислом Абдуғаниевич билан учрашиб қолдим ва у кишининг ўзлари: “Оқсоқол бир сўз олиб берсам, яхши гаплар айтолмасизми?” деб сўрадилар. “Бошқалар ўз дардини дадил айтаяпти, агар сўз берсангиз, мен ҳам ўзбекларнинг машаққатли меҳнати, жафо чекаётгани ҳақида сўзламоқчи эдим”, дедим. Хуллас, Ислом Абдуғаниевичнинг саъй-ҳаракати билан сўзга чиқдим ва ўзбек халқининг Америка плантацияларида ишлаётган негрдан ҳам бешбаттар эзилаётганини, меҳнатига яраша қадр топмаётганини айтдим. Ахир америкалик плантаторлар ҳам жилақурса насл қолдирадиган восита сифатида ҳабашларни асрар экан. Бўйи икки метрлик негр спортчилар ҳозир Американинг доврўғини кўтариб турибди, ахир. Бизда бўлса яхши насл қолдириши мумкин бўлган аёлларимиз пахтазорларда чанг, дори ютиб, қуёшда куйиб, совуқда қўли қавариб адойи тамом бўлди, на хусн, на жозиба қолди унда, деганим заҳоти кўнғироқлар жиринглаб, сўзимни тўхтатиб қўйишди. Гдьян, Ивановларнинг 1986-89 йилларда халқимиз бошига солган даҳшатли кулфатлари ҳақида ҳам мақолаларимда, айниқса “Адолат манзили” романида қамрови билан ёзишга интилдим. Ўйлайманки, бу асар ўзининг муносиб баҳосини олди, ёмон бўлмади, кино ҳам бўлди.

Мазкур мавзуни давом эттириб, бултур “Ўзбекистон овози” газетасида “Қашқадарё гурунглари” номи остида туркум очерклар чоп эттирдим. Бунга сабаб бир гуруҳ қашқадарёлик кекса отахонларнинг менга ёзган мактублари эди. Ўлар мактубда “ўзбеклар иши” компа-

नियाسى Қашқадарёда ниҳоят даражада даҳшатли кечганини, ҳали бу матбуотда тўла ёритилмагани ҳақида ёзишиб, каминадан бориб улар билан бафуржа суҳбат қилишимни илтимос қилишган эди. Мен бориб улар билан гурунглашдим. Воқеалар аянчди эди. Яхшимки ўша кезларда вилоятга Ислоом Абдуганиевич раҳбар бўлиб бориб кўп бало-қазоларнинг олдини олишга, авж олаётган қатағонни тўсишга мардларча, қўрқмай ҳаракат қилган, раҳнамолик кўрсатган. Мен бу ҳақда албатта мароқ билан ёздим.

Ўзи ҳаётда асли ёзувчининг иши ҳақиқатни ёритиш, юзага чиқариш. Бу каттакон юмуш, шунчаки иш эмас. Шундай бўлгач, у публицист сифатида ҳам жасоратли бўлиши лозим. Ўйлайманки, публицистика адабиёт учун ўғай эмас, аксинча шеър, насрга ўхшаш бир қисми. Мақолага юзаки қараганлар адашади. Бизнинг ҳозирга мустақилликни мустаҳкамлашдек буюк ишимизни барча мураккабликлари билан кўрсатишда публицистиканинг роли беқиёс. Жиддий, таҳлилларга бой, чўчимай, факт ва далилларга таяниб ёзилган мақолалар қанийди кўпроқ ёзилса. Асосли гапларга ўқувчи доим муҳтож. Демак, публицистиканинг аҳамияти заррача камайгани йўқ.

— **Одил ака, мана, мустақиллигимизнинг ўн биринчи йилига ҳам қадам қўйдик. Тарих олдида, эҳтимол кичик даврлир бу, аммо қилинган ва бошланган ишларнинг қўлами шу қадар кенги, уларнинг бир-бир санаб ўтишининг ўзи бўлмайди, аҳамияти жиҳатидан уларни биз ўрганган**

қолипларга ҳам солиб бўлмайди. Шундай кезда сизнинг хаёлингиздан нималар кечали?

— Тўғри таъкидладингиз, биз истиқлолни асрлар оша кутдик, мана, эришдик ҳам, ўн йиллик тўйини қойилмақом қилиб ўтказдик. Бу жуда буюк неъмат. Президентимиз таъкидлагани янглиғ қўлимиздаги ҳуқуқ бу мустақиллик. Бу дегани аввало заҳматкаш халқимизнинг ҳуқуқи, ютуғи. Мен шу кунларда Хоразм воҳаси ва қариндош қарақалпоқлар, уларнинг шўро даврида кечирган айрим мусибатлари ҳамда ўшанда ўзбек халқининг меҳр-муруввати, жонларига оро киргани хусусида туркум очерклар ёзаётиман. Ёзиш жараёнида кўнгилга келган гаплардан бири шу бўлдики, биз энди каттакон уммонда нурли соҳилни кўзлаб йўлга чиққан улкан кемамиз. Бу кеманинг йўлига тўфон, пўртаналар гов бўлиши табиий, уммон қаърида кўз илғамас айсберглар ҳам бор. Яъни баъзи гирром кучлар оёқдан олган чоғларни ҳам кўрдик, кўряпмиз. Оллога кўпдан-кўп шукрлар айтамыз, бу кеманинг моҳир дарғаси бор. У инсоннинг комил ақли, мустаҳкам иродаси, кучи ва тadbиркорлигига ишонамиз. Яна ишонаманки, биз нур балққан жозибали соҳилга муносиб дарғамиз билан иккиланмай етиб оламиз, албатта.

Суҳбатдош:
Марҳабо СОБИРОВА.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили



ҲАТТИНГ ҲАТТИНГ КЕЛИНЧАКНИНГ КЕЧИНМАЛАРИ

Ҳаётнинг ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Дунё айланаверади, кимдир келади, кимдир кетади, кимдир тугилади, кимдир... Болалар улғаяди, йигитлар куёв, қизлар келин бўлишади...

Мен, мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйган бир инсон, яна ҳам аниқроғи, келин сифатида баъзи фикрларимни баён этмоқчиман.

Дилбар, ўйноқи ёр-ёрлар жаранги остида, орзуйингиздек оппоқ либосларда, элу-юртнинг дуосини олиб, ўзга бир хонадонга, гўё ўзга оламга бахт, нур, чирой бахшида этмоқ учун бироз ҳадик юз бир ҳаёт бирла қадам қўясиз. Тугилиб ўсган азиз гўшангизни, оқ ювиб, оқ тараган меҳрибон ота-онангизни ўйлаб бир оз сиқиласиз. Аммо бу азиз остона, бу азиз хонадонда сизни онангиздек азизу-муқаррама бир инсон сизни “фарзандим ортидан келган фарзандим, давлатим”, дея, “ризку-насибанг билан келган бўлгин, ило-ё”, дея қучоқ очиб, бошингиздан гуллар сочиб, не-не умидлар билан пойингизга пойандозлар солиб кутиб олади. Сиз ҳам унга бир фарзандчалик меҳр-оқибатли бўлишга, ўз онангиз мисоли севиб-ардоқлашга, иззат-ҳурматини жойига қўйишга интилсангиз, бас!

Келинликнинг асл гашти ҳам мана шу.

Қайнона ҳаётимизнинг энг латиф, энг муңис дамларида бизга тўғри йўл кўрсатиб борадиган азиз инсондир. Ҳаётда ўз ўрнимизни топмоғимиз, бахтли оилалар қаторидан ўрин олмағимиз кўп жиҳатдан мана шу меҳрибон аёлга боғлиқ. “Қайнонали келин — қарқара келин, қайнонасиз келин — масҳара келин”, дейди доно халқимиз. Мен ҳам ўзимни ана шунақа, қарқара келинлар қаторига қўшгим келади. Ҳар куни ўқишга отлансам, жажжигина фарзандимизни бувисига топшираман. Куни билан ўқишда кўнглим тўқ бўлиб юраман, чунки биламанки, онажонимиз неварасини менадан-да яхшироқ тарбия қилиб ўтирадилар.

Тўғри, турмуш мураккаб, икир-чикирлари кўп. Баъзан хато қилиб қўямиз, шунда онажоним (қайнонам дейишга тилим бормайди) дакки берадилар, йўл-йўриқ кўрсатадилар, наеяҳат қиладилар, аммо дилимизни огритмайдилар. Бир умр у кишидан қарздорлигимни ҳис этиб яшайман. Онажон, илоҳо, сиздек муниса, мўътабар ва меҳрибон она бўлмоқ бизга ҳам насиб этсин.

* * *

Муҳаббат нима ўзи? У қандай илоҳий оташки, тафтидан дилларга ўт туташгуси... У қандай илоҳий қудратки, қўйида девона бўлгуси юрак...

“Муҳаббат йўқ, у фақат афсоналарда, дostonларда бор, холос...”, дейишади... Йўқ, дўстим, сиз адашяпсиз, муҳаббат бор, муҳаббат мангудир. Онажон, сизнинг меҳр-ла порлаб турган кўзларингизга қувват берган куч - муҳаббат эмасми? Дугонам, туйғуларингизни жунбушга

келтирган, юрагингга армон солган, сенга орзу берган, хаёлот дунёсига етаклаган, олис-олис парвозларга чорлаган муҳаббат эмасми, ахир?!

Кимга қандай, билмадим-у, лек мен учун муҳаббат бор. У орзу бўлиб ҳар лаҳза мени нурафшон келажак сари бошлайди. У армон бўлиб гоҳида дилимни гашлайди.

*О, дилимга ўт солган илоҳ,
Бу дунёда сен менга паноҳ.
О, муҳаббат, тотлисан, гўзал,
Юрагимда туганмас газал —
Муҳаббат...*

Биз севиб, бир-биримизни кўнглим бериб, турмуш курдик. Ширингина оиламиз, жажжигина фарзандимиз бор. Унинг чақноқ, қора кўзларида мен сени кўраман, муҳаббат! Ширин кулгуларида, нурли табуссумида сенинг тафтингни сезаман, муҳаббат! Бир умр сенга талпиниб, сенга топиниб яшайман, муҳаббат!

*Ишқ гўзал, дил оташ, ёниб яшайман!
Ҳижрон, ҳасратингдан топиб яшайман.
Иқбол бўвасига қониб яшайман,
Муҳаббат, муҳаббат, бунча гўзалсан.*

*Тонлар кулиб отар, тонларим сулув,
Бахтим, сен-ла ўтган онларим сулув.
Армони ушалган жонларим сулув,
Муҳаббат, муҳаббат, бунча ширинсан.*

*Бахтлиман, дил розим битиб яшайман,
Орзу этагидан тугиб яшайман,
Сендан жажжи бахтлар кутиб яшайман.
Муҳаббат, муҳаббат, бунча тотлисан.*

Айрим келинлар қайнонасиладан, қайноналар эса келинларидан нолишади. Шахсан мен қайнонамни она қатори кўраман. Оилада бешинчи келинман. Айтишим мумкинки, бир қадар эрка келинман. Мен қайнонамдан ҳамиша миннатдорман. Менга тўғри йўл кўрсатиб, кундузги ўқишимни давом эттиришимга қўмаклашиб, эртадан кечгача фарзандимга қараб ўтиришга рози бўлсалар-у, мен агар у кишидан салгина норози бўладиган бўлсам, мен ҳеч қачон ўзимда бундай туйғу пайдо бўлгани учун ўзимни кечира олмасам керак.

Туф-туф, ишқилиб, оиламизга кўз тегмасин, Балоқазодан худонинг ўзи асрасин.

* * *

Бу дунёни, умрни ўткинчи, дейдилар. Олис-олисларда милтираган юлдузларни дардли диллар ўкинчи, дейдилар. Кунлар, ойлар, йиллар ўтиб бормоқда елиб. Бевафо, ўткинчи деб аталган бу гардун, бу кажрафтор фалак-

нинг баъзан тотли, баъзан аччиқ неъматларидан баҳраманд бўлиб, не-не узун-қисқа умрлар ўтиб бормоқда. Ҳа... Бу дунё асли бир кам яралган. Кимдир бахтли, кимдир бахтсиз, кимдир эса...

Шу ўринда бир савол туғилади: Бахт нима ўзи?

Мен учун бу дунёда кимгадир кераклигимни ҳис этиб яшаш, кимнидир бахтли қилмоққа, кимнингдир умр боғини бир умр меҳрим нурлари ила яшнатмоққа қолдирлигимни ҳис этиб яшамок — бахт. Севиб, севилиб яшамок — бахт. Кўплар севгига ишонишмайди, Мухаббат борлигига шубҳа қилишади. Бу ҳақда кўшиқлар ҳам тўқилган:

“Мухаббат йўқ экан дунёда”. Наҳотки!? “Мухаббат йўқ экан”, дея ёнаётган, ўртанаётган, о, дўстим! Сизнинг беғам, беғубор юрагингизга илоҳий бир оташ солган, сизни девонавор этиб, зор-зор бўзлатаётган шу муҳаббат эмасми, ахир!? Армон оғушида ҳасрату-оҳлар уммонига чўмган маҳзун дугонам! Кувончни қалбингга бегона қилган, кулгуларинг ўғирлаган, хумор кўзларингни маҳзун этган муҳаббат эмасми? Азизларим, юрагингизга кулоқ солинг: унда она алласидек маъсум, тонгги шабада мисоли ёқимли бир кўшиқ оқмоқда. Бу ишққа, муҳаббатга ташна дил нидоси эмасми?

Наҳотки, муҳаббат фақат афсоналарда бўлади, деган афсоналарга ишонаверсангиз?

Муҳаббат шундай илоҳий оташки, унинг тафти тушган юрак бир умр ишқ қулидир.

Муҳаббат шундай илоҳий кудратки, унинг меҳри оламини мунаввар, қаҳри икки оламини жаҳаннам қилғусидир.

*О, муҳаббат, жоним, муҳаббат,
Сен армонсан, сен — дардсан фақат.
Дардинг гўзал, армонинг гўзал,
Нигоҳларга жо бўлган хилқат.
О, муҳаббат, сен — илоҳий бахт.*

Муҳаббат инсон умрининг гултожи, икки дил дурдонаси, ягонаси, демакдир:

*Тонгни олқиш билан кутиб яшайман,
Оқшомни энтиқиб кутаман ҳар кун.
Сулув саболардан тилаб олганим —
Сизга ишқ гулобин тутаман ҳар тун.*

*Оқшомлар сеҳрли эртақдай узун,
Меҳрингиз тафтини лабда туяман.
Сиз менинг кувончим, нафис борлигим,
Азизим, мен сизни жондай суяман.*

*Сиз умрим мазмуни, жоним, жаҳоним,
Сизсиз дунёларни, бегим, нетаман.
Ойдайн тўлишиб бу ойдин бахтдан
Оташ бағрингизга сингиб кетаман.*

Инсоният занжири узилиб қолмаслиги учун муҳаббат яшамоғи шарт. Бу дунёда мен бахт деганларини муҳаббатдан топдим. Дилда бунёд бўлган муқаллас ишқ қасрининг, муҳаббат мулкининг шоҳи-ю, гадоси мен, ўзим!!! У менинг ёнимда! Йўқ, жонимда! Йўқ, жоннинг ўзи-у! Унинг кўзларида балқиган меҳр, юзини ёритган нурли табассум, тилида мен учун, ҳа, ҳа, фақат мен учун айтиладиган, менга аталган энг тотли сўзлар. У бирла ўтган, ўтаётган, ўтадиган умримнинг энг ширин дамлари — муҳаббат инъоми! Жажжигина фарзандимизнинг отаси, соябони, менинг мустаҳкам устуним!

Тўғри, мен бу бахтга осонгина эришгина эришганим

йўқ. Гоҳо ғамга ботиб, ҳижронда қоврилиб, дарбадар кездим. Жафосин ҳам кўрдим бу оламнинг. Тушқунликка тушган дамларим, ғурбат аро ўтган онларим ҳам кўп бўлди, ахир:

*Чин бахт тополмадим бу оламда мен,
Тушқунлик домига ютади мени.
У кун изларимда мен хор айлаган
Севгининг уволи тутди мени.
Қайгулар йўлимга бўлар пояндоз,
Армонлар интизор кутади мени.
Топмай йўқотганим — дурдона бахтим,
Сенсиз қандоқ куним ўтади менинг, -*

дея зор-зор йиғлаган дамларим ҳам бўлди. Аммо шукр-ким, мен ўзимни тутиб олдим, қатъият кўрсатдим, вақтинча йўқотганимни яна топдим. Энди уни ҳеч қачон йўқотмасликка интилиб яшайман.

Ф. АЛИЕВА,
Жиззах шахри

НОЛА

(ёки она меҳрига ташна дил изҳори)

Сокилик. Мусаффо осмон. Жимжит қабристон. Янги қабр қошида юзлари заъфарон, йиғидан кўзлари қизарган беҳолгина бир қиз ўтирипти. Қизнинг кўзларида ёш филтилади. Ўзини тутишга ҳар қанча уринмасин, қиз ўкраб йиғлаб юборди:

“Онажон! Мен яна келдим. Бугун сиз энг яхши кўрган кун — Наврўз байрами. Эсингиздами, бу байрамни қандай кутиб олар эдик? Бизникога ҳамма кўшнилари, менинг дугоналарим йиғилардик. Сиз гўё йил сайин сўнаётган юрагингизнинг оху-фарёдларини билдирмаслик учун ўзингизни жуда хурсанд қилиб кўрсатишга тиришардингиз.

Мен эса ҳаммасини билардим. Сиз фақат мени деб яшардингиз. Эртаю-кеч тиним билмай ишлардингиз. Менинг нолик қўлларимни совуқ сувга урдирмай, бирон оғиз ёмон сўз айтмай, мени катта қилдингиз. Отам бечора шу қора меҳнат туфайли бевақт ҳаётдан кўз юмди. Отамнинг орзуси — мени олий маълумотли қилиш эди.

Билардим, онажон, кечалари мени ухлади, дея секин чиқиб кетардингиз. Мен учун ишлаб пул топгани. Қизим яхши кийинсин, яхши ўқисин, ўртоқларининг олдида кўнгли ўксимасин, деб шундай қилардингиз. Ниҳоят, шу тариқа касалга чалиндингиз. Шифохонада ётишга мажбур бўлдингиз. Кетаётиб: “Мен сени ташлаб кетаяпман, аммо сен мактабингни ташлама. Отанг айтгандай бўлсин. Менинг яккаю-ёзғизим, орзу-умидим сенсан”, дедингиз. Мен сескандим. Кўнглим сезгандай, бу сизнинг менга алвидонгиз бўлди. Сиз мени бутунлай ташлаб кетдингиз...

Онажон, айтганингиздай қилдим. Мактабни битирдим, институтга ўқишга ҳам кирдим, аммо шундай бахтиёр кунларда мен бутунлай ёлғизман. На отам, на сиз...

Бугун Байрам, сиз энг яхши кўрган байрам. Сиз эса бу ерда, тупроқда қоришиб ётибсиз...

Эҳ, бу ҳаёт...

Ахир мен... сиз...

Онажон, ишонинг, мен албатта сизлар орзу қилгандай инсон бўламан. Мен афло ўқийман, келажакда меҳнатим билан сизларнинг номларингизни улуғлайман. Биз энди мустақилмиз. Бизда энди ҳалол меҳнат албатта қадрланади. Демак, яшасак, яхши яшасак бўлади. Ишонинг, онажон! Мен шунга ишонапман...”

М. ХОЛБЎТАЕВА,
Жиззах шахри



ВАТАН УЛУҒ, ВАТАН МУҚАДДАС !

НАВО

Ватан — инсон томирида оққан қон!
Ватан — бешикдаги гўдак учун кўшиққа айланган ашша!

Тупроғи, гоҳо, тўйю тантаналар, гоҳо, жангу жаддалар остида тўлғонган, эй, она Ватан, сенинг таърифингни келтириб бўлар эканми?

Ер шарини кашф этган Беруний, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино, алжабрнинг отаси саналмиш Хоразмий, иккинчи Арасту номини олган Форобийлар — Ватандирлар! Ватан — бу, эътиқоддан юз ўтирмай қул бўлган Муқанна, бу - ўзга элларда дарбадар кезиб, ўз юртида ўлим топган Жалололдин Мангуберди, бу — жаҳонни ларзага солган соҳибқирон Амир Темурдир.

Ватан, — бу, ўзга юртларда юриб, “Ватан сизларники бўлгани каби меники ҳамдир!”, дея оху-фиғон чеккан Бобуру бобурийлардир.

Ривоятларда айтилишича, хуннлар душман сўраганда гўзал ёрини берган экан, учар отини сўраганда берган экан, аммо бир ҳовуч унумсиз тупроқни ёв сўраганда: “Бу бир ҳовуч тупроқ аждодларимиздан мерос, унда авлодларимизнинг ҳам ҳаққи бор”, дея жангга кирган эканлар.

Ҳа, Ватанни, не-не қурбонлар, не-не қийинчиликлар эвазига қўлга киритган мустақиллигимизни, Ўзбекистонимизни келажак авлодларга гуллаб-яшнаган, буюк ҳолатда мерос қилиб қолдиришимиз керак.

Ҳ. ИСМОЙЛОВА,
Фориш тумани

ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Оллоҳ одамзодни суйганидан унга бошқа барча жониворлардан устун кўриб, тил бахш этган. Тўғри, барча жониворларда ҳам тил бор, лекин фақат одамзод учун у сўзлашув, мулоқот воситасидир.

Баъзилар Ватан ғурури ҳақида сўзлаганда “пахта”, “олтин” ҳақида кўпириб сўзлайдилар. Менимча, бизнинг энг биринчи бойлигимиз — бу она тилимиздир. Ана шу тилимиз орқали биз Она, Ота, Ватан сўзларини дастлаб тилга ола бошлаймиз.

Бизнинг тилимизда қанчадан-қанча даҳолар, буюклар гапирмади, ижод қилмади, дейсиз. “Темурбек наслидин” бўлган Мирзо Улуғбек, газал мулкининг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий, “чархнинг мен кўрмаган жавру-жафоси қолдимۇ?”, дея зорланиб ўтган Заҳриддин Муҳаммад Бобур, “замона кулфатидан бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди”, дея юрак-бағрини доғлаган Увайсийлар шу тилда “қил қалам” тебратишган. Биз улар билан ҳар қанча фахрланишга ҳақлимиз. Бас, шундай экан, биз она ўзбек тилимизни авайлаб-асрашимиз, уни ғайриунсурлардан ҳимоя қилишимиз, ундан ҳамиша фахрланадиган даражада бўлишимиз лозим.

Х. БЕКМУРОДОВ,
Ғаллаорол тумани

БАХТ БАЛҚҚАН ТОНГ

Дарёларни ирмоқларсиз, дарахтларни шох-шаббаларсиз, қушларни қанотларсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, инсонни ҳам ватансиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Ватан! Бу сўз замирида олам-олам маъно бор. Ватан деб не-не зотлар дорга осилди. Ватан дея неча-неча улур бошлар қиличда чопилди, қанча-қанча мазлумлар ўз ота-онасидан, ёридан, ширин-шакар фарзандларидан айрилди.

Ватан, энг аввало — оила, киндик қонинг томган уй тупроғи, кейин маҳалланг, қишлоғинг, туманинг, вилоятинг, республиканг, жонажон Ўзбекистонинг! Бизнинг азиз Ватан... У не-не кўргуликларни, не-не ҳўрликларни кўрди... Ниҳоят, бахт кўёшдай балқди. Бу бахт кўёши 1991 йилнинг 1 сентябр тонгида балқди. Бу кун ҳар бир ўзбек учун муқаддасдир.

Ш. БОШБЕКОВА,
Зомин тумани

ТОТЛИ ИҚРОР

Ватан остонадан бошланади дейилади. Дарҳақиқат шундай. Қушларнинг чўғур-чугури, зилол сувларнинг шўх шилдираши, қўй-қўзиларнинг маъраши-ю, болариларнинг гувиллаши, оппоқ тулга бурканган боғ-роғлар, ёмғирдаги сўнгги шодон кулгусида, заҳматкаш деҳқон меҳнатю, сумалакнинг тотли ҳидида мен Ватанни ҳис қиламан.

*Ватанлар, ватанлар, майли гулласин,
Боғ усин мангулик музда ҳам, аммо,
Юртим сени бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса кечирма асло!*

Шоирнинг бу мисраларини ўқир эканман, унинг ҳақлигига яна бир бор иқрор бўламан. Инсон беғубор болалиги ўтган, доимо умрининг энг пок, соф туйғуларга йўғрилган дамларини эслатувчи, киндик қони тўкилган юртга интилади, уни соғинади. Уни ўткинчи шон-шўҳрату бойликларга алишганлар эса мангу жазога мустаҳқидир! Бу жазо — ватангадолик!

Н. ҚАРИМОВА,
Дўстлик тумани

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Алланазар АБДИЕВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ
Сирожиддин САЙИД

Бош муҳаррир
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ
Масъул котиб
Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Таҳрир хайъати:
Одил ЁҚУБОВ
Собир ЎНАР
Ҳожиакбар ШАЙХОВ
Абдусайд КЎЧИМОВ
Абдул Ғани ЖУМАЕВ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Ғаффор ҲОТАМОВ
Луқмон БЎРИХОН

Ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали
1982 йилдан чиқа бошлаган.

© "Ёшлик" № 1 (183) 2002 й.

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг
компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:

Саодат ТЎЛАГАНОВА

Муқоламизда:

1-бет: Бугунги Жиззах.

2-бет: Жиззах — сўлим гўша.

3-бет: Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ.

4-бет: Қизикчи Мирзабек ХОЛМЕДОВ.

А. Жумаев фотолари.

МУНДАРИЖА

ФАХР

Сайёра ТҲЙЧИЕВА. Истиклолга ижод ярашади... 1

ЭЪТИРОФ

Шарофат БОТИРОВА. Истеъдодларга мўл юрт
бу. 5

НАСР

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ. Муҳаббатнинг
қирмизи олмаси. Ҳикоялар..... 6
Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи. Муҳаббат ва на-
фрат. Ҳикоя. 15
Исоқ ИСМОИЛОВ. Даштдаги қишлоқ.
Ҳикоялар 26
Хўжабек ТУРСУНОВ. Безовта руҳ.
Ҳикоялар 34

НАЗМ

Саъдулла ҲАКИМ. Она юртим, Жиззахим 2
МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ.
Хайрулла СИДДИҚОВ, Гулчеҳра ШАҲОБИД-
ДИН қизи, Саъдина БОБОМУРОВОДА. 14

ЖИЗЗАХ ИСТЕЪДОДАРИ

Башорат СУЛАЙМОНОВА, Олим БОЙҚОБИ-
ЛОВ. 5
**БУ БЎСТОН САҲНИДА ГУЛ КЎП,
ЧАМАН КЎП.**

Меҳринисо АБДУРАҲМОНОВА, Зухра МАМА-
ДАЛИЕВА. 25

МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ.

Феруза ЗОКИРОВА, Абдухалил САТТОРОВ,
САНОБАР ҚОСИМОВА, Азиза ИСРОИЛОВА,
Абрам ЭШОНҚУЛОВ, Гулчеҳра УСМОНОВА,
Шарофат АЛИҚУЛОВА, Латофат НЕЪМАТ, Зе-
бунисо ЛАПАСОВА, Нажмиддин БАРОТОВ,
Нилуфар ҲАҚНАЗАРОВА, Умида ҚАҲҲОРОВА,
Маҳфуза БОЗОРОВА, Ирода КОМИЛОВА,
Шоҳида МЎМИНОВА, Садоқат УРДУШЕВА,
Насиба МАМАТОВА, Уйғун МАМАТҚУЛОВ. . 31

ИЖТИМОИЙ ОНГ. ДУНЁҚАРАШ. ЁШЛАР.

Шавкатбек МАМАДАЛИЕВ. Демократия ва
терроризм 30

ТАРИХ ВА ТАДҚИҚОТ

Норали ОЧИЛОВ. Туркистоннинг Европадаги
овози 38

ЖИЗЗАХ ИСТЕЪДОДАРИ

МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ. Малика ҚОБУ-
ЛОВА, Насиб ОТАМУРОВОДОВ, Шахло АҲРО-
РОВА, Норкул МАЪМИРОВ 40

ГУРУНГ

Одил ЁҚУБОВ. Давр, адабиёт, ёшлар 41

МУҲАББАТ ТОНГИ

Ўн саккизга кирмаган ким бор 45

КЎНГИЛ МАНЗАРЛАРИ

Ватан улуг, Ватан муқаддас! 47

Манзилмиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-уй.
Телефон: 133-40-83
Босишга 20. 02. 2002 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 6,0.
Индекс 822 ISSN 0207-9137 Буюртма № 42

Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди деб
изохланиши шарт.

"Янги аср авлоди" нашриёт маркази. Тошкент, Қатор-
тол кўчаси, 60-уй.